

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ** **30-31-сон**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ** **(374-375)**  
**ТЎПЛАМИ** **2009 йил**  
**3 август**

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

## **МУНДАРИЖА**

### *Иккинчи бўлим*

343. «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги ПҚ–1166-сон қарори

### *Учинчи бўлим*

344. «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 июлдаги 206-сон қарори

346. «Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетининг ташкилий

тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 23 июлдаги 211-сон қарори

347. «Оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги 216-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

348. «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги муваққат низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2009 йил 16 июлдаги 246, 01-255-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1984*)
349. «Акциялар эгалари реестри ва корпоратив облигациялар эгалари реестри тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 19 июндаги 2009-36-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 20 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1911-1*)
350. «Пишган гишт ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан солиқ имтиёзлари ва преференцияларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 22 июлдаги 73, 2009-23-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 24 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1985*)
351. «Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 20 июндаги 18/1, 2009-20-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 27 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1986*)
352. «Гидромеханизация ишларида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 24 июндаги 33/Б-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 29 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1987*)
353. «Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш

тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2009 йил 24 июндаги 72-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 29 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1988*)

354. «Туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари ходимларининг меъёрланган сонини белгилаш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2009 йил 16 июндаги 07-125, 64-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 29 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1989*)
355. «Ўн саккиз ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқландиган ноқулай меҳнат шароитлари ишлари рўйхатини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 26 июндаги 33Қ/Б, 13-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 29 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1990*)
356. «Қишлоқ ва сув хўжалиги ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 30 июндаги 35/Б-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 29 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1991*)
357. «Чет элда таълим олган ёш мутахассислар меҳнат фаолиятининг мониторинги тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 16 июндаги 30/П-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 836-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 18 июлдан 31 июлгача бўлган маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## **343 Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Тижорат банкларининг инвестиция фаолияти кенгайтирилишини янада рағбатлантириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга йўналтирилган узоқ муддатли инвестиция лойиҳаларини молиялаш ҳажмларини ошириш учун уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорларга мувофиқ:

тижорат банкларининг тузилмалари қайта ташкил этилди, энг йирик банкларда инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш бўйича департаментлар (бошқармалар) тузилди, инвестиция лойиҳаларини экспертиза қилиш, молиялаш ва амалга оширилишини мониторинг қилиш билан шуғулланувчи банкларнинг таркибий бўлинмалари сезиларли равишда ўзгартирилди ҳамда уларнинг функциялари кенгайтирилди;

барча тижорат банкларида инвестиция фаолияти масалаларига мутасаддилик қиладиган банклар бошқаруви раисларининг ўринбосарлари лавозими жорий этилди, уларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 октябрдаги Р-3075-сонли фармойишига мувофиқ ўтказилган аттестация натижалари бўйича қонунчилик базасини чуқур биладиган, инвестиция лойиҳаларини инвестициявий молиялаш, танлаб олиш ва экспертиза қилиш соҳасида зарур кўникмаларга эга бўлган раҳбарлар тайинланди;

банклар балансига қабул қилинган банкрот-корхоналарни молиявий соғломлаштириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини молиялаш бўйича тижорат банкларининг фаолияти ривожланди. Банкларнинг умумий кредит портфели таркибида бир йилдан кўпроқ муддатга берилган кредитлар ҳажми 70 фоиздан ортиқроқни ташкил этмоқда.

2. Қуйидагилар инвестиция фаолиятини кенгайтириш соҳасида тижорат банкларининг энг муҳим вазифалари деб ҳисоблансин:

янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича банкнинг кредит ҳамда инвестиция сиёсатини ва инвестиция лойиҳаларини узоқ муддатли кредит-

лаш механизмларини янада такомиллаштириш, бунинг асосида банкнинг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш;

лойиҳа ҳужжатлари, уларнинг молиявий жиҳатдан ўзини қоплаши ва рентабеллигини чуқур таҳлил қилиш асосида инвестиция лойиҳаларини пухта танлаб олиш, комплекс баҳолаш ҳамда сифатли экспертиза қилишни таъминлаш;

инвестиция лойиҳаларини молиялашга ўз молия маблағларини сарфлаш ва улардан самарали фойдаланиш, лойиҳаларнинг амалга ошириб борилишини доимий мониторинг қилиш, қўйилган маблағларнинг ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишини таъминлаш;

таваккалчилик, гаровлар ва таъминлашнинг бошқа турлари бозор қийматини пухта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда, берилган кредитларнинг ўз вақтида ҳамда тўлиқ қайтарилишини таъминлайдиган ишончли механизмлардан кенг фойдаланиш;

инвестиция фаолиятини амалга ошираётган банклар бўлинмаларини профессионал тайёрланган юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш, инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш, экспертиза қилиш ва амалга ошириш масалалари бўйича банк мутахассисларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш сифатини тубдан яхшилаш.

3. 2015 йилнинг 1 январигача шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра тижорат банклари кредит портфели таркибида 1-иловага\* мувофиқ узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб табақалаштирилган ставкалар бўйича фойда солиғи тўлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки ва Давлат солиқ қўмитаси бир ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин.

4. Тижорат банкларига корхона ва ташкилотлар — йирик инвестиция лойиҳалари ташаббускорларига лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уларни инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун қабул қилишда умуман лойиҳани молиялаш учун бериладиган кредитнинг умумий суммасига киритган ҳолда, экспертизадан ўтказиш бўйича харажатларни молиялашга кредитлар беришни амалиётга татбиқ қилиш тавсия этилсин.

5. Инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари ҳисобидан кредитларни қайта молияловчи тижорат банклари бошқаруви раислари зиммасига лойиҳалар ва қарз олувчи корхоналарнинг молиявий аҳволидан қатъи назар, маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш, уларни ажратилган фоизларни ҳисобга олган ҳолда тўлиқ ҳажмда Ўзбекистон Республикаси Халқ банкига ўз вақтида қайтариш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари ҳисобидан берилган кредитлардан тижорат банклари мақсадга номувофиқ фойдаланган ҳолатлар аниқланган тақдирда, мақсадга номувофиқ фойдаланилганлиги аниқланган

---

\* 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

барча пул миқдори жарима санкциялари қўлланган ҳолда муддатидан аввал тўланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон банклари уюшмаси ва тижорат банкларининг, банкларнинг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш учун тижорат банклари томонидан 2-иловага\* мувофиқ 2009-2010 йилларда юридик шахслар ўртасида камида 110 млрд. сўм ҳажмда жойлаштириладиган узоқ муддатли облигациялар чиқариш борасидаги таклифи қабул қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларининг Марказий банкдаги юридик шахсларнинг жалб этиладиган депозитлари бўйича мажбурий захиралари нормаларининг табақалаштирилган ставкаларини қўйидаги жалб этиш муддатларидан келиб чиққан ҳолда амалиётга татбиқ этсин:

муддати 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар бўйича — умумжорий этилган нормаларнинг 80% миқдорида;

муддати 3 йилдан ортиқ депозитлар бўйича — умумжорий этилган нормаларнинг 70% миқдорида.

8. Қўйидагилар:

тижорат банкларининг депозитларига ва қимматли қарз қоғозларига 1 йилдан ортиқ муддатга жойлаштиришдан олинadиган фоизли даромадлари бўйича юридик шахслар беш йил муддатга солиққа тортишдан;

тижорат банклари аввал берилган кредитларни тўлаш ҳисобига ундириб олинadиган мулкни сотишда қўшилган қиймат солиғи тўлашдан;

лизинг хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар 2009 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уч йил муддатга фойда солиғи ва лизинг операцияларидан тушадиган даромадлар бўйича ягона солиқ тўловидан озод этилсин.

9. Тижорат банклари томонидан, жумладан, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва йўлга қўйиш ҳамда маҳсулотларни сотишда муваффақиятли иш тажрибасига эга бошқа инвесторлар иштирокида янги ташкил этилган корхоналарга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги Р-4010-сон фармойишининг 2-бандида назарда тутилган солиқ имтиёзлари татбиқ этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 октябрдаги Р-3075-сон фармойиши билан тузилган Тижорат банклари раҳбарлари ва инвестиция фаолияти масалалари бўйича масъул бўлим бошлиқларини аттестациядан ўтказиш комиссияси (Р.С. Азимов) мунтазам равишда, ҳар икки йилда бир марта тижорат банклари бошқаруви раислари ўринбосарларини ва банкларнинг инвестиция фаолиятини амалга оширувчи таркибий тузилмалари раҳбарларини аттестациядан ўтказишни таъминласин (хорижий капитал иштирокидаги банклар ва хусусий банклар бундан мустасно).

Тижорат банклари раҳбарлари:

икки ой муддатда инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказувчи, молияловчи ва амалга оширилишини мониторинг қилувчи банкларнинг тар-

---

\* 2-илова рус тилидаги матнда берилган.

кибий бўлинмаларини самарали иш олиб бориш учун зарур компьютер техникаси ва ускуналар билан тўлиқ таъминлаш чораларини кўрсин;

инвестиция фаолияти масалалари учун жавобгар банк бўлинмаларини юқори малакали мутахассислар билан мустаҳкамлаш ишларини доимий равишда олиб борсин;

инвестиция фаолияти масалалари билан шуғулланувчи банк ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича минтакаларда доимий фаолият кўрсатувчи курслар ва амалий семинарлар ташкил этсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 28 июль,  
ПҚ-1166-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **344** Мехнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» 2009 йил 8 июлдаги ПФ-4119-сон Фармони бажариш юзасидан ҳамда иш ҳақининг рағбатлантирувчи аҳамиятини янада кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Бошланғич разряднинг энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида белгиланган тариф ставкаси Мехнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасига асос қилиб олинсин ва янги тариф коэффициентлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарорига 1-илова (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 12-сон, 64-модда) 2-иловага мувофиқ таҳрирда баён қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ушбу қарор 2009 йил 1 августдан бошлаб кучга киради.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 21 июль,  
206-сон



Вазирлар Маҳкамасининг  
2009 йил 21 июлдаги 206-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф  
СЕТКАСИ**

<b>Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари</b>	<b>Тариф коэффициентлари</b>
0	1,000
1	2,476
2	2,725
3	2,998
4	3,297
5	3,612
6	3,941
7	4,284
8	4,640
9	4,997
10	5,362
11	5,733
12	6,115
13	6,503
14	6,893
15	7,292
16	7,697
17	8,106
18	8,522
19	8,943
20	9,371
21	9,804
22	10,240

Вазирлар Маҳкамасининг  
2009 йил 21 июлдаги 206-сон қарорига  
2-ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва  
фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг  
ТАРИФ СЕТКАСИ**

Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари	Тариф коэффициентлари
1	3,148
2	3,464
3	3,809
4	4,191
5	4,609
6	5,070
7	5,578
8	6,191
9	6,872
10	7,629
11	8,390

Вазирлар Маҳкамасининг  
2009 йил 21 июлдаги 206-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини  
йўқотган қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 26 октябрдаги 218-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 26 октябрдаги 218-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида» 2007 йил 7 августдаги 166-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомил-

лаштириш тўғрисида» 2006 йил 26 октябрдаги 218-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида» 2007 йил 19 ноябрдаги 239-сон қарори.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 26 октябрдаги 218-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида» 2008 йил 9 апрелдаги 65-сон қарори.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **346** Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетининг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида Турин политехника университетининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2009 йил 27 апрелдаги ПҚ–1106-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети (кейинги ўринларда Университет деб аталади) бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони 24 нафар бўлган ташкилий тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Университет ректорига муассислар билан келишган ҳолда, зарурият бўлса, бошқарув ходимларининг тасдиқланган умумий сони доирасида Университет ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Қосимов ва У.У. Розуқлов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**


**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 23 июль,  
211-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2009 йил 23 июлдаги 211-сон қарорига  
ИЛОВА

346-модда

### Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетининг ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ



Бошқарув ходимларининг чекланган сони — 24 нафар.  
Профессор-ўқитувчилар, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимлар сони амалдаги нормативларга мувофиқ белгиланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**347 Оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенцияни ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисидаги Конвенцияни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2008 йил 12 сентябрдаги 207-сон қарорини бажариш юзасидан ҳамда оила бюджетлари даромадларини кўпайтиришнинг, иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этишнинг ва халқ ҳунармандчилигининг кўп асрлик анъаналарини сақлаб қолишнинг энг самарали воситаларидан бири сифатида оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчиликни янада ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда Савдо-саноат палатасининг фуқароларнинг ҳунармандчилик фаолиятини касаначилик меҳнати шаклларига киритиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, «Ҳунарманд» уюшмаси билан биргаликда оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантиришни тизимли асосда мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлашни таъминласин;

Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда оилавий тадбиркорликда қатнашаётган, шунингдек ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошираётган фуқароларни, шу жумладан шогирд ҳунармандларни касаначилик билан шуғулланаётган шахс сифатида ҳисобга олишни ташкил этсин;

оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш параметрларининг янги иш ўринларини ташкил этиш ҳудудий дастурлари прогноз параметрларига киритилишини таъминласин;

2009 йил учун Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчиликни ривожлантириш, шу жумладан «Усто-шогирд» усули билан ўқитиш дастури бўйича уларни тайёрлаш учун 1 млрд сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилишини таъминласин.

4. Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига, «Микрокредитбанк»га ва бошқа тижорат банкларига оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчиликни ривожлантиришга, уй меҳнатини ташкил этишга белгиланган тартибда имтиёзли микрокредитлар ажратилишини кенгайтириш тавсия этилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар:

хоналарни ижарага бериш, махсус жойларни ажратиш ва обод қилиш, хунармандлар ишлаб чиқарган буюмлар ва товарларни сотиш учун ихтисослаштирилган дўконлар ва шохобчаларни ташкил этиш йўли билан хунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашсинлар;

хунармандчилик субъектларини маҳаллий хом ашё, материаллар, асбоблар ва кичик механизация воситалари билан таъминлашда, хунармандчилик буюмлари кўргазмаларини ўтказишда, ёшларни хунармандчилик кўникмаларига ўқитиш учун зарур шарт-шароитлар яратишда амалий ёрдам кўрсатсинлар;

меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартибига риоя қилиниши устидан назоратни таъминласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 29 июль,  
216-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2009 йил 29 июлдаги 216-сон қарорига  
ИЛОВА

## **Оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасида оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг мақсади учун қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**оилавий тадбиркорлик** — эр-хотин томонидан уларга биргаликдаги умумий мулк ҳуқуқи билан тегишли бўлган уларнинг умумий мулки негизида амалга ошириладиган ҳамда эр-хотиннинг ва уларга ёрдам берувчи оила аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланган, юридик шахс бўлмаган жисмоний шахсларнинг биргаликдаги тадбиркорлик фаолияти;

**оила аъзолари** — эр-хотин, ота-оналар ёки фарзандликка олувчилар ҳамда 15 ёшдан ошган, шу жумладан фарзандликка олинган болалар;

**ҳунармандчилик фаолияти (ҳунармандчилик)** — юридик шахс бўлмаган жисмоний шахсларнинг ҳунармандчилик буюмлари ёки товарлари (ишлари, хизматлари)ни ишлаб чиқариш бўйича фаолияти;

**ҳунарманд (усто-ҳунарманд, усто)** — мустақил равишда ёки шогирдлари ёрдамида махсус кўникмалар, асбоблар ва кичик механизация воситаларидан фойдаланишга асосланган анъанавий технологиялар асосида буюмларнинг функционал хусусиятларининг тарихан қарор топган талабларига ҳамда миллий эстетик нормаларга жавоб берадиган ҳунармандчилик фаолияти буюмлари ёки товарлари (ишлар, хизматлар)ни тайёрловчи жисмоний шахс;

**ҳунарманднинг шогирди** — 15 ёшдан ошган, ҳунарманддан ҳунармандчилик фаолияти буюмлари ёки товарлари (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни ўрганаётган жисмоний шахс.

### **II. Оилавий тадбиркорлик ҳамда ҳунармандчилик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш**

3. Оилавий тадбиркорлик ҳамда ҳунармандчилик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибига мувофиқ амалга оширилади.

4. Оилавий тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида белгиланган намунадаги гувоҳнома берилади, унда якка тартибдаги фаолиятнинг оилавий тадбиркорлик шаклида амалга оширилиши, шунингдек биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи оила аъзолари кўрсатилади.

5. Оилавий тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришда оилавий тадбиркорлик субъекти номидан эр-хотиндан бири улардан биттасининг нотариал тасдиқланган розилигига кўра иш кўради.

6. Ҳунармандчилик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида белгиланган намунадаги гувоҳнома берилади, унда ушбу Низомга иловага мувофиқ ҳунармандчилик фаолияти йўналишлари кўрсатилади.

### **III. Оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошириш хусусиятлари**

7. Оилавий тадбиркорликни амалга ошириш жараёнида оила аъзолари ўртасидаги ўзаро меҳнат муносабатлари, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлаш ва даромадни тақсимлаш масалалари улар томонидан мустақил равишда тартибга солиб борилади.

8. Оилавий тадбиркорлик субъектлари томонидан доимий ходимлар ёллашга йўл қўйилмайди. Истисно ҳолларда оилавий тадбиркорликни амалга оширишда вақтинча бир марталик ишларни амалга ошириш учун оила аъзолари ҳисобланмайдиган фуқароларнинг жалб этилишига йўл қўйилади. Бу ҳолда улар билан ишларни бажариш вақти учун фуқаро-ҳуқуқий шартнома тузилади.

9. Ҳунармандчилик фаолияти ҳунарманд томонидан давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган йўналишлар бўйича амалга оширилади. Ҳунарманд ҳунармандчилик фаолиятини амалга оширишда буюмлар ёки товарлар (ишлар, хизматлар)ни тайёрлаш учун кўпи билан 5 нафар шогирдни жалб этишга ҳақлидир.

### **IV. 18 ёшгача бўлган шахсларнинг оилавий тадбиркорликда ҳамда ҳунармандчилик фаолиятида қатнашиши хусусиятлари**

10. Оила аъзоси 15 ёшга тўлган тақдирда оилавий тадбиркорликда қатнашиши мумкин.

11. Шахс 16 ёшга тўлганда буюмлар ёки товарлар (ишлар, хизматлар)ни тайёрлаш учун ҳунарманднинг шогирди сифатида жалб этилиши мумкин. 15 ёшга тўлган шахс ота-онасидан биттасининг ёки унинг ўрнини босадиган шахснинг ёзма розилиги билан ҳунарманднинг шогирди сифатида жалб этилиши мумкин.

12. 18 ёшгача бўлган шахс оилавий тадбиркорликда, шунингдек ҳунар-



манднинг шогирди сифатида ишлашга у умумтаълим мактаби, касб-хунар коллежи ёки академик лицейда албатта ўқиши шарт билан қўйилади.

13. 18 ёшдан кичик шахсларнинг меҳнатидан оилавий тадбиркорликда ёки хунармандчилик фаолиятида уларнинг саломатлиги, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда фойдаланиш тақиқланади. Кўрсатиб ўтилган ишларда 18 ёшдан кичик шахсларнинг белгиланган нормалардан ортиқча оғирликдаги юкларни кўтаришига ва ташишига йўл қўйилмайди.

14. Оилавий тадбиркорликда ёки хунармандчилик фаолиятида қатнашаётган 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахслар учун бир ҳафтада кўпи билан 36 соатлик, 15 ёшдан 16 ёшгача бўлган шахслар учун эса — бир ҳафтада кўпи билан 24 соатлик иш вақти белгиланади.

## **V. Оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш**

15. Оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини ривожлантиришни мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлаш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ҳамда тижорат банклари билан биргаликда қуйидаги йўналишларда тизимли чора-тадбирларни бажариш йўли билан амалга оширилади:

устахоналар учун хоналарни ижарага бериш, махсус жойларни ажратиш ва обод қилиш, хунармандлар ишлаб чиқарган буюмлар ва товарларни сотиш учун ихтисослаштирилган дўконлар ва шохобчаларни ташкил этиш;

хунармандчилик субъектларини маҳаллий хом ашё, материаллар, асбоблар ва кичик механизация воситалари билан таъминлашда, хунармандчилик буюмлари кўرғазмаларини ўтказишда, ёшларни хунармандчилик кўникмаларига ўқитиш учун зарур шарт-шароитлар яратишда амалий ёрдам кўрсатиш;

устачиликни ўрганаётган шогирдларга Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан қонун ҳужжатларида белгиланган шакл ва тартиб бўйича «Усто-шогирд» стипендияси тўлаш;

оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик субъектларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда имтиёзли микрокредитлар ажратиш.

## **VI. Оилавий тадбиркорлик ҳамда хунармандчилик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

16. Оилавий тадбиркорлик субъектлари, шунингдек хунармандлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ижтимоий суғурта қилиниш ва иш даврларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат стажига ҳисоблаш;

амалга оширилаётган фаолият турига мувофиқ бўлган буюмлар ёки товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш, шунингдек уларни мустақил равишда ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқача тарзда сотиш;

амалга оширилаётган фаолиятдан олинган даромадни барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасарруф этиш;

ишлаб чиқарилаётган буюмлар ёки товарлар (хизматлар, ишлар)га мустақил равишда нарх белгилаш;

ишлаб чиқарилган буюмлар ёки товарлар (ишлар, хизматлар)ни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда идентификациялаш;

қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

17. Оилавий тадбиркорлик субъектлари, шунингдек хунармандлар қуйидагиларга мажбур:

ишлаб чиқарилаётган буюмлар ёки товарлар (ишлар, хизматлар)нинг лозим даражада сифатли бўлишини таъминлаш;

буюмлар ёки товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқаришда бевосита қатнашиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган хавфсизлик техникасини ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва нормаларини, шунингдек 18 ёшгача бўлган шахслар ишини тартибга солувчи меҳнат қонунчилиги нормаларини таъминлаш;

Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига (кейинги ўринларда Пенсия жамғармаси деб аталади) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни, шу жумладан суғурта бадалларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлаш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш.

18. Шогирд қуйидаги ҳуқуқларга эга:

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўқитиш «Усто-шогирд» усули бўйича амалга оширилган тақдирда Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан стипендия олиш;

Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланган тақдирда пенсия билан таъминланиш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

19. Шогирд қуйидагиларга мажбур:

агар у қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат таълимнинг тўлиқ курсини тугалламаган бўлса, умумтаълим мактаби, касб-хунар коллежи ёки академик лицейда ўқиш;

амалга оширилаётган хунармандчилик фаолиятига ўқиш доирасида хунарманднинг кўрсатмаларини бажариш;

хавфсизлик техникаси ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва нормаларига риоя этиш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш.

## **VII. Оилавий тадбиркорлик субъектлари ва ёрдам берувчи оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар**

20. Оилавий тадбиркорлик субъектлари ва ёрдам берувчи оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар оилавий муносабатларда фуқароларнинг тенг ҳуқуқлик принциплари, ўзаро ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам ва оила олдида унинг барча аъзоларининг масъулият ҳисси, боланинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бола меҳнатининг энг ёмон ва мажбурий шаклларига йўл қўймаслик, оила аъзолари томонидан ўз ҳуқуқларини тўсқинликсиз амалга оширилишини ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоясини таъминлаш асосида қурилади.

## **VIII. Ҳунарманд ва шогирдлар ўртасидаги муносабатлар**

21. Ҳунарманд ва шогирдлар ўртасидаги муносабатлар ўзаро аҳдлашув, ихтиёрийлик, меҳнатга мажбур қилишга йўл қўймаслик ва ижтимоий адолат, иш муомаласи одатларига, шунингдек маҳаллий одатларга ва анъаналарга риоя қилиш асосида қурилади.

22. Ҳунарманднинг шогирдларига иш ҳақи тўлаш миқдори ҳунарманд томонидан ўзаро келишув бўйича, уларнинг буюмлар ёки товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқаришдаги меҳнат улушидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

23. Ҳунарманднинг шогирди томонидан ишлаб чиқарилган буюмлар ёки товарлар (ишлар, хизматлар) сифатини назорат қилиш ҳунарманд томонидан амалга оширилади.

24. Ҳунарманд ўз мажбуриятлари бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулкӣ жавобгар бўлади.

## **IX. Яқуний қоида**

25. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Оилавий тадбиркорликни ҳамда  
хунармандчилик фаолиятини амалга  
ошириш тартиби тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

**Хунармандчилик фаолиятининг асосий йўналишлари,  
хунармандлар томонидан ишлаб чиқариладиган буюмлар ва  
товарлар (ишлар, хизматлар) турлари  
РЎЙХАТИ**

(алфавит тартибда)

<b>Хунармандчилик фаолиятининг йўналиши</b>	<b>Буюмлар ва товарлар (ишлар, хизматлар)нинг асосий турлари</b>
Гулли композициялар аранжировкаси	сунъий ва натурал материалдан икебанлар, гул- дасталар, бўйи 70 сантиметргача бўлган етилган манзарали дарахтларни ўстириш (бонсай санъати)
Витраж ишлари	шиша, смальта ва бошқа материаллардан тайёр- ланган витражлар
Ганч ўймакорлиги (ганчга ўйма нақш солиш)	люстралар, девор шамдонлари, кўзгулар, нақшлар, сталактитлар, фризлар, карнизлар, устунлар эле- ментлари, панжаралар, ҳайкалчалар, панно, шип ва девор нақшлари ҳамда асослари, ганчдан тайёр- ланган архитектура-қурилиш элементлари, ганч техникаси воситасида бажарилган бошқа манзарали - амалий буюмлар
Кулолчилик ишлари	лойдан ясалган ошхона ва уй-рўзғор предметлари, ўйинчоқлар ва сувенирлар
Наққошлик ишлари	металл, пластмасса, керамика, чинни, тош, картон- дан тайёрланган буюмларга қўлда нақш солиш (рельефли ёзувлар ва тасвирлар)
Ёғоч меъморчилиги	болалар майдончалари ва парк зоналари учун ёғочдан ясалган қурилмалар, ҳайкаллар
Мебелларни безаш	мебелларни газлама материаллар билан қўлда безаш
Тунука ишлари	тунукадан тайёрланган нақшли қувурлар ва сув ўтказгичлар, ошхона ва уй-рўзғор буюмлари, суве- нирлар
Зардўзлик ишлари	зар ҳошияли техника воситасида (металли ипларни қўллаган ҳолда) тайёрланган буюмлар
Авторлик мебеллари тайёрлаш	декоратив-амалий санъат буюмларига тааллуқли бўлган мебеллар (комплектлар ва алоҳида буюмлар)
Авторлик кийим-бошлар ва пойабзаллар тайёрлаш	ишларнинг бутун комплексини бажарган ҳолда кийим-бошлар ва пойабзаллар, махсилар ва ковуш- лар, брезент, кирза ва кигиз этиклар, сандалетлар, шлепанцлар ҳамда туфлиларни қўлда яқка тартибда тикиш
Бош кийимлар тайёрлаш	дўппилар, шапкалар, саллалар, шунингдек мўйна, қорақўл, чарм ва қўлда тўқилган материаллардан тайёрланган бошқа бош кийимлар
Сопол, чинни, фарфор буюмлар тайёрлаш	сопол, чинни ва фарфордан тайёрланган декоратив- амалий санъатнинг барча турлари, сопол, чинни ва фарфордан тайёрланган архитектура-манзара эле-

Хунармандчилик фаолиятининг йўналиши	Буюмлар ва товарлар (ишлар, хизматлар)нинг асосий турлари
	ментлари, сопол, чинни ва фарфор буюмларни орнамент ва трафарет билан безаклаш
Ёғочдан халқ ҳунармандчилиги буюмларини тайёрлаш	ёғоч ва фанердан тайёрланган ошхона буюмлари, ўйма нақшли буюмлар, бешиклар, болалар юритгичлари (уларга буюмлар), хонтахта, сандиқ, эшиклар, ромлар, декоратив рейкалар, картиналар учун ромлар, ёғочдан ишланган фигурали токарлик буюмлари (шахмат фигуралари ва бошқалар), қўлда ишланган бошқа ёғоч буюмлар
Бўёқли миниатюралар, расмлар, орнаментли ва эмалли безаклар тайёрлаш	лок миниатюраси техникаси воситасида тайёрланган буюмлар (қутичалар, картиналар), девор, қоғоз, холст, тери, газлама, папье-маше, ёғоч, қовоқ, картон, суяк ва эмалдаги расмлар ва орнаментлар
Муסיқа асбоблари тайёрлаш	фабрикадан ташқари шароитларда тайёрланадиган миллий муסיқа асбобларининг барча турлари
Халқ ўйинчоқлари тайёрлаш	фабрикадан ташқари шароитларда ёғоч, металл, гипс, картон, газлама, сопол ва бошқа материаллардан тайёрланган ўйинчоқлар
Миллий ширинликлар, нон-булка маҳсулотлари ва донали овқатларнинг айрим турларини тайёрлаш	Миллий қанд-шакар (новвот), донали қандолатчилик буюмлари, миллий нонлар ва бошқа нон-булка маҳсулотлари пишириш, миллий пишлоқ маҳсулотлари ва қурт ишлаб чиқариш
Чармдан утилитар ва бадий буюмлар тайёрлаш	эгар-жабдуқлар ва уларга аксессуарлар, камар, белбоғ, сумкалар ва уларга аксессуарлар, натурал ва сунъий чармдан тайёрланган миллий нимчалар, чарм сувенирлар
Печка ва каминлар ясаш	тандирлар, печкалар, каминлар (шу жумладан улар учун ҳаво сўриш қурилмалари)
Тўр тўқиш, тикувчилик ва кашта тикиш	кашталар ва тўқима буюмлар ҳамда қўлда тайёрланган кийим-бошларга деталлар (кашталар машинада бажарилиши мумкин)
Темирчилик ишлари	кетмонлар, чопқилар, хаскашлар, паншахалар, плуглар, миллий қиличлар, ханжарлар ва пичоқларнинг барча турлари (ҳунармандчилик фаолияти шароитларида тайёрлашга рухсат берилмаганлардан ташқари), кам миқдорда тайёрланадиган темирчилик буюмлари
Новдалардан буюмлар тўқиш	ўсимлик материалларидан (қамиш, тол, похол, турли дарахтларнинг шох-шаббаларидан) тайёрланган тўқима буюмлар
Металлни таъмирлаш ишлари	уй шароитида металлдан тайёрланган маиший буюмларни таъмирлаш (калитларнинг дубликатларини тайёрлаш, соябонларни таъмирлаш, бошқа маиший металл буюмларни оддий таъмирлаш)
Мозаика ишлари	девор ва шип мозаикалари, табиий ва сунъий материалдан мозаика паннолари тайёрлаш
Гулли ва чокли тикишлар	турли газламалардан набойка техникасида тайёрланган буюмлар, «батик», миллий кийим-бошлар (халатлар, ятаклар, нимчалар), дўппилар, миллий

<b>Хунармандчилик фаолиятининг йўналиши</b>	<b>Буюмлар ва товарлар (ишлар, хизматлар)нинг асосий турлари</b>
	одеяллар ва кўрпачалар, ёстиқлар, белбоғлар, тасмалар ва бошқалар
Муқовалаш ишлари	китобларнинг муқоваларини тайёрлаш ва таъмирлаш, қоғоз varaқларини муқовалаш ва тикиш
Дурадгорлик ишлари	аҳоли буюртмалари бўйича дурадгорлик ишларини амалга ошириш
Ёйиш ишлари	кўзгулар ва кўзгу сиртлари тайёрлаш
Ёғочга ўйма нақш солиш ишлари	техника воситасида ёғочга ўйма нақшлар солиб бажариладиган декоратив-амалий санъатнинг барча турлари
Суякка ўйма нақш солиш	сувенир буюмлари, кичик пластикалар, нецке, қутичалар, қилич, ханжар ва пичоқлар учун соплар, инкрустацияни қўллаган ҳолда суякдан тайёрланган ва бошқа декоратив-амалий буюмлар
Тошга ўйма нақш солиш	тошдан тайёрланган сувенир буюмлар, кичик пластикалар, қутичалар, ёзув приборлари, шамдонлар, паннолар, рельефлар ва контррельефлар, барельефлар, геральдика ва рамзлар, тошни пардозлаш йўли билан тайёрланган безаклар ва бошқа декоратив-амалий буюмлар
Интерьернинг антиквар предметларини реставрация қилиш	антиквар предметларни таъмирлаш ва бошқа реставрация ишлари, катта маданий-тарихий аҳамиятга эга бўлган антиквар предметлардан ташқари
Газламаларга безак тикиш	газламалар ва кийим-бош предметларини қўлда бўйаш, газламаларга, шу жумладан трафарет босиш ва қўлда расм чизиш йўли билан расмлар чизиш
Қўлда гилам тўқиш	гиламлар ва гиламчалар, полослар, хуржунлар, кигиз буюмлари, шолчалар, жойнамоzлар, ўтовлар, жулдан тайёрланган буюмлар
Қўлда тўқиш ишлари	натурал ипакдан, ип-газлама, жун ва синтетик иплардан қўлда тўқилган атлас, беқасам, адрас, салла, газламалар
Шиша пуфлаш ишлари	бадий пуфлаш усулида воситасида тайёрланган кичик пластика, девор чироқчалари, сувенир буюмлар, безаклар
Бадий усулда қуйиш	натурал ва синтетик материаллардан тайёрланган ҳажмли ва фигурали шаклдаги қуйма буюмлар, шунингдек косиблик усулида (мураккаб машина ва механизмларни қўлламасдан) мис, бронза, чўян, алюминий ва пўлатдан қуйиш йўли билан тайёрланган буюмлар
Соат ишлари (соатларни таъмирлаш)	соат механизмларини таъмирлаш ва тозалаш, эксклюзив девор, полга қўйиладиган, камин ва қўл соатларини тайёрлаш
Ўйиш ишлари	ўйиш усулида тайёрланган мис, латун, алюминий буюмлар (чойнаклар, қумғонлар, лаганлар, вазалар ва утилитар ҳамда декоратив-амалий мақсаддаги бошқа буюмлар)

<b>Хунармандчилик фаолиятининг йўналиши</b>	<b>Буюмлар ва товарлар (ишлар, хизматлар)нинг асосий турлари</b>
Эмаллаш ишлари	эмал қопламали буюмларни тайёрлаш, эмал қопламаларини таъмирлаш ва тиклаш
Заргарлик ишлари	пробага эга бўлган ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда тамғаланиши керак бўлган, миллий усулда тайёрланган олтин, кумуш, платина ва платина гуруҳига мансуб металллардан тайёрланган буюмлар

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ХУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИНИНГ  
ҚАРОРИ

**348** Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги муваққат низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1984*

*(2009 йил 27 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, шунингдек идоравий тасарруфидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча олий таълим муассасаларида талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартибини белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги муваққат низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Олий ва ўрта махсус  
таълим вазири**

**А. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 16 июль,  
246-сон



**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Давлат тест маркази директори**

**Б. ИСМОИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 16 июль,  
01-255-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази-  
нинг 2009 йил 16 июлдаги  
246 ва 01-255-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари  
талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан  
четлаштириш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги  
МУВАҚҚАТ НИЗОМ**

Мазкур Муваққат низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда) ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда) қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби ва қоидаларини белгилайди.

Мазкур Муваққат низом қоидалари идоравий тасарруфидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча олий таълим муассасаларига тааллуқлидир.

**I. Умумий қоидалар**

1. Талабалар ўқишини кўчириш ёки қайта тиклаш, одатда, ёзги таътил даврида, тегишли курс (семестр)да ўқув машғулотлари бошланишига қадар амалга оширилади.

2. Талабалар ўқишини кўчириш ёки қайта тиклаш Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси қошидаги Талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш идоралараро комиссиясининг (кейинги ўринларда Идоралараро комиссияси деб юритилади) ишчи гуруҳлари ёки олий таълим муассасалари томонидан ҳужжатларни қабул қилиш орқали амалга оширилади.

3. Идоралараро комиссиясининг ишчи гуруҳлари томонидан қабул қилинган ҳужжатлар умумлаштирилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган

вазирлик ва идораларга мазкур Муваққат низом талаблари асосида ваколат доирасида талабалар ўқишини кўчириш ёки қайта тиклаш бўйича қарор қабул қилиш учун тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар талабалар ўқишини кўчириш ёки қайта тиклаш бўйича қарор қабул қилиш ўзининг ваколоти доирасига кирмайдиган ҳолатларда ҳужжатларни Идоралараро комиссияга тақдим этади.

4. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таълим фаолиятини олиб бориш учун лицензияга эга бўлмаган нодавлат олий таълим муассасалари ва бошқа мамлакатлар олий таълим муассасаларининг филиаллари (марказлар, бўлимлар, ўқув-маслаҳат пунктлари ва бошқалар)дан давлат олий таълим муассасаларига талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш тақиқланади.

5. Биринчи курсга ўқишни кўчириш ва қайта тиклаш ман этилади (истисно тариқасида, талабага касаллик туфайли академик таътил берилиши мумкин).

6. Талабалар ўқишини бир олий таълим муассасаси доирасида олий таълимнинг мос ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланадиган турдош йўналишлари (мутахассисликлари) бўйича кўчириш ва қайта тиклаш олий таълим муассасаси ректорининг қарори билан амалга оширилади.

7. Талабалар ўқишини олий таълимнинг мос ва турдош йўналишлари (мутахассисликлари) бўйича бир вазирлик ва турли вазирликлар доирасида бир олий таълим муассасасидан бошқа олий таълим муассасасига кўчириш ва ўқишга қайта тиклаш талабани қабул қилаётган олий таълим муассасаси бўйсунадиган вазирлик (идора) билан келишган ҳолда мазкур олий таълим муассасаси ректорининг қарори билан амалга оширилади.

8. Қуйидаги ҳолларда талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш идоравий тасарруфликдан қатъи назар, Идоралараро комиссия қарори билан амалга оширилади:

хорижий давлатларнинг аккредитацияга эга бўлган олий таълим муассасаларидан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига;

бир олий таълим муассасаси доирасида ёки бир вазирлик (идора) ва турли вазирликлар (идоралар) тасарруфидаги олий таълим муассасаларига олий таълимнинг турдош бўлмаган йўналишлари (мутахассисликлари) бўйича.

9. Олий таълимнинг турдош йўналишлари (мутахассисликлари) рўйхатига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

10. Ўқишнинг барча шакллари бўйича мос ва турдош таълим йўналиши (мутахассислиги) бўйича давлат грантлари ўринларига кўчириш ва қайта тиклашга, фақатгина давлат грантлари асосида таҳсил олаётган талабалар аризасига кўра муайян таълим йўналиши (мутахассислиги)да олий таълим муас-

сасаларига тегишли ўқув йилидаги қабул қилиш квоталарида белгиланган давлат грантларининг сони доирасида рухсат этилади.

Бошқа ҳолларда ўқишни кўчириш ёки қайта тиклаш тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

11. Талабаларнинг ўқишини кўчириш ёки қайта тиклаш ҳақидаги аризалари мазкур Муваққат низомга мувофиқ кўриб чиқилади.

12. Ўқишни кўчириш ёки қайта тиклаш ҳақидаги аризага талабанинг рейтинг дафтарчаси ёки белгиланган шаклдаги академик маълумотнома нусхалари илова этилади.

13. Талабаларнинг ўқишини кўчириш ёки қайта тиклаш бўйича аризаларни кўриб чиқиш натижалари олий таълим муассасаси қабул комиссиясининг мажлис баённомасига киритилади ва ариза муаллифлари эътиборига етказилади.

14. Талабаларнинг ўқишини кўчириш ёки қайта тиклашни расмийлаштиришда олий таълим муассасаси ректори ўрнатилган тартибда ўқув режалари ва дастурлардаги мавжуд академик қарзларни ёки фарқларни (умумқасбий ва ихтисослик фанлари бўйича фарқлар 4 тадан ошмаслиги лозим) топшириш тартиби ва муддатларини (ўқув йили бошлангандан кейин икки ойдан ортиқ эмас) белгилайди ҳамда ўқитиш курси ва ўқишга қабул қилишнинг бошқа шартларини аниқлайди.

15. Шартли равишда талабаларнинг ўқишини кўчириш ёки қайта тиклаш тақиқланади.

16. Давлат олий таълим муассасаларида ўқишни кўчириш ёки қайта тиклаш жараёни бепул амалга оширилади.

17. Тўлов-контракт асосида талабалар ўқишини кўчириш ёки қайта тиклашда контрактни тузиш тартиби ва шартлари, жумладан, тўлов маблағлари ва муддатлари Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва тушган маблағларни тақсимлаш тартиби ҳақидаги низомга (рўйхат рақами 795, 1999 йил 6 август) мувофиқ аниқланади.

## II. Талабалар ўқишини кўчириш

18. Давлат грантлари асосида таҳсил олаётган талабалар ўқишини ўз таълим йўналишидан бошқа турдош бўлмаган таълим йўналишига кўчириш тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

19. Бошқа олий таълим муассасасига ўқишни кўчириш истагидаги талаба ушбу олий таълим муассасаси ректорига, тегишли вазирлик (идора)га, мазкур Муваққат низомнинг 8-бандида кўрсатилган ҳолларда эса Идоралараро комиссиянинг ишчи гуруҳларига ариза билан мурожаат этади.

Ариза олий таълим муассасасига, тегишли вазирлик (идора)га ёки Идоралараро комиссиясига ишчи гуруҳларидан келиб тушгандан сўнг бир ойлик муддат ичида кўриб чиқилиши лозим. Масала ижобий ҳал этилган тақдирда, тегишли вазирлик (идора) ёки Идоралараро комиссия олий таълим муассасасига белгиланган шаклда хат йўллайди.

Тегишли вазирлик (идора) ёки Идоралараро комиссиянинг хати асосида олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан ўқиши кўчирилади-ган талаба дарсларга қўйилади ҳамда ушбу олий таълим муассасаси томонидан талаба илгари таълим олган олий таълим муассасасига унинг шахсий йиғма жилдини жўнатиш ҳақида сўровнома юборилади. Сўровнома олингандан сўнг, талаба илгари таълим олган олий таълим муассасаси ректорининг талабалар сафидан четлаштириш ҳақида буйруғи асосида уч кун муддатда талабанинг шахсий йиғмажилди (рўйхати билан) уни ўқишга қабул қилган олий таълим муассасасига жўнатилади. Олий таълим муассасасида эса талабанинг академик маълумотномаси, рейтинг дафтарчаси, ўқув карточкаси, шунингдек жўнатилади-ган ҳужжатлар рўйхатининг нусхаси қолдирилади.

Олий таълим муассасаси ректорининг талабани талабалар сафига қабул қилиш тўғрисидаги буйруғи талаба илгари таълим олган олий таълим муассасасидан унинг шахсий йиғмажилди олиниб, академик фарқлар бартараф этилгандан сўнг 10 кун муддатда чиқарилади. Шахсий йиғма жилд жўнатилиши мумкин бўлмаган ҳолларда (ёпиқ йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш), талабани ўқишга қабул қилиш, олий таълим муассасаси ректори томонидан имзоланган ва гербли муҳр билан тасдиқланган академик маълумотнома олингандан сўнг амалга оширилади.

20. Олий таълим муассасасида юридик шахс билан тузилган тўлов-контракт асосида таълим олаётган талабалар ўқишини кўчириш фақат буюртмачининг розилиги билан амалга оширилади.

### III. Ўқишни қайта тиклаш

21. Олий таълим муассасаси ўқишга қайта тиклаш тўғрисидаги ариза келиб тушган кундан бошлаб икки ҳафталик муддатда уни кўриб чиқади ва мурожаат қилган шахсни талабалikka қайта тиклаш курси (семестри) ҳамда қайта тиклашнинг бошқа шартларини кўриб чиқади.

22. Олий таълим муассасасида таълим олувчилар сони доирасида бўш ўринлар мавжуд бўлмаганлиги ва шахснинг академик қарздорлиги ҳамда шахснинг тегишли мутахассислик бўйича зарур билимларни ўзлаштиришига тўсқинлик қилиш даражасидаги ўқув режалари ва дастурларида фарқ мавжуд бўлган тақдирда талабалikka қайта тиклашни сўраб мурожаат қилган шахсга рад жавоби берилиши мумкин.

23. Илгари олий таълим муассасаларидан маъмуриятнинг ташаббуси билан четлаштирилган шахсларни, барча ўқув шакллари бўйича талабалар сафига қайта тиклаш тўлов-контракт асосида мазкур Муваққат низомнинг 6-7-бандлари талабаларига риоя қилинган ҳолда, ректорнинг буйруғи билан амалга оширилади.

24. Ўқишдан четлаштирилган ўқув йилида талабани ўқишга қайта тиклашга йўл қўйилмайди. Талабани ўқишга қайта тиклашда унинг илгари таълим олган олий таълим муассасаси розилиги талаб этилмайди.

25. Давлат грантлари бўйича таълим олган етимлар, I ва II-гурӯх ногиронлари, шунингдек муддатли ҳарбий хизматни ўтаган шахслар (захирага

бўшаган кунларидан бошлаб уч йил мобайнида), истисно тариқасида, ўқишга давлат грантлари ўринларига қайта тикланиши мумкин.

26. Ўқишдан четлатилгандан кейин 5 йилдан ортиқ муддат (ҳарбий хизматда бўлганлик, уч ёшгача бўлган болаларни парваришlash билан боғлиқ меҳнат таътили ҳамда соғлиқни қайта тиклаш вақтлари ушбу муддатга кирмайди) ўтган ҳолларда талабалар ўқишини қайта тиклаш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ёки Идоралараро комиссиянинг рухсати билан амалга оширилади.

27. Хорижий давлатларнинг тегишли олий таълим муассасаларидан илгари четлаштирилган шахсларни республика олий таълим муассасалари талабалари сафига қайта тиклаш фақат Идоралараро комиссиянинг рухсати билан амалга оширилади.

#### IV. Талабалар сафидан четлаштириш

28. Талаба олий таълим муассасасидан қуйидаги ҳолларда четлаштирилиши мумкин:

- а) ўз хоҳишига биноан;
- б) ўқишнинг бошқа таълим муассасасига кўчирилиши муносабати билан;
- в) саломатлиги туфайли (тиббий комиссияси маълумотномаси асосида);
- г) академик ўзлаштиролмаганлиги (қарздорлиги) учун;
- д) ўқув интизомини ва олий таълим муассасасининг ички тартиб-қоидаларини бузганлиги учун;
- е) бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдирганлиги сабабли;
- ж) шартнома бандларини бажармаганлиги туфайли (тўлов-контракт бўйича таҳсил олаётганлар учун);
- з) талаба томонидан жиноят содир этилганлиги, шунингдек, суд томонидан ўқишини давом эттириш имкониятидан (озодликдан) маҳрум этилганлиги муносабати билан;
- и) вафот этганлиги сабабли.

Ҳарбий хизматни ўтаётган, саломатлигини тиклаётган, ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек болаларни парваришlash таътиллари даврида талабага академик таътил берилиши мумкин.

29. Олий таълим муассасаси маъмурияти ташаббуси билан талабаларни ўқишдан четлаштириш талабалар касаба уюшмасининг ёзма розилигини инобатга олган ҳолда амалга оширилади. Шунингдек, талаба мазкур Муваққат низомнинг 28-банди «д» кичик бандига кўра четлаштирилаётган ҳолда, таълим муассасасининг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти билан ҳам келишилиши лозим.

30. Талаба олий таълим муассасасидан четлаштирилганда, унга шахсий ҳужжатлари, белгиланган шаклдаги академик маълумотнома топширилади ва уларнинг нусхаси шахсий йиғма жилдига тикиб қўйилади.

**V. Яқуний қоидалар**

31. Талабалар ўқишини кўчириш ёки қайта тиклаш жараёнида ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган ёки белгиланган талабларга жавоб бермайдиган ҳужжатлар аниқланган ҳолларда олий таълим муассасаси ректори мазкур ҳужжатларни текшириш ва буйруқ чиқармаслик ҳуқуқига эга.

32. Олий таълим муассасасига ўқишини кўчирган ёки қайта тиклаган талабаларнинг шахсий йиғмажилдига тегишли буйруқдан кўчирма, ариза ва академик маълумотнома тикиб қўйилади.

33. Олий таълим муассасалари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига зарур миқдордаги академик маълумотнома бланкларига буюртмалар берадилар.

Академик маълумотнома бланклари қатъий ҳисобда юритилади. Академик маълумотномалар бланкларининг олий таълим муассасаларида сақланиши, рўйхатга олинishi ва берилиши ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

34. Талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тўғрисидаги қарорлардан норози бўлган ҳолда ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ёки судга мурожаат қилиниши мумкин.

35. Талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тўғрисидаги тақдим этилган ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилиши ва уларнинг қонунийлиги учун жавобгарлик ишчи гуруҳлар ва олий таълим муассасалари зиммасига юкланади.

Зарурат бўлганда ректор ҳужжатларни юборган олий таълим муассасаларидан расмий хат билан маълумотлар тўғрилигини тасдиқлашни сўраши мумкин. Сохта ҳужжатларни тўғрилигини тасдиқлаб берган олий таълим муассасаси қонун ҳужжатларига асосан жавобгар бўлади.

36. Олий таълим муассасаларига талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклашига асос бўлган барча ҳужжатлар ваколат доираси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар, шунингдек олий таълим муассасаларида 3 йил давомида сақланиши лозим.

37. Мазкур Муваққат низом талабларини бузган шахслар қонун ҳужжатларига асосан жавобгарликка тортилади.

38. Мазкур Муваққат низом Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан маъқулланган.

39. Мазкур Муваққат низом 2010 йил 1 январгача амал қилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ  
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ  
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

## 349 Акциялар эгалари реестри ва корпоратив облигациялар эгалари реестри тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 20 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1911-1*

*(2009 йил 30 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сонли қарори билан тасдиқланган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида низомнинг (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1997 й., 10-сон, 33-модда) 18-бандига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1996 й., 3-сон, 11-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 30 январдаги 2009-05-сонли буйруғи (2009 йил 25 февраль, рўйхат рақами 1911) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 9-сон, 100-модда) билан тасдиқланган Акциялар эгалари реестри ва корпоратив облигациялар эгалари реестри тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Бош директор**

**К. ТОЛИПОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 19 июнь,  
2009-36-сон

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Бош директорининг 2009 йил 19 июндаги 2009-36-сон буйруғига  
ИЛОВА

Акциялар эгалари реестри ва корпоратив облигациялар эгалари реестри тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 6-бандда:

«а» кичик бандининг бешинчи хатбошиси «чиқарилишларни жойлаштирилган қисмининг ҳажмини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

«в» кичик банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«в) эмитентнинг қимматли қоғозлари чиқарилишлари тўғрисидаги ахборот:

чиқарилиш(лар)нинг давлат рўйхатидан ўтказилган рақами ва санаси, рўйхатдан ўтказиш органи, чиқарилиш(лар)нинг тартиб рақами, қимматли қоғозларнинг тури ва типи, Марказий депозитарийнинг кодификацияси бўйича қимматли қоғоз коди, жойлаштириш тугаган санаси, чиқарилишдаги умумий сон»;

«д» кичик бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«жойлаштирилган қисмининг фоизи ва овозлар сони (акциялар учун)».

2. 1-иловадаги «акциядорлар Реестри»да:

а) «Эмитент тўғрисидаги ахборот» бўлимида:

ўн учинчи сатрдан «Жойлаштирилаётган акциялар сони», «Номинал» деган сўзлар чиқарилсин;

қуйидаги мазмундаги ўн тўртинчи ва ўн бешинчи сатрлар билан тўлдирилсин:

««Чиқарилишнинг умумий ҳажми: (сўм)», «Чиқарилишнинг умумий ҳажми: (дона)», «Номинал»»;

«Чиқарилишларни жойлаштирилган қисмининг умумий ҳажми (ЖК): (сўм)»;

б) «Эмитентнинг (акциялар) чиқарилишлари бўйича ахборот» жадвали қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Эмитентнинг (акциялар) чиқарилишлари бўйича ахборот:

Чиқарилишнинг давлат рўйхатидан ўтказилган рақами	Чиқарилишнинг давлат рўйхатидан ўтказилган санаси	Давлат рўйхатидан ўтказган органи	Чиқарилиш рақами	ҚҚ тури	ҚҚ коди	Жойлаштириш тугаган сана	Чиқарилишдаги сони

ЖАМИ:»;

в) «Эмитентнинг қимматли қоғозлари бўйича ахборот» жадвали қуйидаги тахрирда баён этилсин:



«Эмитентнинг қимматли қоғозлари бўйича ахборот

ҚҚ коди	ҚҚ тури	Қимматли қоғозлар сони			чиқарилишнинг умумий ҳажмида ҳаммаси
		жойлаштирилди (эгаларининг ҳисобварағларида)	эмиссиявий ҳисобварағи бўйича қолдиқ		
			ҳаммаси	шу билан бирга жойлаштиришда	

ЖАМИ:».

3. 2-иловадаги «акциядорлар Реестри»да:

а) «Эгалари (юридик шахслар)» жадвалида «УКдаги улуши» деган сўзлар «Жойлаштирилган қисмининг фоизи (ЖҚ %)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) «Эгалари (жисмоний шахслар)» жадвалида «УКдаги улуши» деган сўзлар «Жойлаштирилган қисмининг фоизи (ЖҚ %)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) «Инвестиция активларини ишончли бошқарувчилари» жадвалида «УКдаги улуши» деган сўзлар «Жойлаштирилган қисмининг фоизи (ЖҚ %)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишилган.

*Монополиядан чиқариш,  
рақобат ва тадбиркорликни  
қўллаб-қувватлаш давлат  
қўмитаси раиси в.б.*

**Б. УЛАШОВ**

2009 йил 15 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**350** Пишган ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан солиқ имтиёзлари ва преференцияларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
24 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1985*

*(2009 йил 3 августдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 19 июндаги ПҚ–1134-сон «Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 й., 6-сон, 231-модда) 3-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Пишган ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан солиқ имтиёзлари ва преференцияларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2009 йил 22 июль,  
73-сон

**Р. АЗИМОВ**

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2009 йил 22 июль,  
2009-23-сон

**Б. ПАРПИЕВ**

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ  
қўмитасининг 2009 йил 22 июлдаги  
73, 2009-23-сон қарорига  
ИЛОВА

**Пишган ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан  
солиқ имтиёзлари ва преференцияларни қўллаш  
тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 19 июндаги ПҚ–1134-сон «Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг 3-бандига мувофиқ пишган ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан солиқ имтиёзлари ва преференцияларини қўллаш тартибини белгилайди.

**I. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 19 июндаги ПҚ–1134-сон «Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2009 йилнинг 1 июлидан 2012 йилнинг 1 январига қадар махсус печлардан (айланма, туннелсимон ва бошқалар) фойдаланган ҳолда, замонавий энергия тежайдиган технологиялар асосида пишган ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналар қўйидагиларни тўлашдан озод қилинадилар:

- а) юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи;
- б) қўшилган қиймат солиғи;
- в) ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;
- г) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- д) мол-мулк солиғи;
- е) ер солиғи;

ж) ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;

з) ягона солиқ тўлови;

и) товарларни реализация қилиш ҳажмидан ҳисоблаб чиқариладиган давлат мақсадли жамғармаларига ва бюджетдан ташқари Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий тўловлар.

2. 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб махсус печлардан фойдаланган ҳолда пишган ғишт ишлаб чиқарувчи, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмаларни қазиб чиқарувчи микрофирмалар ва кичик корхоналарга ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш мажбурияти сақланган ҳолда ягона солиқ тўловига ўтиш ҳуқуқи берилади.

3. Солиқ имтиёзларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби Юридик шахсларга солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 1463, 2005 йил 2 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 14-сон, 105-модда) билан тартибга солинади.

## II. Имтиёз ва преференцияларни қўллаш тартиби

4. Ушбу Низомнинг 1-бандида кўрсатилган имтиёзлар асосий фаолият тури — замонавий энергия тежайдиган технологиялар асосида пишган ғишт ишлаб чиқаришга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясининг тегишли ҳудудий органининг хулосасига асосан ушбу Низомнинг 1-иловасида келтирилган шаклда тақдим этилади.

5. Корхоналар давлат солиқ хизмати органларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 19 июндаги ПҚ-1134-сон «Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига ва бюджетдан ташқари Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод этилганлиги тўғрисидаги ёзма хабарномани ушбу Низомнинг 2-иловасида келтирилган шаклда тақдим этадилар. Хабарномага махсус печлардан фойдаланган ҳолда замонавий энергия тежайдиган технологиялар асосида пишган ғишт ишлаб чиқарувчи корхона эканлигини тасдиқловчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясининг тегишли ҳудудий органининг хулосаси илова қилинади.

6. Махсус печлардан фойдаланган ҳолда замонавий энергия тежайдиган технологиялар асосида пишган ғишт ишлаб чиқаришни амалга ошириш билан бирга бошқа фаолият тури билан шуғулланувчи корхоналар ушбу фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тўлашлари лозим.

7. Ушбу Низомнинг 2-бандида кўрсатилган преференциялардан фойдаланишда микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиш тўғрисидаги хабарномага корхона махсус печлардан фойдаланган ҳолда замонавий энергия тежайдиган технологиялар асосида пишган ғишт ишлаб чиқарувчи эканлигини тасдиқловчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясининг тегишли ҳудудий органининг хулосасини илова қиладилар. Ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиш тўғрисидаги хабарнома Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида назарда тутилган муддатларда тақдим этилади.

8. 2012 йилнинг 1 январидан кейин ташкил этилаётган микрофирмалар

ва кичик корхоналар учун, ушбу Низомнинг 2-бандида кўрсатилган преференциялар, улар давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб тақдим этилади.

### III. Яқуний қоидалар

9. Солиқ имтиёзлари ва преференцияларининг тўғри қўлланиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

10. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси билан келишилган.

**«Ўздавнефтгазинспекция»**  
бошлиғи

**Ш. МАХМУДОВ**

2009 йил 21 июль

Пишган ғишт ишлаб чиқарувчи  
корхоналар томонидан солиқ имтиёзлари ва  
преференцияларни қўллаш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

### Х У Л О С А

Ушбу билан \_\_\_\_\_ манзил бўйича жойлашган  
\_\_\_\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ дан  
(корхонанинг тўлиқ номи)  
бошлаб, махсус печлардан \_\_\_\_\_  
(печнинг номи ва тури)

фойдаланган ҳолда замонавий энергия тежайдиган технологиялар асосида  
пишган ғишт ишлаб чиқаришни амалга ошираётганлигини тасдиқлаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон  
нефть маҳсулотлари ва газдан  
фойдаланишни назорат қилиш  
давлат инспекциясининг ҳудудий  
органининг раҳбари

\_\_\_\_\_ (имзо, Ф.И.Ш.)

М.Ў.

Пишган фишт ишлаб чиқарувчи  
корхоналар томонидан солиқ имтиёзлари ва  
преференцияларни қўллаш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

\_\_\_\_\_ га тақдим этилади.  
(солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органи)

### Х А Б А Р Н О М А

\_\_\_\_\_ манзилда жойлашган

(солиқ тўловчининг тўлиқ номи)

1. Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома
2. Ташкил этилган сана (кун/ой/йил)
3. СТИР
4. ХХТУТ
5. Телефон: код  рақам

махсус печлардан фойдаланган ҳолда замонавий энергия тежайдиган технологиялар асосида пишган фишт ишлаб чиқаришни амалга ошираётганлиги ҳақида хабардор қилади (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси ҳудудий органининг \_\_\_\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - сон ҳулосаси илова қилинади)

Имтиёздан фойдаланиш учун асос: \_\_\_\_\_

(норматив ҳужжатнинг номи)

Маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончилигини тасдиқлайман:	Ваколатли органининг ходими томонидан тўлдирилади
Раҳбар	
СТИР <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/>	
Ф. И. Ш. _____	
Имзо _____	
Бош бухгалтер	
СТИР <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/>	
Ф. И. Ш. _____	
Имзо _____	
Сана <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/>	
(кк/оо/йй)	
	Тақдим этилган сана <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/>
	(кк/оо/йй)
	Ф.И.Ш. _____
	Имзо _____

М.Ў.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

## 351 Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
27 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1986*

*(2009 йил 6 августдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда) 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда) 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 23 майдаги 147-сонли «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 22-сон, 258-модда) 2-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Марказий банк раиси**

Тошкент ш.,  
2009 йил 20 июнь,  
18/1-сон

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2009 йил 20 июнь,  
2009-20-сон

**Б. ПАРПИЕВ**

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқаруви ва Давлат солиқ  
қўмитасининг 2009 йил 20 июндаги 18/1,  
2009-20-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан  
пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни  
қўллаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги ПҚ–1090-сонли «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 15-сон, 181-модда), 2006 йил 3 августдаги ПҚ–433-сонли «Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 31-32-сон, 309-модда) қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 23 майдаги 147-сонли «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 22-сон, 258-модда), 2004 йил 24 сентябрдаги 445-сонли «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 2004 й., 9-сон, 94-модда) қарорларига мувофиқ савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартибини белгилайди.

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**банк пластик карточкаси** — унинг эгасига банк ҳисобварағи бўйича операцияларни, шу жумладан ҳисобварақ орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларни (тўловларни) амалга ошириш ва ундан нақд пул маблағларини олиш имконини берувчи электрон тўлов воситаси;

**савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари** — мулкчилик шаклларида, сотув ҳажмидан, иншоотнинг ўлчамидан ва ҳоказолардан қатъи назар, то-



варлар сотиш ва хизматлар кўрсатишга мўлжалланган (мослаштирилган) жой ёки иншоот;

**слип** — банк пластик карточкасидан фойдаланган ҳолда операция ўтказилганлигини тасдиқловчи ва ўзида операция суммаси, тури, санаси, шунингдек банк пластик карточкасини ҳамда ушбу слипни шакллантирган терминални идентификация қилиш имконини берувчи ахборотларни акс эттирувчи терминал қвитанцияси;

**тўлов терминали** — товарлар (ишлар, хизматлар) учун тўловларни банк пластик карточкаси орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш имкониятини берувчи ва бажарилган операциялар бўйича слипларни шакллантирувчи қурилма.

## II. Савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини тўлов терминаллари билан жиҳозлаш тартиби

2. Қуйидаги савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида тўлов терминали мажбурий ўрнатилиши лозим:

авиация ва темир йўллар патталарини сотиш кассалари;

уй-жой коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналар ҳузурида очилган аҳолидан тўловларни қабул қилиш шохобчалари;

телефон, шу жумладан уяли алоқа телефонлари хизматлари учун тўловларни қабул қилиш шохобчалари;

аҳолидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни қабул қилиш шохобчалари;

автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари;

савдо зали майдони 150 квадрат метрдан ортиқ бўлган турғун савдо шохобчалари;

ресторанлар;

иш ҳақи тўлаш пластик карточкалардан фойдаланиб амалга оширилдиган корхоналар ва муассасалардаги умумий овқатланиш объектлари;

меҳмонхоналар;

алоқа бўлимлари.

3. Савдо ва хизмат кўрсатиш объекти раҳбари ўз савдо ва хизмат кўрсатиш объектига ўрнатиш учун тўлов терминалларини ажратиш бўйича ёки ўзида мавжуд бўлган тўлов терминалларида дастурий таъминотни ўрнатиш (банк пластик карточкалари бўйича тўловларни амалга оширувчи тизимга уланиш) юзасидан хизмат кўрсатувчи тижорат банкига ёзма мурожаат қилади.

4. Ёзма мурожаатлар ушбу Низомнинг 2-бандида келтирилган савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари раҳбарлари томонидан тижорат банкларида талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисобварағини очган кундан бошлаб ёки тўлов терминали мажбурий ўрнатилиши лозим бўлган ҳолатлар вужудга келган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида амалга оширилиши керак.

5. Тижорат банклари тўлов терминалини ажратиш бўйича мурожаат-

лар келиб тушган кундан бошлаб бир ой муддат ичида тўлов терминаллари ажратади.

Савдо ва хизмат кўрсатиш объектларининг ўзларида мавжуд бўлган тўлов терминалига дастурий таъминотни ўрнатиш юзасидан қилинган муножаатлар бир ҳафта муддат ичида кўриб чиқилади ва уларга тегишли дастурий таъминотлар ўрнатилади.

Тўлов терминаллари билан жиҳозланган савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари тўғрисидаги маълумотлар тижорат банклари томонидан давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиб борилади.

6. Тижорат банклари савдо ва хизмат кўрсатиш объектларига тўлов терминаллари ижарага бериши ёки уларни сотиб олиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кредит ажратиши ёхуд улар билан лизинг шартномаси тузиши мумкин.

Айланма маблағлар тақчиллигига дуч келаётган чакана савдо ва хизматлар соҳаси ташкилотларининг тўловларни банк пластик карточкалари орқали қабул қилиш бўйича тўлов терминаллари сотиб олиши учун тижорат банклари ўз мижозларининг сўровлари бўйича имтиёзли кредитлар (Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи ставкаси бўйича) бериш чора-тадбирларини кўриши лозим.

### **III. Пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда тўлов терминалларида фойдаланиш тартиби**

7. Тўлов терминаллари ўрнатилган савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда тўловларни қабул қилишлари шарт.

8. Савдо ва хизмат кўрсатиш объектларининг сотувчи-ҳодимлари тўлов терминалларида фойдаланиш тартибини билиши лозим. Савдо ва хизмат кўрсатиш объекти раҳбари сотувчи-ҳодимни тўлов терминалларида фойдаланиш тартиби билан таништириши шарт.

9. Савдо ва хизмат кўрсатиш объектларига хизмат кўрсатувчи тижорат банки тўлов терминалларида фойдаланиш юзасидан уларга тушунтириш беради ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари билан тўлов терминалида фойдаланиш бўйича шартнома (битим) тузади.

10. Савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари раҳбарлари тўлов терминалларида узлуксиз ишлашни таъминлашлари шарт.

Тўлов терминали техник ёки дастурий носоз ҳолатга келиб қолганда, савдо ва хизмат кўрсатиш объекти раҳбари бу ҳақда бир кундан кечиктирмасдан давлат солиқ хизмати органига ва хизмат кўрсатувчи тижорат банкка ёзма равишда хабар бериши шарт.

Савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари раҳбарлари ўн кун муддат ичида тўлов терминалларида соз ҳолатга келтириш чораларини кўришлари лозим.

Хизмат кўрсатувчи тижорат банки савдо ва хизмат кўрсатиш объектларидан тўлов терминалларида асоссиз равишда олиб қўйишига йўл қўйилмайди.

**IV. Яқуний қоидалар**

11. Савдо ва хизмат кўрсатиш объектларининг сотувчи-ходимлари томонидан тўлов терминалларидан фойдаланишни билмаслик сабаби билан банк пластик карточкалари орқали тўловларни қабул қилмаслик ҳолати савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларининг бузилиши деб ҳисобланади.

Савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари сотувчи-ходимлари (масъул шахслар) томонидан тўлов терминалининг носозлиги баҳона қилиниб, банк пластик карточкалари орқали тўловлар қабул қилинмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

12. Банк пластик карточкалари орқали тўловлар амалга оширилганда товарлар (ишлар, хизматлар) нархлари асоссиз равишда оширилишига йўл қўйилмади.

13. Мазкур Низомнинг 2-бандида келтирилган савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари томонидан тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ҳамда улардан фойдаланиш талабларига риоя этилмаганлиги назорат-касса машиналарини ўрнатиш ҳамда фойдаланиш тартиби, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузишга тенглаштирилади, шунингдек улар зиммасига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарлик юкланади.

14. Савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида банк пластик карточкалари орқали тўловларни қабул қилиш бўйича тўлов терминалларида мавжудлиги ва улардан мажбурий равишда фойдаланиш устидан назорат давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

15. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

**Савдо-саноат  
палатаси раиси**

**А. ШАЙХОВ**

*15 июнь 2009 йил*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ  
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

## 352 Гидромеханизация ишларида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
29 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1987*

*(2009 йил 8 августдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон қарори билан тасдиқланган «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қоида ва нормаларни қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш Дастури» (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 й., 7-сон, 39-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Гидромеханизация ишларида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Вазир в.б.**

**А. ХАИТОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 24 июнь,  
33/Б-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза  
қилиш вазирининг 2009 йил 24 июндаги  
33/Б-сон буйруғига  
ИЛОВА

### Гидромеханизация ишларида меҳнатни муҳофаза қилиш ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 223-модда) Қонунига мувофиқ гидромеханизация ишларини бажаришда меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.

#### І. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидалар мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча турдаги гидромеханизация ишларини бажарувчи корхона, муассаса ва ташки-

лотларга тааллуқлидир (бундан кейинги ўринларда корхоналар деб юритилади).

2. Мазкур Қоидалар қурилиш меъёрлари ва қоидалари, санитария қоидалари ва меъёрлари, Давлат стандартларининг тегишли нормалари бажарилиши шарт эканлигини истисно этмайди.

3. Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан давлат назорати бунга махсус ваколат берилган органлар томонидан, жамоатчилик назорати эса меҳнат жамоалари ва қасаба уюшмаси ташкилотлари томонидан сайланадиган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар томонидан амалга оширилади.

## II. Хавфсизлик бўйича умумий талаблар

### 1-§. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш

4. Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни ташкил қилиш Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил қилиш тўғрисидаги намунавий низомга (рўйхат рақами 273, 1996 йил 14 август) мувофиқ амалга оширилиши лозим.

5. Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил қилиш тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ички назоратнинг асосий турлари қуйидагилар ҳисобланади:

ишларга раҳбарлик қилувчи ва бошқа мансабдор шахсларнинг тезкор назорати;

маъмурий-жамоатчилик назорати (уч босқичли назорат);

бош мутахассислар хизмати томонидан амалга ошириладиган назорат.

Қуйидагилар назорат қилиниши лозим:

иш жойларининг аҳволи;

меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши;

меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш вазифаларини амалга оширишга доир ишларни бажариш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ўз вақтида, тўғри ўрганиб чиқиши;

меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг бажарилиши;

меҳнатни муҳофаза қилишга ажратилган маблағларнинг тўғри сарфланиши.

6. Корхоналарда қуйидаги асосий ҳужжатлар ишлаб чиқилади (тасдиқланади) ва юритилади:

меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини яхшилаш, санитария-соғломлаштириш чора-тадбирларини ўз ичига олган жамоавий шартнома;

тасдиқланган меҳнат шароитларини баҳолаш ва иш ўринларини аттестация қилиш услубига мувофиқ иш ўринларини аттестация қилиш карталари;

меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг чораклик иш режалари;  
ишчилар ва муҳандис-техник ходимларни ўқитиш, йўл-йўриқ бериш ва билимларини синовдан ўтказиш дастурлари;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича маъмурий-жамоатчилик назоратини юритиш журнали (уч босқичли назорат);

ишчи ва хизматчилар билан ёнфинга қарши йўл-йўриқ бериш ва ёнфин-техникавий минимум машғулотларини ўтказиш дастури;

ҳар бир касб ва иш турлари бўйича меҳнатни муҳофаза қилиш йўриқ-номалари.

7. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборот-номаси, 1993 йил, 5-сон, 223-модда) 14-моддасига мувофиқ ходимлар сони 50 нафар ва ундан ошадиган корхоналарда махсус тайёргарликка эга шахслар орасида меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари тузилади (лавозим жорий этилади), 50 ва ундан ортиқ транспорт воситаларига эга бўлган корхоналарда эса бундан ташқари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади). Ходимлар сони ва транспорт воситалари миқдори камроқ корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазифаларини бажариш раҳбарлардан бирининг зиммасига юклатилади.

8. Корхоналарда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

9. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати мутахассислари лавозим йўриқ-номасига биноан уларнинг мажбуриятлари жумласига киритилмаган бошқа ишларни бажаришга жалб қилиниши мумкин эмас.

## **2-§. Ходимларга йўл-йўриқ бериш, ўқитиш ва уларнинг билимларини текшириш ишларини ташкил этиш**

10. Корхоналарнинг барча ходимлари, шу жумладан раҳбарлари ўз касблари ва иш турлари бўйича белгиланган тартибда ўқишлари, йўл-йўриқлар олишлари, билимларини текширувдан ўтказишлари ҳамда қайта аттестациядан ўтишлари лозим.

11. Бевосита ишлаб чиқаришда ишларни ташкиллаштириш ва бажариш билан боғлиқ ишчилар, раҳбарлар, муҳандис-техник ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билимларини синовдан ўтказиш Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш тўғрисидаги намунавий низомга (рўйхат рақами 272, 1996 йил 14 август) мувофиқ амалга оширилиши лозим.

12. Корхона маъмурияти барча ишга кираётганлар, шунингдек бошқа ишга ўтказилаётганлар учун ишларни бажаришнинг хавфсиз усулларини ташкил

этишлари, меҳнатни муҳофаза қилиш ва бахтсиз ходисаларда жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича йўл-йўриқлар беришлари шарт.

13. Ишларни технологик регламент бўйича хавфсиз юритиш йўриқномалари Меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 870, 2000 йил 7 январь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 1-сон) мувофиқ ишлаб чиқилади ва ишловчилар ҳамда иш жойларини шу йўриқномалар билан таъминлаш корхона раҳбарияти зиммасига юклатилади.

### **3-§. Ходимларнинг соғлиғини назорат қилиш**

14. Корхона маъмурияти (ёки иш берувчи) касаба уюшмаси қўмитаси ва ваколатли соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда ҳар йили даврий тиббий кўрикдан ўтиши лозим бўлган ходимларнинг рўйхатини тузиши ҳамда ходимларнинг кўриқка келишини таъминлаши лозим.

15. Корхоналарда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш «Ўзбекистон Республикасида ходимларни ишга қабул қилишда дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруқ (рўйхат рақами 937, 2000 йил 23 июнь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 12-сон) асосида амалга оширилиши лозим.

16. Тиббий кўрикдан ўтишдан ёки тиббий комиссияларнинг текширувлари натижасида берган тавсияларини бажаришдан бўйин товлаган ходимларни маъмурият ишга қўймасликка ҳақлидир.

17. Тиббий кўриқлар корxonанинг тиббий-санитария қисмлари ва поликлиникалари, улар мавжуд бўлмаганда эса, даволаш-профилактика муассасаси томонидан ўтказилиши лозим. Тиббий кўриқлар даволаш-соғломлаштириш тадбирлари белгиланган текшириш далолатномаси билан яқунланиши лозим.

18. Корхона маъмурияти (ёки иш берувчи) ва касаба уюшмаси қўмитаси тиббий кўрик далолатномаси билан танишиб чиқиши, иш берувчи эса далолатномада кўзда тутилган барча тадбирлар ва кўрсатмаларни бажариши лозим.

19. Даврий тиббий кўриқлар ўз вақтида, сифатли ўтказилиши ва уларнинг натижаларига кўра тавсиялар бажарилиши учун жавобгарлик корxonанинг маъмурияти зиммасига юкланади.

20. Ходимларнинг соғлиғи туфайли уларга рухсат этилмаган ишларда ишлаш тақиқланади.

### **4-§. Гидромеханизация ишларида хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг рўйхати**

21. Гидромеханизация ишларида қуйидаги хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари мавжуд:

иш зонасидаги ёзги пайтдаги юқори ва қишки даврда паст ҳарорат;  
иш зонасидаги ҳавонинг юқори тезлиги;  
ҳаракатланувчи машина ва механизмлар;  
ишлаб чиқариш жиҳозларининг ҳаракатланувчи ҳимояланмаган элемент-  
лари;

юқори босимли сув оқимлари;  
пульпа оқимлари;  
чуқур сув ҳавзалари;  
электр занжиридаги кучланишнинг хавфли даражаси, тўсатдан ҳосил  
бўладиган қиска туташув;

иш ўрнидаги юқори шовқин ва тебраниш даражаси;

иш ўрнининг яхши ёритилмаганлиги;

меҳнатни оғирлиги ва зўриқишнинг ҳосил бўлиши;

меҳнатни бир маромда бориши.

22. Иш ўринларидаги ҳарорат, ҳаво ҳаракатининг тезлиги иш тури ва  
йилнинг фаслига мос бўлган микроиқлим меъёрларига тўғри келиши керак.

### **5-§. Қўшимча меҳнат муҳофазаси талаблари қўйиладиган юқори хавфга эга касблар ва ишлар**

23. Гидромеханизация ишлари ва ускуналарга хизмат кўрсатишдаги  
ишларга қўйиладиган қўшимча талаблар иш ўринларидаги меҳнат шароит-  
лари бўйича ўтказилган аттестация натижаси асосида аниқланади.

24. Корхоналарда юқори хавфли шароитларда бажарилувчи ишлар, яъни  
юк кўтариш механизмлари ва электр қурилмаларда ишлаш рўйхати тузил-  
ган бўлиши керак.

25. Барча ишчилар хавфли ишларни бажариш топшириғини олишдан  
олдин техника хавфсизлиги бўйича йўл-йўриқдан ўтишлари ва ишларни  
хавфсиз бажариш усулларини ўзлаштиришлари шарт.

26. Ўрнатилган тартиб асосида жавобгар шахс томонидан тасдиқланган  
расмий рухсат этилган махсус наряд-рухсатнома мавжуд бўлгандагина хавфли  
ишларни бажариш амалга оширилади.

27. Хавфли ишларни режалаштириш, ташкил этиш ва уларнинг хавф-  
сиз ўтказилишида иш берувчи тўлиқ жавобгардир.

### **6-§. Жамоавий ва якка тартибдаги ҳимоя воситаларини қўллаш**

28. Ишловчиларни зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш муҳити омилла-  
ридан ҳимоя қилиш тегишли стандартлар ва меъёрлар талабларига мос  
жамоавий ва шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш орқали таъминла-  
ниши лозим.

29. Жамоавий ҳимоя қилиш воситалари жумласига қуйидагилар ки-  
ради: иш жойларининг ҳаво муҳитини нормаллаштириш воситалари (шамол-



латиш ва ҳаво тозалаш, иситиш, ҳаво ҳароратини, намлигини бир хил меъёрда сақлаш ва бошқалар);

иш жойларининг ёруғлигини нормаллаштириш воситалари (ёритиш асбоблари, ёруғлик ўринлари, ёруғликдан ҳимоя қилиш мосламалари ва бошқалар);

шовқин, тебранма, электр токи уриши, статик ток ва ускуналар юзасининг юқори даражадаги ҳароратдан ҳимоя қилиш воситалари;

механик ва кимёвий омилларнинг таъсиридан ҳимоя қилиш воситалари.

30. Жамоавий ҳимоя воситалари зарарли ва хавфли омилларни рухсат этилган миқдоргача камайтириш имконини бермаган ҳолларда қонун ҳужжатларига мувофиқ шахсий ҳимоя воситалари қўлланиши лозим. Бундай ҳолларда шахсий ҳимоя воситаларисиз кишиларнинг иштироки ва ишларнинг амалга оширилиши тақиқланади.

31. Меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар белгиланган нормалар бўйича:

сут (шунга тенг бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари);

даволаш-профилактика озиқ-овқати;

махсус кийим-бош, махсус пойабзал, бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан бепул таъминланиши лозим.

32. Ишловчилар шахсий ҳимоя воситаларининг қўлланилиши, ҳимоя хусусиятлари, амал қилиш муддати тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиши ҳамда улардан фойдаланишга ўргатилиши лозим.

33. Корхона маъмурияти ёки иш берувчи қуйидагиларни таъминлаши шарт:

амалдаги меъёрлар бўйича мазкур ишлаб чиқариш учун талаб қилинадиган барча шахсий ҳимоя воситаларининг зарур миқдори ва номенклатурасини;

ҳимоя воситаларини қўллаш ва тўғри фойдаланиш устидан доимий назоратни амалга оширишни;

қўлланилаётган ҳимоя воситаларининг самарадорлиги ва созлигини текширишни;

шахсий ҳимоя воситаларидан хавфли ва захарли моддалар муҳтида фойдаланилганда уларни дегазация ва дезинфекция қилишни (бир марта қўлланиладиган ҳимоя воситалари бундан мустасно).

## 7-§. Касбий танлов

34. Корхона ўта хавфли шароитда бажариладиган ишлар рўйхатига эга бўлиши лозим. Рўйхатда аниқ технологик жараён, ишлаб чиқариш ускунаси, ишлатиладиган хом ашё ва ишларни амалга ошириш хусусиятлари билан боғлиқ хавфлар ҳисобга олинishi лозим. Рўйхатга хавфли моддалар билан бажариладиган ишлар, баландликда, ифлосланган ҳаво ва сув муҳтида, юқори ҳарорат ва намлик шароитида бажариладиган ишлар, электр ускуналарга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишлар ва амалдаги тармоқ рўйхатларига мувофиқ бошқа ишлар киритилиши шарт.

35. Ўта хавфли ишларга тегишли касбий маълумотга эга бўлмаган шахсларни қабул қилиш ман этилади.

36. Ўта хавфли ишларга хизмат кўрсатиш ишлари билан шуғулланиш фақат белгиланган тартибда тасдиқланган, махсус ўқитилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларга эга бўлган шахсларга рухсат этилиши лозим.

37. Корхона мутахассислари, ишлаб чиқариш участкаларининг раҳбарлари тегишли маълумотга ва иш тажрибасига, меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мос даражада ишларни ташкил этиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

38. Корхона ходимлари ишларни хавфсиз юритишга ўқитилиб, олинган билимлари Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ синовдан ўтказилиши ва белгиланган тартибда расмийлаштирилиши лозим.

39. Касбий танловдан сўнг ишга қабул қилинган ходимларни касбий маҳорати юқори эканлигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида назорат ўрнатиш, зарур бўлганда қайта йўл-йўриқдан ўтказиш лозим.

40. Қонун ҳужжатларига мувофиқ 18 ёшга тўлмаган шахслар зарарли ва ноқулай меҳнат шароитидаги ишларга қабул қилинмаслиги лозим.

41. Корхона маъмурияти ёки иш берувчи хавфлилик даражаси юқори бўлган ишларни режалаштириш, ташкиллаштириш ва уларга нисбатан белгиланган талабларга мувофиқ ҳолда амалга ошириш учун тўлиқ жавобгар ҳисобланади.

## **8-§. Ишчи-ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёнига қатнашиши**

42. Ишга қабул қилинган ишчи-ходимлар иш жойида ишни бошлашдан олдин меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўйича йўл-йўриқдан ўтиши лозим.

43. Алоҳида хавфи бор бўлган иш жойларига ишчи-ходимлар меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитилиб, билимлари синовдан ўтказилганлиги тўғрисида ҳужжати бўлмаса ишга қўйилмаслиги керак.

## **III. Ишлаб чиқариш жараёнларига қўйиладиган талаблар**

### **1-§. Гидромеханизация қурилмаларига хизмат кўрсатиш, лангарларни (якорларни) ўрнатиш ва кўчириш жараёнлари**

44. Гидромониторни кўчириш бўйича ишлар, уни таъмирлаш, каллакларини алмаштириш, қувурлар бирлашмасидаги бирикмаларни маҳкамлаш, шунингдек гидромонитор иш фронти ҳудудидаги барча ишлар фақатгина насос станцияси иш жараёни тўхтатилгандан сўнг амалга оширилиши керак.

45. Агар сув ости грунт конларига (карьерларга) ишлов бериш жараёнларида грунт юмшатгич қурилмаси каллаги грунтга кўмилиб қолса, махсус грунтни тозаловчи авария ҳолатида ишловчи қурилмалардан ёки баъзи

шароитларда иш жараёни хавфсизлигини таъминловчи техник воситалардан фойдаланиш керак.

46. Лангарларни ўрнатиш ва кўчириш бўйича ишларни бажаришдан олдин лангаркўтаргич қурилмалари созлиги (чиғир, темир арқон, (тросс) йўналтирувчи роликлар, кран балкалар), ишчи асбоблар шайлиги (болталар, болғалар, лом ва бошқалар) текширилиши шарт.

47. Юк кўтариш мосламаларида, уларнинг юк кўтариш қобилияти ва навбатдаги кўриқдан ўтиш муддати аниқ кўрсатилиши лозим.

48. Лангарни тупроқдан ажратилиши ва унинг таралиш жараёнлари чиғир барабанининг секин айланиш тезлигида амалга оширилади.

49. Лангарни кўтариш ва кўчириш атрофдан бошқа транспорт кемалари ўтаётганда тақиқланади.

50. Сув тўлкини баландлиги 0,5 м ва ундан юқори бўлганда, лангарларни кўтариш ва кўчириш бўйича ишлар бажарилишига йўл қўйилмайди.

51. Маҳкамланган лангар бириктирилган темир арқон (трос)да титраш жараёни юзага келса, унга яқин ҳудудда ишчилар туриши тақиқланади.

## **2-§. Кранлар ва юк кўтариш механизмлари билан ишлаш жараёнларидаги хавфсизлик талаблари**

52. Механик узатмали юк кўтариш машиналарини бошқариш ва уларга хизмат кўрсатиш учун маъмурият томонидан кранчи-машинистлар тайинланади, электр узатмали юк кўтариш машиналаридан фойдаланишда эса, машинистдан ташқари электромонтёр, электрчилангарлар ҳам тайинланиши лозим.

Юқорида қайд қилинган шахслар, ушбу касбларга мос дастурлар бўйича ўқитилиши, малакали мутахассислар ҳайъати томонидан аттестациядан ўтказилиши ва уларга гувоҳномалар берилиши керак.

53. Иш жараёни бошланишидан олдин юк кўтариш машиналари ва юк ушлагич мосламаларининг ҳисобга олиш журналарида қуйидагилар қайд қилиниши керак:

қўл кучи ёрдамида, пневматик ёки қўл механизмларида кўтариладиган барча турдаги кранлар;

бир балкали кўприксимон, пулт ёрдамида бошқариладиган ҳаракатланувчи ёки бураладиган консолли кранлар;

юк кўтариш қобилияти 10 тоннагача бўлган хартумли (стрела) кранлар;

махсус мўлжалланган кранлар ва юк кўтаргичлар (қувурётқизгичлар ва бошқалар).

54. Кранларнинг юк кўтариш ва кўчириш бўйича бажарадиган иш жараёнининг хавфсизлигига жавобгар ва юк кўтариш машина-мосламалари созлиги бўйича жавобгар шахслар маъмурият томонидан муҳандис техник ходимлар таркибидан буйруқ асосида тайинланади.

55. Юкни кўтариш, кўчириш ва тушириш жараёнларида амалдаги стан-

дартга мос равишда умумий хавфсизлик талабларига риоя қилиниши керак. Юкни одамлар устидан кўчириш, юк остидан юриш ёки унинг остида туриш қатъиян ман этилади.

#### **IV. Таъмирлаш ишларини бажаришда хавфсизлик талаблари**

56. Таъмирлаш ишларини ўтказишга тайёргарлик меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигини таъминловчи барча талабларни ўз ичига олган таъмирлаш ишлари режасини тузишдан бошланиши керак.

57. Таъмирлаш ишлари режасида ўтказиладиган ишларнинг аниқ муддатлари, уларни бажарилиш хавфсизлиги бўйича жавобгар шахслар белгиланиши керак.

58. Таъмирлаш ишлари режаси корхона, участка раҳбарлари билан келишилган бўлиши лозим. Бунда асосан, бажариладиган ишлар тартиби ва таркиби, ишларни хавфсиз амалга ошириш тадбирлари, муддатлари ва уларга жавобгар шахслар кўзда тутилади.

59. Таъмирлаш бригадаси ишчилари талаб даражасидаги миқдорда иш жараёнига яроқли бўлган мосламалар ва ҳимоя воситалари билан таъминланган бўлишлари шарт.

#### **V. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик**

60. Мансабдор шахслар ва ходимлар меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилмаганликлари учун қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ПАТЕНТ  
ИДОРАСИ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**353** **Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
29 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1988*

*(2009 йил 8 августдан кучга киради)*

«Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 19 сентябрдаги ЎРҚ–111-сон Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 37-38-сон, 379-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2002 йил 11 октябрдаги 51-сонли «Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1184, 2002 йил 1 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 йил, 21-сон) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин ўн кун ўтгач кучга киради.

**Директор**

**Б. АМОНОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 24 июнь,  
72-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат патент идораси директорининг  
2009 йил 24 июндаги 72-сон буйруғига  
ИЛОВА

## Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш ҚОИДАЛАРИ

«Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидалари» (бундан кейинги ўринларда Қоидалар деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг «Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 178-модда; 2002 й., 9-сон, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 37-38-сон, 379-модда) мувофиқ товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

### І. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги қисқартмалар қўлланилади:

**Қонун** — Ўзбекистон Республикасининг «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонуни;

**Патент идораси** — Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси;

**Товар белгиси** — товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси;

**Талабнома** — товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома;

**Париж конвенцияси** — Саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясининг Ўзбекистон Республикаси учун амал қилаётган таҳрири;

**ТХХК** — товар ва хизматларнинг халқаро классификацияси;

**БИМТ ХБ** — Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти Халқаро бюроси;

**Халқаро рўйхатдан ўтказиш** — Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битимига доир Баённомага мувофиқ амалга оширилган товар белгисини рўйхатдан ўтказиш;

**Халқаро реестр** — белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги маълумотларнинг БИМТ ХБ олиб борадиган расмий тўплами;

**Баённома** — Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битимига доир Баённома (Мадрид, 1989 йил 27 июнь).

**II. Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини  
рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш ва топшириш.  
Талабнома топшириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар**

**1-§. Товар белгисини рўйхатдан ўтказишга талабнома**

2. Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ товар белгиси — бу бир юридик ва жисмоний шахслар товарлари ва хизматларининг бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган белгидир.

Юридик ва (ёки) жисмоний шахслар бирлашмасининг улар томонидан ишлаб чиқариладиган ва (ёки) реализация қилинадиган бир хил сифатга ёки бошқа умумий тавсифларга эга бўлган товарларини белгилаш учун мўлжалланган товар белгиси жамоавий белги ҳисобланади.

3. Қонуннинг 3-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ тасвирлар, сўзлар, муайян шакл тарзидаги белгилар ва бошқа белгилар ёки уларнинг исталган бир рангдаги ёки турли рангдаги жамлама ифодаси товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

Сўзли белгиларга сўзлар, сўз кўринишига эга бўлган ҳарфий бирикмалар (хусусан, ҳар қандай кетма-кетликдаги унлилар ва ундош товушларнинг бўғин ҳосил қилувчи бирикмалари), сўз бирикмалари, гаплар, шунингдек уларнинг бирикмалари киради.

Тасвирий белгиларга жонли мавжудотлар, предметлар, табиий ва бошқа объектлар тасвирлари, ва шунингдек чизиқлар, доғлар, ҳар қандай фигураларнинг текисликдаги композициялари (ҳажмлиларидан ташқари) киради.

Ҳажмли белгиларга фазовий жойлашган уч ўлчамли объектлар, фигуралар ва чизиқлар ва фигураларнинг комбинациялари киради.

Жамлама белгиларга турли характердаги яъни тасвирий, сўзли, муайян шаклдаги ҳажмли ва бошқа элементлар комбинацияси киради.

Бошқа белгиларга товушли, ёруғликдан иборат бўлган, голографик, хидли каби белгилар киради.

4. Қуйидагилар товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказилмайди:

а) давлат герблари, байроқлари ва давлат мукофотларининг тасвири туширилган белгилар;

б) давлатларнинг расмий номлари, халқаро ёки ҳукуматлараро ташкилотларнинг қисқартирилган ёки тўлиқ номлари;

в) расмий назорат, кафолат тамғалари ва намуна йўсинидаги тамғалар, муҳрлар;

г) давлат хизматларининг Ўзбекистон Республикасида қўлланиладиган ажратиш ва фарқлаш белгилари тасвирлари.

Юқоридаги «а» — «г» кичик бандларда кўрсатилган белгилар, агар бунга тегишли давлат органининг ёки белги эгасининг розилиги бўлса, товар белгисига муҳофаза қилинмайдиган қисмлар сифатида киритилиши мумкин.

д) хусусан фарқлаш хусусиятига эга бўлмаган белгилар, хусусан:

ўзига хос график тасвирга эга бўлмаган алоҳида ҳарфлар, рақамлар-

дан иборат бўлган белгилар, сўз кўринишига эга бўлмаган ҳарфлар бирикмалари;

чизиклар, оддий геометрик фигуралар ва уларнинг таркибига кирган алоҳида элементларидан фаркли, сифат жиҳатдан бошқа қабул қилиш даражасини берадиган композициялар ҳосил қилмайдиган бирикмалари;

товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказишга топширилган талабномадаги товарларни белгилаш учун уларнинг ҳақиқий ёки схематик тасвирлари;

шакли фақат функционал вазифасидан келиб чиқадиган уч ўлчамли объектлар;

товарларнинг умумэътироф этилган оддий номлари шу товарларни белгилаш учун;

корхона, ташкилот, муассаса ва соҳаларнинг умумқабул қилинган қисқартирилган номлари ва аббревиатуралари;

е) муайян турдаги товарларнинг белгиси сифатида умумфойдаланишда бўлган белгилар. Бундай белгилар деб маълум бир товар ёки турли ишлаб чиқарувчиларнинг шунга ўхшаш товарлари учун узоқ вақт ишлатилганлиги туфайли тушунча бўлиб қолган белгилар тушунилади;

ж) умумэътироф этилган рамзлар ва атамалар ҳисобланган белгилар.

Умумэътироф этилган рамзларга одатда, товар белгисини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товарлар рўйхатидаги товарларга оид бўлган хўжалик ёки фаолият соҳасини акс эттирувчи белгилар, шунингдек фан ва техникада қўлланиладиган шартли белгилар киради. Умумэътироф этилган атамаларга фан ва техниканинг аниқ бир соҳасига хос бўлган сўз бирликлари киради;

з) товарларни, шу жумладан уларнинг тури, сифати, сони, хусусияти, қандай мақсадга мўлжалланганлиги ва қийматини, шунингдек уларнинг ишлаб чиқариладиган ёки ўтказиладиган жойи ва вақтини тавсифлаш учун фойдаланиладиган белгилар.

Мазкур «з» кичик бандда кўрсатилган белгиларга товарларнинг оддий номлари, товарлар сифат тоифасининг белгиси, товарларнинг хусусиятини кўрсатувчи (шу жумладан, мақтов характериға эга бўлган) белгилар, хом ашё материални ва таркибини кўрсатувчи белгилар, товарларнинг оғирлиги, ҳажми, нархини, ишлаб чиқарилган санасини кўрсатувчи белгилар, умумий номлар, ишлаб чиқаришни яратиш тарихидан маълумотлар, корхоналарнинг номлари, товар тайёрловчиларнинг ва воситачи фирмаларнинг манзилгоҳлари, қисман ёки тўлиқ жуғрофий номдан иборат бўлиб, товар тайёрловчининг жойлашган жойи сифатида қабул қилиниши мумкин бўлган белгилар.

Юқоридаги «д» — «з» кичик бандларда кўрсатилган белгиларни рўйхатдан ўтказишга, башарти бу белгилар амалда улардан аниқ товарлар учун фойдаланиш натижасида фарқланиш хусусиятиға эга бўлганлиги исботланган тақдирдагина йўл қўйилиши мумкин.

Исбот сифатида талабнома топширилган санагача талабномада кўрсатил-



ган белгидан фойдаланилганлиги натижасида фаркланиш хусусиятига эга эканлигини тасдиқлайдиган қуйидаги маълумотлар такдим этилади:

талабномада кўрсатилган белги билан белгиланган товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми;

талабномада кўрсатилган белги билан белгиланган товарларнинг сотиш худудлари;

талабномада кўрсатилган товар(хизмат)ларни белгилаш учун берилган белгидан фойдаланиш муддати;

талабномада кўрсатилган белги билан белгиланган товар(хизмат)ларнинг рекламаси учун сарфланадиган харажатлар ҳажми;

талабномада кўрсатилган белги ва шу белги билан белгиланган товарларнинг ишлаб чиқарувчилари ҳақида истеъмолчиларнинг хабардорлик даражаси тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан ижтимоий сўровларнинг натижалари;

талабномада кўрсатилган белги билан белгиланган товарлар ҳақидаги ахборот очиқ матбуотда нашр қилинганлиги тўғрисида маълумотлар;

талабномада кўрсатилган белги билан белгиланган товарлар Ўзбекистон Республикаси ёки чет мамлакатлардаги кўргазмаларда намойиш қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар ва бошқа маълумотлар.

и) товар ёки унинг тайёрловчиси хусусидаги ёлғон ёки истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган белгилар, уларга хусусан, истеъмолчининг онгида товарнинг ҳақиқатга тўғри келмаган маълум бир сифати, унинг тайёрловчиси ёки келиб чиққан жойи ҳақида тасаввур ҳосил қиладиган белгилар кирази. Белгининг камида битта элементи ёлғон ёки истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлса, белги ёлғон ёки истеъмолчини чалғитиши мумкин деб эътироф этилади;

к) товар келиб чиққан ҳақиқий жойни расман кўрсатувчи, лекин товар бошқа худудда чиқарилаётганлиги ҳақида янглиш тасаввур берувчи белгилар;

л) маъданли сувлар, вино ёки кучли спиртли ичимликларнинг аслиятини акс эттирувчи жуғрофий номлар бўлган ёки шундай номларни ифодаловчи белгилар, мазкур жойда чиқарилмаган товарларни белгилаш учун ишлатилган белгилар, шунингдек башарти улар таржима қилиб ёки «кўринишдаги», «турдаги», «усулдаги» ва бошқа шунга ўхшаш сўзлар билан қўшилган ҳолда қўлланилса;

м) жамият манфаатларига, одабийлик ва ахлоқ қоидаларига зид бўлган белгилар, уларга хусусан, диний нишон ва рамзлар, ахлоқсиз мазмундаги сўз ва тасвирлар, инсон кадрини, диний ҳиссиётларни ҳақорат қиладиган инсонпарварликка зид характердаги шиорлар ва бошқалар;

н) қуйидаги белгилар билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар:

илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилмай ҳам муҳофаза қилинадиган ёки шу турдаги товарларга нисбатан анча

илгарироқ устуворликка эга бўлган товар белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар;

ҳар қандай товарларга нисбатан бошқа шахсларнинг белгиланган тартибда умумэтироф этилган товар белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар;

Қонунга мувофиқ муҳофаза қилинадиган товар келиб чиққан жой номи бўлган белгилар билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар, бу белгилар ҳар қандай товарларга нисбатан шундай номдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс номига рўйхатдан ўтказиладиган товар белгисига муҳофаза қилинмайдиган қисм сифатида киритилган ҳоллар бундан мустасно;

белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган сертификатлаш белгилари.

Ушбу «н» кичик банднинг иккинчи, учинчи хатбошиларида кўрсатилган товар белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгиларни рўйхатдан ўтказишга товар белгиси эгасининг бу белгини рўйхатга олиш учун розилиги бўлган тақдирдагина йўл қўйилиши мумкин. Бу ҳолда розилик хатининг асли тақдим қилинади. Розилик хати «катта» белги эгаси бўлган корхонанинг фирма бланкасида расмийлаштирилади ва қуйидаги бандлардан иборат бўлади:

розилик берган товар белгиси эгасининг тўлиқ номи ва манзилгоҳи;

розилик олган шахснинг тўлиқ номи ва манзилгоҳи;

ўхшаш товар белгиси эгасининг имзоси, лавозими ва фамилияси;

эгаси розилик берган товар белгисининг тасвири;

розилик олиб талабнома топширилаётган белгининг тасвири;

розилик берилган товарлар ва/ёки хизматлар рўйхати;

розилик хати берилган сана, ушбу санасиз хат ҳақиқий эмас деб ҳисобланади;

о) қуйидаги белгилар:

ўзга шахсларга тегишли ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таниқли бўлган фирма номларини (ёки уларнинг бир қисмини), агар бу номга бўлган ҳуқуқ бир турдаги товарларни белгилаш учун товар белгисига доир талабнома келиб тушиш санасидан аввалроқ олинган бўлса, такрорловчи белгилар;

саноат намуналарини такрорловчи белгилар, агар уларга бўлган ҳуқуқ Ўзбекистон Республикасида ўзга шахсларга тегишли бўлса;

Ўзбекистон Республикасида машҳур бўлган илмий асарлар, адабиёт ва санъат асарларининг номларини, уларнинг қаҳрамонларини ёки ибораларини, санъат асарларини ёки улардан кўринишларни муаллифлик ҳуқуқига эга бўлган шахс ёки унинг ҳуқуқий ворислари (меросхўрлари) розилигини олмаган тарзда такрорловчи белгилар;

атоқли шахсларнинг фамилиялари, исмлари, тахаллуслари ва улардан ясалган сўзларни, бундай шахсларнинг портретларини ҳамда дастхатларини, башарти булар Ўзбекистон Республикасининг тарихий ва маданий бойлиги бўлса, ана шу атоқли шахслар, уларнинг меросхўрлари ёки давлат органи розилигини олмаган тарзда такрорловчи белгилар.

Ушбу банднинг «о» кичик бандида кўрсатилган маълум ва машхурлик товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказишга тақдим этилган белгининг устуворлик санасига нисбатан аниқланади.

5. Қонуннинг 9-моддаси биринчи қисмига мувофиқ товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун бериладиган талабнома бир товар белгисига тааллуқли бўлиши лозим.

6. Талабномада қуйидагилар бўлиши керак:

а) товар белгиси сифатида белгини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома берувчининг унинг жойлашган жойи ёки яшаш манзили кўрсатилган аризаси (бундан кейинги ўринларда ариза деб юритилади);

б) талабномада кўрсатилган белгининг тасвири;

в) белгиларни рўйхатдан ўтказиш учун товарлар ва (ёки) хизматларнинг халқаро таснифига мувофиқ гуруҳланган, товар белгисини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товарларнинг рўйхати.

7. Талабномага талабномани топшириш учун белгиланган тартибда патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилиниши лозим.

8. Агар талабнома жамоавий белгига оид бўлса, бундай ҳолда талабномага ҳуқуқий ва (ёки) жисмоний шахслар бирлашмаси қатнашчиларининг жамоавий белгидан фойдаланиш тўғрисидаги келишуви (бундан кейинги ўринларда Келишув деб юритилади) илова қилинади.

Келишувда қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

а) жамоавий белгини ўзининг номига рўйхатдан ўтказишга ваколат берилган шахснинг номи;

б) ушбу белгидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхати (тўлиқ расмий номи ва манзилгоҳини кўрсатган ҳолда);

в) жамоавий белгини рўйхатдан ўтказиш мақсади;

г) жамоавий белги билан белгиланадиган товарларнинг рўйхати ва ягона сифат ёки бошқа умумий кўрсаткичлари;

д) жамоавий белгидан фойдаланиш шартлари;

е) жамоавий белгидан фойдаланишни назорат қилиш тартиби ҳақидаги низом;

ж) келишувни бузганлик учун жавобгарлик ҳақидаги низом.

Келишув ушбу белгидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан имзоланади (ҳуқуқий шахслар учун муҳр билан тасдиқланади). Имзо чеккан шахсларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилади.

9. Талабнома патент вакили орқали берилган бўлса, қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилган ва унинг ваколатларини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади.

Ишончнома талабнома билан бир вақтнинг ўзида ёки талабнома топширилган санадан икки ойдан кечиктирилмай топширилади.

10. Конвенция устуворлиги сўраб берилган талабномага (бундан буён матнда — конвенция талабномаси деб юритилади) талабнома берувчи томонидан саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенцияси қатнашчиси бўлган давлатда берилган биринчи талабноманинг тасдиқланган нусхаси ва унинг ўзбек ёки рус тилига қилинган таржимаси илова қилинади, улар

конвенция талабномаси Патент идорасига келиб тушган санадан бошлаб уч ой муддатдан кечиктирилмай топширилади. Биринчи талабнома нусхасининг таржимаси талабнома берувчи ёки патент вакили томонидан имзоланади.

Конвенция устуворлигини белгилаш тўғрисидаги илтимоснома, талабнома бериш пайтида (гувоҳнома бериш тўғрисидаги аризанинг тегишли графасида келтирилади) ёки Патент идорасига талабнома келиб тушган санадан бошлаб икки ой муддат давомида топширилиши мумкин.

11. Кўргазмага оид устуворлик сўраб берилган талабномага, бундай устуворлик сўрашнинг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжат илова этилади, у Патент идорасига талабнома келиб тушган санадан бошлаб уч ойдан кечиктирилмай топширилади.

Талабнома берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжат, саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясининг қатнашчиси бўлган давлатлардан бирининг ҳудудида ташкил этилган кўргазманинг мақомини, яъни расмий халқаро кўргазма ёки халқаро деб расман тан олинган кўргазмалигини тасдиқлаши ва товарларни намойиш этган шахснинг номини, белгини, шу белги қўйилган товарлар рўйхатини, шунингдек экспонатларни очик намойиш этиш бошланган санани ўз ичига олиши лозим. Ҳужжат тегишли кўргазма маъмуриятининг ваколатли шахси томонидан тасдиқланган бўлиши лозим.

Кўргазмавий устуворликни белгилаш ҳақидаги илтимоснома талабнома-ни топширишда (аризанинг тегишли графасида келтирилади) ёки талабнома Патент идорасига келиб тушган санадан сўнг икки ой мобайнида тақдим этилиши мумкин.

12. Талабномада кўрсатилган белгини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза ўзбек ёки рус тилида топширилади. Талабноманинг бошқа ҳужжатлари ўзбек, рус ёки бошқа тилда топширилади.

Агар талабнома ҳужжатлари бошқа тилда топширилган бўлса, талабно-мага уларнинг ўзбек ёки рус тилига талабнома берувчи ёки патент вакили-нинг имзоси билан тасдиқланган таржимаси илова қилинади.

Бошқа тилда топширилган ҳужжатлар, агар уларнинг таржималари бошқа тилда топширилган ҳужжатлар келиб тушган санадан бошлаб икки ой муд-дат ичида топширилса Патент идорасига келиб тушган санадан бошлаб топ-ширилган деб ҳисобланади, акс ҳолда ҳужжатлар, уларнинг таржималари келиб тушган санадан бошлаб топширилган деб ҳисобланади.

13. Талабнома (белгини рўйхатдан ўтказишга талаб этилаётган тасвир-дан ташқари) икки нусхада топширилади.

Белгининг рўйхатдан ўтказиш учун талаб этилаётган тасвири 5 нусха-да топширилади.

Талабномага илова этилаётган ҳужжатлар бир нусхада топширилади.

## **2-§. Талабноманинг таркиби**

14. Талабнома Қоидаларнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда топшири-лади.

Агар баъзи маълумотларни тегишли графаларда тўлиқ жойлаштириш мумкин бўлмаса, улар ўша шакл бўйича қўшимча варақда келтирилади, талабноманинг тегишли графасида «давомини қўшимча варақда қаранг» деб кўрсатилади.

15. «Ёзишмалар учун манзилгоҳ» графасида хат олувчининг почта индекси кўрсатилган ёзишма олиб бориш учун манзилгоҳи, исми ёки номи ва телефон, факс рақамлари, электрон почта манзили (агар улар мавжуд бўлса) кўрсатилади.

Ёзишма учун манзилгоҳ сифатида талабнома берувчи юридик шахснинг Ўзбекистон Республикасида жойлашган жойи ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган талабнома берувчи жисмоний шахснинг манзилгоҳи ёхуд Патент идорасида рўйхатдан ўтказилган патент вакилининг манзилгоҳи ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги бошқа манзилгоҳ кўрсатилган бўлиши мумкин.

16. «Талабнома берувчи» графасида талабнома берувчи тўғрисидаги маълумотлар келтирилади. Юридик шахснинг расмий номи ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми (агар у мавжуд бўлса) кўрсатилади. Талабнома берувчининг номи ўзбек ва рус тилларида кўрсатилади. Шунингдек талабнома берувчининг почта индекси кўрсатилган, мамлакатнинг расмий номини ҳам ўз ичига олган, телефон, факс рақамлари ва электрон почта манзили (агар улар мавжуд бўлса) кўрсатилган тўлиқ почта манзилгоҳи келтирилади.

17. Номларига товар белгисини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган Ўзбекистон Республикаси корхоналари, ташкилотлари, муассасалари учун агар у белгиланган бўлса, КТУТ коди кўрсатилади. Агар КТУТ коди белгиланган бўлмаса, тегишли жойда «белгиланмаган» деб кўрсатилади.

Номларига товар белгисини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган, Ўзбекистон Республикасининг чегарасидан ташқарида яшовчи чет эл юридик ёки жисмоний шахслари учун БИМТнинг ST.3 стандарти бўйича мамлакат коди кўрсатилади (агар у белгиланган бўлса).

18. Устуворликни белгилаш тўғрисидаги илтимоснома кўрсатилган графа, Патент идорасига талабнома келиб тушган санадан олдинроқ устуворлик сўралаётган ҳолдагина тўлдирилади. Бу ҳолда тегишли катакларга «X» белгиси қўйиб чиқилади.

«Биринчи талабнома рақами» графасида конвенция устуворлигини сўрашга асос бўлаётган биринчи талабноманинг рақами кўрсатилади.

«Дастлабки талабнома рақами» графасида ушбу талабнома ажратиб олинган дастлабки талабнома рақами кўрсатилади.

«Халқаро рўйхатдан ўтказиш рақами» графасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аввал муҳофаза қилинган товар белгисининг халқаро рўйхатдан ўтказилиш рақами кўрсатилади.

«Сўралаётган устуворлик санаси» графасида сўралаётган устуворлик санаси кўрсатилади.

«Талабнома берилган мамлакатнинг БИМТнинг ST.3 стандарти бўйича

коди» графасида талабнома берилган мамлакатнинг БИМТнинг ST.3 стандарти бўйича коди кўрсатилади.

19. Талабнома берувчи томонидан иш олиб бориш патент вакили орқали амалга оширилган ҳолда тўлдириладиган «Патент вакили» графасида у тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар келтирилади: фамилияси, исми, отасининг исми (агар у мавжуд бўлса), Патент идорасида рўйхатдан ўтказилган рақами, жойлашган жойи, телефон, факс рақами ва электрон почта манзили (агар улар мавжуд бўлса).

20. «Талабномада кўрсатилган белгининг тасвири» графасида талабнома берилган белгининг фотосурати, типография оттискаси қалин, узоқ муддатга чидамли, формати 8x8 см бўлган қоғоздаги тасвири ёпиштириб қўйилади (белгининг турига қараб, унинг фотосурати ёки оттискасининг кенглиги 8x16 см ни ташкил этиши мумкин).

Агар рўйхатдан ўтказиш учун товар белгиси сифатида этикетка кўринишидаги белгига талабнома берилаётган бўлса, у ҳолда талабнома берилаётган белгининг тасвири сифатида этикетканинг ўзи топширилиши мумкин. Агар этикетканинг формати 8x16 см дан ортиқ бўлса, у ҳолда талабнома берилаётган белгининг тасвири кичрайтирилган ўлчамда топширилади.

Агар рўйхатдан ўтказиш учун товар белгиси сифатида муайян шаклга эга бўлган (уч ўлчамли) белгига талабнома берилаётган бўлса, у ҳолда «Талабномада кўрсатилган белгининг тасвири» графасида шу белгининг умумий кўринишининг тасвири жойлаштирилади. Шу билан бирга, талабномада кўрсатилган белги тўғрисида тўлиқ тасаввур ҳосил қилувчи барча зарур проекцияларнинг тасвири ҳам келтирилади.

Талабномада кўрсатилган белгининг тасвири товар белгисини қайси ранг ёки ранглар бирикмасида рўйхатдан ўтказиш сўралаётган бўлса, ўша ранг ва ранглар бирикмасида топширилади.

Белгининг тасвири ундан исталган миқдорда нусха олишга имкон берадиган қилиб, график жиҳатдан сифатли бажарилган бўлиши лозим.

21. Агар талабнома берилаётган белгининг тасвирини «Талабномада кўрсатилган белгининг тасвири» графасида келтириш имкони бўлмаса, бу ҳолда ушбу графада «X» белгиси қўйилиб, талабнома берилаётган белги алоҳида электрон ташувчида тақдим этилаётгани айтилади ҳамда ушбу ташувчи тури кўрсатилади (компьютер диски, дискета, аудиотасма, видеотасма ва х. к.).

22. «Белгининг турига тааллуқли кўрсатмалар» графаси тегишли катаклар «X» белгисини қўйиб чиқиш йўли билан тўлдирилади.

23. Агар сўз билан ифодаланган белги ўзбек тилида ҳам рус тилида ҳам тақдим этилмаган бўлса, бу ҳолда «Белги ёки унинг қисмларининг транслитерацияси» графасида унинг ўзбек ёки рус алифбоси ҳарфларидаги транслитерацияси ва агар белги маъно ифодаласа, унинг ўзбек ёки рус тилларига таржимаси келтирилади.

24. «Талабнома берилаётган белгининг тавсифи» графасида талабномада кўрсатилган белгининг тавсифи келтирилади: унинг кўриниши (сўзли, тасвирий, ҳажмий, ҳаракатланувчи, ҳидли, товушли, ва/ёки аралаш бел-

ги), таркибий элементлари, умуман белгининг ёки унинг айрим элементлари (қисмлари)нинг маъноси.

Агар сўзли белги ёки унинг бир қисми маънога эга бўлмаса, у ҳолда унинг вужудга келиш усули кўрсатилади: бир неча сўзларнинг бошланғич бўғинлари, аббревиатура, тўқиб чиқарилган сўз ва бошқалар.

Агар сўзли белги ўзбек ёки рус тилларида кам ишлатиладиган бўлса, (махсус атама, тарихий ном, эскирган сўз) у ҳолда унинг маъноси кўрсатилади.

Агар белги ёки унинг бир қисми тасвирий бўлса, у ҳолда унга кирувчи барча элементларнинг тавсифи келтирилади ва агар унинг маъноси бор бўлса, у ҳам кўрсатилади.

Ёруғлик, товушли, хидли ёки бошқа белгилар график кўринишида топширилади.

Агар товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказиш учун ёруғлик белгисига талабнома топширилган бўлса, у ҳолда ёруғлик рамзларининг (сигналларининг) характеристикаси, уларнинг кетма-кетлиги, ёритиш вақтининг узунлиги ва бошқа ўзига хос хусусияти келтирилади.

Агар товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказиш учун товушли белгига талабнома топширилган бўлса, бу ҳолда у таркиб топган товуш (товушлар) тавсифи, шунингдек нота ёзуви ёки частоталар диаграммаси келтирилади.

Агар товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказиш учун хидли белгига талабнома топширилган бўлса, композиция таркиби ва хидни тавсифловчи кимёвий бирикма формуласи келтирилади.

25. Агар рангли белгини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган бўлса, у ҳолда «Ранги ёки ранглар уйғунлиги» графасида унинг ранги ёки ранглар бирикмаси кўрсатилади.

Рангларнинг тавсифи белгида фойдаланиладиган ва кўчирма нусхада мавжуд рангларга мос келиши лозим. Агар оқ-қора рангдаги белгини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган бўлса, кўрсатилган графани тўлдириш талаб этилмайди.

26. Товарлар ва хизматларнинг рўйхати товар белгисини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товарлар ва хизматларни аниқлаш учун мўлжалланади.

«Синфи» ва «Товарлар ва (ёки) хизматлар номи» графаларида ТХХК синфларининг рақамлари ва товар белгисини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товарлар ва (ёки) хизматларнинг номлари кўрсатилади.

ТХХК синфлари бўйича гуруҳларга ажратилган товарлар ва (ёки) хизматлар, маҳсулот (хизмат)ни бирхиллаштириш имконини берувчи амалдаги ТХХК таҳририга киритилган номларга мос бўлиши лозим.

27. «Илова қилинган ҳужжатлар рўйхати» графаси тегишли катакларга «Х» белгисини қўйиб чиқиш ва илова қилинадиган ҳужжатларнинг ҳар бир намунасида нусхалар ва варақлар сонини кўрсатиш йўли билан тўлдирилади. Тури талабноманинг шаклида кўзда тутилмаган илова қилинадиган ҳуж-

жатлар учун («бошқа хужжат») уларнинг мўлжалланганлиги аниқ кўрсатилади.

Агар талаб қилинаётган белги Қонуннинг 10-моддаси, биринчи қисми 1 — 4-бандларида санаб ўтилган элементларга эга бўлса, талабномага тегишли ваколатли органнинг товар белгисида кўйидаги тасвирлардан фойдаланишга розилигини тасдиқловчи хужжат илова қилинади:

а) давлат герблари, байроқлари ва эмблемалар;

б) давлатларнинг расмий номлари, халқаро ёки ҳукуматлараро ташкилотларнинг қисқартирилган ёки тўлиқ номлари;

в) давлат мукофотлари ва бошқа фарқлаш белгилари;

г) расмий назорат, кафолат ёки намуна тамғалари ва муҳрлар.

28. Агар белги таркибида ишлаб чиқаришга асос солинган сана, талабнома берувчи томонидан ишлаб чиқиладиган товарлар ёки кўрсатиладиган хизматларга берилган мукофотлар тасвирига оид кўрсатмалар бўлса, талабномага асос солинган сана ва талабнома берувчининг мукофотларга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи хужжатлар илова қилинади.

29. Талабноманинг охириги «Имзо» графасини имзо қўйилган санаси кўрсатилган ҳолда тўлдириш барча ҳолларда мажбурийдир.

Талабнома талабнома берувчи томонидан имзоланади. Юридик шахс номидан ташкилот раҳбари томонидан унинг лавозими кўрсатилган ҳолда имзоланади. Имзо муҳр билан тасдиқланади.

Талабнома патент вакили орқали берилганда, талабнома патент вакили томонидан имзоланади.

Имзо имзо қўювчи шахснинг фамилияси ва исми, отаси исмининг бош ҳарфлари кўрсатилган ҳолда изоҳланади. Талабномада қўшимча варақлар мавжуд бўлса, улар ҳам худди шу тартибда имзоланади.

### 3-§. Хужжатларни расмийлаштириш

30. Барча хужжатлардан исталган тарзда нусхалар олиш учун қулай расмийлаштирилиши лозим.

31. Талабноманинг хужжатлари ок, силлик, ялтирамайдиган қоғозда амалга оширилади.

32. Талабноманинг ҳар бир хужжати алоҳида варақдан бошланади. 210 x 297 мм форматга эга бўлган варақлар хошияларининг ўлчами юқориси — 20 мм;

ўнг ва пастдаги — 20 мм;

чапдаги — 25 мм дан иборат бўлиши лозим.

33. Талабномани ҳар бир хужжатининг иккинчи ва ундан кейинги варақлари араб рақамлари билан рақамланади.

34. Хужжатлар қора рангли шрифтларда босиб чиқарилади. Матн 1,5 интервал оралиғида бош ҳарфларининг баландлиги 2,1 мм дан кам бўлмаган ҳолда босмадан чиқарилади.



#### **4-§. Талабномани топшириш**

35. Қонуннинг 4-моддаси иккинчи қисми ва 8-моддаси биринчи қисмига мувофиқ товар белгисига талабнома топшириш ҳуқуқига юридик шахс, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахс (бундан кейинги ўринларда талабнома берувчи деб юритилади) эгадир.

36. Талабнома Патент идорасига бевосита топширилади ёки почта орқали юборилади.

37. Талабнома бевосита талабнома берувчи томонидан ёки Патент идорасида рўйхатдан ўтган патент вакили орқали топширилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида доимий яшовчи жисмоний шахслар ёки чет эл юридик шахслари ёхуд уларнинг патент вакиллари товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш ишларини юритишни Патент идорасида рўйхатдан ўтган патент вакиллари орқали амалга оширадilar.

### **III. Патент идораси билан товар белгисини рўйхатдан ўтказишда талабнома бўйича ишларни олиб бориш**

#### **1-§. Вакил тайинлаш**

38. Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш бўйича ишларни олиб бориш ва талабномани кўриб чиқиш давомида ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун талабнома берувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилган ишончнома бериб патент вакили тайинлаши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида расмийлаштирилладиган Патент идораси олдидаги вакилликка ишончнома оддий ёзма шаклда тузилади ва нотариал тасдиқланиши шарт эмас.

39. Вакилнинг ишончномаси талабномани топшириш вақтида ёки иш юритиш давомида тақдим этилиши мумкин. Ишончнома талабнома материалларига қўшиб қўйилади.

40. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида истиқомат қилувчи жисмоний шахс ёки чет эл юридик шахсининг манфаатларини ҳимоя қилиш учун патент вакилига берилладиган ишончнома ушбу шахснинг ўзи томонидан ҳам талабнома берувчи томонидан берилган тегишли ишончномага эга патент вакили томонидан ҳам берилиши мумкин.

Агар ишончнома Патент идорасида рўйхатдан ўтказилган бир нечта патент вакилининг номига берилган бўлса, бу ҳолда товар белгисини рўйхатдан ўтказиш бўйича ишлар тўғри келган патент вакили томонидан олиб борилади.

41. Ишончнома топширилгунга қадар вакилнинг олиб борган ҳаракатлари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва экспертиза томонидан инобатга олинмайди. Вакилнинг унга тақдим этилган ваколатлари доирасидаги ҳар бир ҳаракати ёки Патент идорасининг унга нисбатан ҳар бир ҳаракати талабнома берувчининг ҳаракати ёки талабнома берувчига нисбатан ҳаракат каби оқибатларга олиб келади.

42. Вакиллик ишончномада кўрсатилган ваколатлар ёки уларнинг амал қилиш муддати тугагунча амал қилади. Ишончномада кўрсатилган ваколатларни муддатидан аввал тўхтатиш талабнома берувчи ёки унинг ҳуқуқий вориси томонидан Патент идорасига тегишли ариза (ишончномани чақириб олиш) бериш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

### **2-§. Патент идораси билан ёзишмалар олиб бориш**

43. Ёзишмалар талабнома берувчи ёки унинг патент вакили томонидан ҳар бир талабнома учун алоҳида олиб борилади. Талабнома топширилгандан кейин юбориладиган материалда талабнома рақами кўрсатилиши ва талабнома берувчи ёки унинг патент вакилининг имзоси бўлиши шарт. Талабнома рақами кўрсатилмаган материаллар кўриб чиқилмасдан қайтариб юборилади.

44. Патент идораси билан ёзишмалар ўзбек ёки рус тилларида олиб борилади. Талабнома берувчи томонидан бошқа тилда берилган материалларга уларнинг ўзбек ёки рус тилларида талабнома берувчи ёки унинг патент вакили имзоси билан тасдиқланган таржимаси илова қилиниши лозим.

### **3-§. Муддатлар**

45. Йиллар билан ҳисобланадиган муддат унинг охириги йилидаги тегишли ой ва кунда тамом бўлади.

46. Ойлар билан ҳисобланадиган муддат шу муддатнинг охириги ойидаги тегишли кунда тугайди.

Агар ойлар билан ҳисобланадиган муддатнинг тамом бўлиши тегишли рақам бўлмаган ойга тўғри келса, у ҳолда муддат шу ойнинг охириги кунда тугайди.

47. Ҳафталар билан ўлчанадиган муддат шу муддатнинг охириги ҳафтасидаги тегишли кунда тугайди.

48. Агар хат ёки патент божи Патент идорасига келиб тушиши лозим бўлган муддатнинг охириги куни Патент идорасининг дам олиш кунига тўғри келса, ушбу муддат кейинги иш кунигача узайтирилади.

### **4-§. Талабнома ҳужжатларига қўшимчалар, аниқликлар ва тузатишлар киритиш**

49. Қонуннинг 13-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ талабнома берувчи ўз ташаббусига кўра талабнома материалларини талабнома моҳиятини ўзгартирмаган ҳолда тузатиши, аниқлаштириши ва қўшимчалар киритиши мумкин.

50. Талабнома берувчи талабномага қуйидаги ўзгартиришларни киритиши мумкин:

а) талабнома берувчининг, патент вакилининг номини, номланишини ўзгартириши;

- б) талабнома берувчининг, патент вакилининг манзилгоҳини, ёзишмалар олиб бориладиган манзилни ўзгартириши;
- в) талабнома берувчини ўзгартириши;
- г) келишувга ўзгартириш киритиши;
- д) хатоларни тузатиши;
- е) товарлар рўйхатини қисқартириши.

51. Талабнома материалларини тузатиш, аниқлик ва қўшимчалар киритиш талабнома берувчи томонидан Қоидаларнинг 2, 3-иловаларига мувофиқ ариза топшириш йўли билан амалга оширилади.

Ариза Патент идорасига келиб тушганлиги ва уни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида талабнома берувчига хабар берилади.

Аризага талабнома материалларига ўзгартиришлар киритиши учун патент божи тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат илова қилинади. Патент божи тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат илова қилинмаса ёки тўланган патент божининг миқдори белгиланган миқдордан кам бўлса, қўшимча материаллар кўриб чиқишга қабул қилинмайди ва бу ҳақда талабнома берувчига хабар берилади.

52. Патент идораси талабнома ҳужжатларидаги хатоларни тузатиш ҳақидаги аризани қабул қилади. Аризада талабнома рақами ва тузатилиши лозим бўлган хато кўрсатилган бўлиб талабнома берувчи ёки унинг патент вакили томонидан имзоланган бўлиши керак. Ариза Қоидаларнинг 3-иловасига мувофиқ тўлдирилади.

53. Талабнома берувчи — юридик шахс номи ёки талабнома берувчи жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарганда, ушбу ўзгартиришни тасдиқлайдиган ҳужжат тақдим этилади.

54. Талабнома берувчи талабномага бўлган ҳуқуқини ўзга шахсга ўтказса, Патент идорасига талабнома берувчи ўзгарганлиги тўғрисидаги қайдни киритиш ҳақида ариза топширилади. Ариза Қоидаларнинг 4-иловасига мувофиқ тўлдирилади.

Аризада ҳуқуқ ўзга шахс яъни ҳуқуқий ворисга ўтказилишининг кўрсатилиши, ушбу Қоидаларнинг 15, 16-бандларида кўзда тутилган шахс ҳақидаги маълумотлар бўлиши керак. Ариза талабнома берувчи ва унинг ҳуқуқий вориси томонидан ушбу Қоидаларнинг 29-бандида кўзда тутилган тартибда имзоланади.

Агар ариза фақат талабнома берувчи томонидан имзоланган бўлса, аризага талабнома берувчи ва унинг ҳуқуқий вориси томонидан имзоланган ҳуқуқ ўтказилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинади. Ариза Қоидаларнинг 5-иловасига мувофиқ тўлдирилади.

Белгиланган талабларга риоя қилинган бўлса, талабнома берувчи ва унинг ҳуқуқий ворисига талабнома материалларига талабнома берувчининг ўзгартирилганлиги тўғрисида қайд киритилганлиги ҳақида хабар берилади. Кейинги барча ёзишмалар янги талабнома берувчи билан олиб борилади.

Талабнома берувчи ва унинг ҳуқуқий ворисига талабнома материалла-

рига ўзгартириш киритилганлиги тўғрисидаги билдиришнома юборилган сана ҳуқуқ ўтган сана деб ҳисобланади.

Белгиланган талабларга риоя қилинмаган ҳолда, талабнома берувчи ва унинг ҳуқуқий вориси тақдим этилган ҳужжатларга аниқликлар ва (ёки) тузатишлар киритиш зарурлиги ёки талабнома материалларига талабнома берувчининг ўзгартириш ҳақидаги қайдни киритиш мумкин эмаслиги тўғрисида, тегишли сабаблар кўрсатилган ҳолда билдиришнома юборилади.

55. Бир нечта товар ва (ёки) хизматлар келтирилган талабномани талабнома берувчининг ёзма илтимосномасига кўра иккита ёки бир нечта талабномага ажратиш мумкин (бундан кейинги ўринларда ажратилган талабнома деб юритилади).

Бунда дастлабки талабнома кўриб чиқишга қабул қилинган ва чақириб олинмаган бўлиши керак, ажратилган талабнома талабнома берувчи томонидан биринчи талабнома бўйича қарор қабул қилингунга қадар топширилиши лозим, ажратилган талабномада кўрсатилган товарлар ва хизматлар биринчи талабномада қолдирилган товарлар ва хизматлар билан бир хил бўлмаслиги керак.

Илтимосномага мазкур Қоидаларнинг 6 — 13-бандларига мувофиқ расмийлаштирилган ҳужжатлар ва талабномани ажратиш учун белгиланган миқдорда бож тўланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинади.

Кўрсатиб ўтилган шартларга риоя қилинган тақдирда талабномани ажратиш тўғрисидаги илтимоснома қондирилади ва талабнома берувчига бу ҳақда хабар қилинади.

Талабнома қондирилганда биринчи талабномада кўрсатилган товарлар ва хизматлар рўйхатига ажратилган талабномага киритилган товарлар ва хизматлар биринчи талабномадан чиқариб ташланганлиги ҳақида ўзгартишлар киритилади.

56. Талабнома берувчи томонидан тақдим этилган қўшимча материаллар мазкур Қоидаларнинг 119, 120-бандларига мувофиқ кўриб чиқилади.

### **5-§. Талабнома материаллари билан танишиш**

57. Талабнома берувчи (унинг вакили) топширилган талабнома ва унга оид ҳужжатлар билан олдиндан куни ва соатини келишиб бевосита Патент идорасида ёки талабнома ҳужжатларининг ёхуд уларнинг бирор қисмининг нусхасини сўраш йўли билан танишиши мумкин. Сўралган ҳужжатларнинг нусхалари тариф бўйича хизматларга тегишли ҳақ тўланган тақдирда талабнома берувчига юборилади.

Талабнома берувчи экспертиза қарорида кўрсатилган материаллар билан ушбу материалларнинг нусхаларини сўраб олиш йўли билан танишишга ҳақлидир.

Материалларнинг сўраб олинган нусхалари тариф бўйича тегишли ҳақ тўланганлик шarti билан юборилади.

## 6-§. Талабнома берувчи иштирокида талабномани кўриб чиқиш

58. Талабнома билан боғлиқ саволларни талабнома берувчи (унинг вакили) иштирокида кўриб чиқиш одатда, экспертиза томонидан талабнома берилган белги, товарлар ва хизматлар рўйхати бўйича қўшимча тушунтиришлар олиш зарурияти пайдо бўлган ҳолда ва белгининг рўйхатдан ўтказиш шартларига мувофиқлиги тўғрисида экспертизанинг ва талабнома берувчининг позициясини аниқлаш учун ўтказилади.

Бундай кўриб чиқиш иккала томон ушбу саволлар билан танишиб чиққандан сўнг, Патент идорасининг таклифига ёки талабнома берувчининг илтимосига кўра ўтказилиши мумкин. Экспертизанинг саволлари қўшимча равишда учрашувнинг мақсадга мувофиқлиги хабар қилинган сўровномада, талабнома берувчининг саволлари бундай кўриб чиқишни ўтказиш ҳақидаги илтимосномада баён этилади.

Сўровнома юборилган ҳолда талабнома берувчи талабномани кўриб чиқишда қатнашиш ниятидан қатъи назар, сўровномага Қонунда белгиланган муддатда жавоб бериши лозим.

59. Талабнома берувчи иштирокида талабномани кўриб чиқиш санаси ва вақти олдиндан келишиб олинади. Томонлардан бири вазият ўзгарган ҳолларда, белгиланган вақтда талабномани кўриб чиқишда қатнашиш имконига эга бўлмаса, бу ҳақда иккинчи томонни дарҳол хабардор қилади.

Агар Патент идораси ёки талабнома берувчи талабномани бирга кўриб чиқиш вақти келмаган ёки мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисобласа, Патент идорасининг таклифи ёки талабнома берувчининг илтимоси рад этилиши мумкин. Ушбу Қоидаларнинг 40 — 43-бандларидаги шартлар бажарилган ҳолда эксперт муҳокамасида талабнома берувчининг вакили қатнашиши мумкин.

60. Талабномани кўриб чиқишда талабнома берувчининг патент вакили ушбу Қоидаларнинг 38 — 42-бандларидаги шартларга риоя қилинган ҳолда иштирок этиши мумкин.

61. Талабнома берувчи иштирокида талабномани кўриб чиқиш музокаралар йўли билан ёки эксперт кенгашида амалга оширилади.

Агар саволлар бевосита эксперт ва талабнома берувчи томонидан ҳал қилиниши мумкин бўлса, музокаралар олиб борилади, агар саволларни ҳал қилиш учун мутахассислар экспертизасининг иштироки талаб қилинса, эксперт кенгаши ўтказилади.

Музокаралар ёки эксперт кенгаши натижалари бўйича икки нусхада белгиланган шаклдаги баённома тузилади ва унда қатнашчилар, томонлар келтирган далил ва таклифлар ҳақидаги маълумотлар ҳамда кейинги иш юритиш ҳақида хулосалар келтирилади.

Баённомада товарлар ва хизматларнинг тўғриланган рўйхати, талабномани чақириб олиш ҳақида ариза, ёзма изоҳларни талаб қилувчи экспертиза саволлари ва бошқалар келтирилади.

Талабномани кўриб чиқишда қатнашувчиларнинг барчаси баённомани

имзолайди. Баённоманинг бир нусхаси талабнома материалларига қўшиб қўйилади, иккинчиси талабнома берувчига (ёки патент вакилига) топширилади.

Муҳокама қилинаётган масалалар бўйича бир битимга келинмаган бўлса, қўриб чиқишда қатнашувчиларнинг алоҳида фикрлари баённомада қайд этилади. Талабнома берувчига (ёки патент вакилига) топшириладиган, тегишли хулосаларни ўз ичига олган баённома нусхаси иш юритиш тўхтатилганлиги тўғрисидаги хабарноманинг (талабнома қақриб олинган тақдирда) ёки экспертиза сўровномасининг ўрнини босиши мумкин, бу эса баённомада тегишли ёзув билан расмийлаштирилади.

62. Баённома талабнома берувчининг экспертиза сўровномасига жавоби ўрнини босиши мумкин (агар бунда жавоб беришнинг белгиланган муддатлари бузилмаган бўлса). Бундай ҳолда баённомага тегишли ёзув киритилади.

### **7-§. Сўралган материалларни тақдим этиш муддатини узайтириш**

63. Қонуннинг 13-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ талабнома берувчининг ёзма илтимосига кўра сўралган материалларни тақдим этиш муддати узайтирилиши мумкин. Илтимоснома билан биргаликда муддатни узайтириш учун белгиланган миқдорда бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат топширилади.

64. Муддатни узайтириш тўғрисидаги илтимоснома талабнома берувчига сўровнома юборилган санадан уч ой ўтмаган муддатда топширилади.

65. Талабнома берувчига сўралган материалларни тақдим этиш муддати узайтирилганлиги тўғрисида билдиришнома юборилади.

66. Агар илтимоснома белгиланган муддат ўтгандан сўнг берилган бўлса, шунингдек патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилмаган бўлса ёки тўланган бож суммаси белгиланган миқдорга тўғри келмаса, сўралган материалларни тақдим этиш муддати узайтирилмайди. Бу ҳолда талабнома берувчига унинг илтимосини рад этилганлиги ҳақида билдиришнома юборилади.

### **8-§. Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш**

67. Қонуннинг 13-моддаси олтинчи қисмига мувофиқ талабнома берувчи томонидан экспертиза сўрови бўйича қўшимча материалларни тақдим этишнинг ўтказиб юборилган муддатлари тикланиши мумкин.

68. Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги расмий илтимоснома талабнома берувчи томонидан муддат ўтиб кетган кундан бошлаб икки ой ичида муддатни ўтказиб юборишга узрли сабабларни кўрсатган ҳолда топширилади.

Илтимоснома талабнома берувчи томонидан экспертиза сўраган қўшим-

ча материаллар билан ёки ушбу материалларни юбориш муддатларини узайтириш ҳақидаги илтимоснома билан биргаликда тақдим этилади.

69. Расмий илтимоснома билан биргаликда тегишли патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилади. Агар шундай ҳужжат тақдим этилмаган бўлса, расмий илтимоснома топширилмаган деб ҳисобланади ва бу ҳақда талабнома берувчига билдиришнома юборилади.

70. Ўтказиб юборилган муддат тикланганлиги тўғрисида талабнома берувчига билдиришнома юборилади.

71. Қоидаларнинг 68-бандида кўрсатилган талаблар бажарилмаган ҳолда расмий илтимоснома талаблари қондирилмайди ва бу ҳақда талабнома берувчига билдиришнома юборилади.

### **9-§. Талабнома берувчи томонидан талабномани чақириб олиш**

72. Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ талабнома берувчи талабномани чақириб олиш ҳуқуқига эга.

Талабномани чақириб олиш тўғрисидаги ариза, талабномани кўриб чиқишнинг исталган босқичида, лекин, товар белгисини рўйхатдан ўтказиш санасига қадар топширилиши мумкин. Талабнома берувчига талабномани чақириб олиш тўғрисидаги ариза инobatга олинганлиги тўғрисида билдиришнома юборилган санадан бошлаб талабнома чақириб олинган деб ҳисобланади.

73. Жамоавий товар белгисига талабнома ушбу белгидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган барча юридик ва жисмоний шахсларнинг розилиги бўлган ҳолда чақириб олиниши мумкин.

74. Чақириб олинган талабнома бўйича ҳуқуқий аҳамиятга молик амаллар бажарилмайди (бундай талабнома экспертизаси ўтказилмайди, товар белгиси рўйхатдан ўтказилмайди). Бошқа талабномаларнинг экспертизасини ўтказишда чақириб олинган талабнома эътиборга олинмайди.

## **IV. Талабномани кўриб чиқиш**

### **1-§. Келиб тушган талабномани рўйхатга олиш**

75. Ўзбек ёки рус тилида Патент идорасига берилган талабномада товар белгисини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза ва талабномани топшириш учун патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлса, талабнома келиб тушиш санаси кўрсатилган ҳолда рўйхатга олинади.

Ўзбек ёки рус тилидан бошқа тилда топширилган талабнома рўйхатга олинмайди ва топширган шахсга қайтариб юборилади.

76. Талабномага учта ҳарfli ва саккиз хонали рўйхат рақами берилди, бунда биринчи ҳарfli (M) саноат мулки объекти — товар белгисини, кейинги икки ҳарfli (GU) муҳофаза ҳужжати тури — товар белгисини рўйхат-

дан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномани билдиради, талабнома рақамидаги биринчи тўртта сон (катта разряддаги тўртта сон) талабнома топширилган йилни, кейинги тўртта сон (кичик разряддаги тўртта сон) шу йилдаги ҳар йили бирдан бошланадиган тартиб рақамини билдиради.

77. Рўйхатга олинган талабнома қайтарилмайди.

## 2-§. Расмий экспертиза

78. Расмий экспертизанинг вазифаси талабнома материаллари таркибини, зарур ҳужжатлар мавжудлигини ва уларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини текширишдир. Расмий экспертиза натижалари бўйича талабнома берувчига Патент идорасининг талабнома кўриб чиқишга қабул қилинганлиги ёки қабул қилинмаганлиги ҳақидаги қарори юборилади.

79. Расмий экспертиза муддати талабнома Патент идорасига келиб тушган санадан бошлаб 30 кунни ташкил қилади.

Талабнома берувчига сўровнома юборилган ҳолда бу муддат мос равишда узайтирилади.

80. Расмий экспертизанинг боришида зарур ҳужжатларнинг мавжудлиги, шунингдек уларнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги текширилади.

Текшириш қўйидаги ҳужжатлар ва маълумотларга нисбатан ўтказилади:

- а) белгини товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказишга ариза;
- б) талабнома берувчининг номи, манзилгоҳининг кўрсатилганлиги;
- в) патент вакилининг фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса).
- г) талабномада рўйхатдан ўтказиш сўралаётган белгининг тасвири;
- д) рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товарлар ва хизматлар рўйхати;
- е) конвенция устуворлиги сўралган бўлса, биринчи талабнома нусхаси;
- ж) кўрғазма устуворлигини сўраш қонунийлигини тасдиқлайдиган ҳужжат;
- з) товар белгисини рўйхатдан ўтказишга талабномани топшириш учун патент божи тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат;
- и) талабнома жамоавий белгига оид бўлса, келишув;
- к) патент вакилига берилган ишончнома;
- л) талабномага илова қилинган ўзбек ёки рус тилидан бошқа тилда топширилган ҳужжатларнинг таржимаси;
- м) агар ажратилган талабнома топширилган бўлса, талабномани товар белгисига топширилган рақами кўрсатилган дастлабки талабномадан ажратиш тўғрисидаги илтимоснома.

81. Талабномани топшириш санаси Қоидаларнинг 80-банди «а», «б», «г», «д», «з» кичик бандларида санаб ўтилган ҳужжатлар ва (ёки) маълумотлар келиб тушган сана бўйича ёки агар ушбу ҳужжатлар бир пайтда тақдим этилмаган бўлса, кўрсатилган кичик бандларнинг охиригида кўрсатиб ўтилган ҳужжатнинг келиб тушган санаси бўйича белгиланади.



82. Ўзбек ёки рус тилидан бошқа тилда топширилган талабноманинг таржимаси тақдим этилмагунча (Қоидаларнинг 80-банди «л» кичик банди) ҳужжатлар топширилмаган деб ҳисобланади.

83. Талабнома материалларида 80-банднинг «в», «е», «ж», «и» кичик бандларида кўрсатилган маълумотларнинг ва (ёки) ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги ёки уларнинг ушбу Қоидалардаги талабларга мувофиқ эмаслиги талабномани кўриб чиқишга қабул қилинганлиги ҳақида қарор чиқариш ва талабнома келиб тушган санани белгилаш учун тўсиқ бўла олмайди.

84. Рўйхатга олинган талабнома тўланган патент божининг белгиланган миқдорга мос эканлиги бўйича текширилади.

Агар тақдим этилган ҳужжат талабномада рўйхатдан ўтказиш сўралаётган ТХХК синфлари сонига мос келмайдиган миқдорда патент божи тўланганини тасдиқласа, талабнома берувчига тегишли билдиришнома юборилган санадан эътиборан уч ой ичида зарур бўлган патент божининг етишмаган қисмини тўлаш ёки синфлар сонини мувофиқлаштириш таклиф қилинади.

Белгиланган муддат ичида патент божининг белгиланган миқдорга етишмаган қисмини тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилмаса, кўриб чиқиш талабномада биринчи бўлиб кўрсатилган ТХХК синфларига нисбатан олиб борилади.

85. Агар расмий экспертиза ўтказиш жараёнида талабнома ҳужжатлари ушбу Қоидаларда белгиланган талабларга риоя қилинмаган ҳолда расмийлаштирилганлиги аниқланса, талабнома берувчига сўровнома юборилади, сўровномада аниқланган камчиликлар кўрсатилади ва ушбу сўровнома талабнома берувчига жўнатилган санадан эътиборан уч ой ичида етишмаган ёки тузатилган маълумотлар ёки ҳужжатларни тақдим этиш таклиф қилинади.

86. Сўровнома юбориш учун қуйидагилар асос бўлади:

а) талабнома материалларида Қоидаларнинг 80-банди «а», «б», «г», «д», «з» кичик бандларида кўрсатилган маълумотлар ва (ёки) ҳужжатлар мавжуд эмаслиги;

б) тўланган патент божининг суммаси белгиланган миқдорга мувофиқ эмаслиги.

Ушбу Қоидаларнинг 80-банди «в», «е», «ж», «и» кичик бандларидаги ҳужжатлар ва (ёки) маълумотларнинг бирортаси етишмаса, расмий экспертиза босқичида талабнома берувчига уларни тақдим этиш тўғрисида сўровнома юборилмайди.

87. Агар талабнома берувчи тақдим этган жавобда сўралган барча маълумотлар ва (ёки) ҳужжатлар бўлмаса яна қайта сўровнома юборилади.

88. Расмий экспертиза сўровига жавоб олинмаса, жавоб бериш учун белгиланган муддат бузилган бўлса ва бу муддат ичида уни узайтириш ҳақида илтимоснома юборилмаса, талабнома чақириб олинган ҳисобланади. Талабнома бўйича иш юритиш тўхтатилади ва бу ҳақда талабнома берувчига хабарнома юборилади.

Талабнома берувчининг илтимосномаси бўйича ўтказиб юборилган муд-

дат Патент идораси томонидан тикланган ҳолда иш юритиш давом эттирилиши мумкин.

89. Талабнома материаллари белгиланган талабларга мувофиқ бўлган, шунингдек сўралган ҳужжатлар ва (ёки) маълумотлар талабнома берувчи томонидан ўз вақтида тақдим этилган ҳолда талабнома топширилган сана белгиланади ва талабнома кўриб чиқишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги қарор талабнома берувчига юборилади.

90. Агар талабнома берувчи томонидан тақдим этилган жавобда расмий экспертизанинг сўровномасида сўралган маълумотлар ва (ёки) ҳужжатлар бўлмаса, талабномани кўриб чиқишга қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги қарор чиқарилади.

Талабномани кўриб чиқишга қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги қарорда бундай қарор чиқариш учун асослар кўрсатилади.

### **3-§. Талабномада кўрсатилган белги экспертизаси**

91. Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ талабномада кўрсатилган белги экспертизасининг вазифаси талабнома берилган белгининг Қонуннинг 3 ва 10-моддалари қоидаларига мувофиқлигини текшириш (Қонуннинг 10-моддаси биринчи қисмининг 14-банди бундан мустасно) ва товар белгисининг устуворлигини белгилашдан иборат.

92. Талабномада кўрсатилган белги экспертизаси давомида қуйидагилар амалга оширилади:

а) талабнома материалларининг ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг ушбу Қоидаларнинг 5 — 29-бандларида кўзда тутилган талабнома мазмуни ва расмийлаштирилишига бўлган талабларга мувофиқлигини қайта текшириш;

б) товарлар ва (ёки) хизматлар рўйхатини ва уларнинг ТХХК синфлари бўйича гуруҳланиши тўғрилигини текшириш;

в) Қонуннинг 12-моддасига кўра товар белгиси устуворлигини белгилаш;

г) талабномада кўрсатилган белгининг Қонуннинг 3, 10-моддаларига ва ушбу Қоидаларнинг 4-бандига мувофиқлигини текшириш (10-модда биринчи қисмининг 14-банди бундан мустасно);

93. Товарлар ва (ёки) хизматлар рўйхатини текшириш давомида қуйидагилар аниқланади:

а) талабнома берувчи томонидан товар ва хизматларни белгилаш учун фойдаланилган атамаларнинг ТХХКнинг бирон бир синфидаги аниқ товар ёки хизмат билан бир хил идентификация қилиш имконияти;

б) талабнома берувчи томонидан товар ва хизматларнинг ТХХК синфлари бўйича тўғри гуруҳланганлиги.

Талабномада кўрсатилган товарлар ва хизматлар рўйхатини тузатиш зарурияти туғилса, экспертиза талабнома берувчидан тегишли аниқликлар киритишни сўрашга ҳақлидир.

Агар ТХХКнинг талабнома берувчи томонидан санаб ўтилган товарларга мос синфлари сони талабномани топшириш учун патент божи тўланган

синфлар сонидан ортиқ бўлса, талабнома берувчига божнинг етишмаган қисмини тўлаш ёки ҳуқуқ ҳажмини чеклаш (талабномада келтирилган белгини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган ТХХК синфлари сонини қисқартириш) тўғрисида билдиришнома юборилади.

Талабнома берувчи патент божининг етишмаган қисмини тўлашдан ёки ҳуқуқ ҳажмини камайтиришдан бош тортса, талабномада келтирилган белги экспертизаси ТХХКнинг биринчи бўлиб келтирилган синфларига нисбатан ўтказилади.

94. Ажратилган талабнома бўйича товарлар ва хизматлар рўйхатини текшириш давомида қуйидагилар аниқланади:

а) ажратилган талабномада кўрсатилган товарлар ва (ёки) хизматларнинг товар белгисига топширилган дастлабки талабномада мавжудлиги;

б) ажратилган талабномада кўрсатилган товарлар ва (ёки) хизматларнинг товар белгисига топширилган дастлабки талабномада қолганлари билан бир турда эмаслиги.

95. Талабномада кўрсатилган белгининг экспертизаси давомида талабнома берувчига ушбу белгининг Қонуннинг 15-моддаси иккинчи қисми ва ушбу Қоидаларнинг 92-бандида баён этилган қоидаларга мувофиқлигини текшириш натижалари бўйича сўровнома юборилиши мумкин. Сўровномада келтирилган сабабларга асосланган жавоб бериш таклиф этилади.

Сўровномада талабномада кўрсатилган белгини товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказишни рад этиш учун Қонун ва ушбу Қоидаларга асосланган сабаблар келтирилади. Сўровнома юборилган санадан эътиборан уч ой ичида сўровномага жавоб ёки жавоб муддатини узайтириш ҳақидаги илтимоснома тақдим этилиши керак.

96. Талабномада кўрсатилган белги экспертизаси сўровига жавобан олинмаган ёки талабнома берувчи жавоб бериш муддатини бузган ва шу муддатни узайтириш ҳақида илтимоснома бермаган ҳолда талабнома чақириб олинган ҳисобланади. Талабнома бўйича иш юритиш тўхтатилади.

Талабнома берувчининг илтимосномаси бўйича ўтказиб юборилган муддат Патент идораси томонидан тикланган ҳолда иш юритиш давом эттирилиши мумкин.

#### **4-§. Товар белгиси устуворлигини белгилаш**

97. Товар белгисининг устуворлиги Патент идорасига таркибида талабнома берувчи ва унинг жойлашган манзили ёки яшаш жойи, талабномада келтирилган белги, унинг тавсифи ва товар белгисини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товар ва хизматлар рўйхати келтирилган ариза бўлган талабнома топширилган сана бўйича белгиланади.

Агар талабномада дастлаб юқорида санаб ўтилган маълумотлар ва (ёки) ҳужжатлардан бири бўлмаган бўлса, товар белгисининг устуворлик санаси деб, етишмаган устуворликни белгилаш учун зарур бўлган маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатларнинг энг охиргиси келиб тушган сана ҳисобланади.

Товар белгисининг устуворлиги, шунингдек Париж конвенциясига аъзо давлатда берилган биринчи талабнома санаси бўйича ёки Париж конвенциясига аъзо давлатлардан бирининг ҳудудида ташкил қилинган расмий ёки расмий тан олинган халқаро кўргазмада ушбу белги билан белгиланган экспонатларнинг очиқ намойиш қилинган санаси бўйича белгиланиши мумкин, агар Қонуннинг 12-моддаси иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмида кўзда тутилган талабларга риоя қилинган бўлиб, талабнома берувчи томонидан сўралаётган устуворликни тасдиқлайдиган зарур ҳужжатлар тақдим этилган бўлса.

98. Қонуннинг 12-моддаси иккинчи ва тўртинчи қисмига мувофиқ конвенция устуворлиги сўралган ҳолда қуйидагилар текширилади:

а) талабнома берувчи томонидан Париж конвенциясига аъзо давлатда топширилган биринчи талабноманинг нусхаси мавжудлиги;

Агар кўрсатилган нусха талабнома Патент идорасига келиб тушган санадан кейин тақдим этилса, талабнома нусхаси тақдим этилиши лозим бўлган уч ойлик муддатга риоя қилинганлиги;

б) биринчи талабнома топширилган санадан ҳисобланадиган конвенция устуворлиги сўралган талабнома топширилиши лозим бўлган олти ойлик муддатга талабнома берувчи томонидан риоя қилинганлиги;

в) конвенция устуворлигини белгилаш ҳақидаги илтимоснома Патент идорасига талабнома топширилган санадан бошлаб икки ой ичида берилганлиги;

г) талабномада кўрсатилган белгини товар ва хизматлар рўyxатининг биринчи талабномадаги белги товар ва хизматлар рўyxатига мувофиқлиги.

Бунда белги тақдим этилаётган товарлар ва (ёки) хизматлар рўyxати дастлабки талабномада кўрсатилган товарлар ва (ёки) хизматларнинг ҳаммасини ҳам ўз ичига олмаган бўлиши мумкин

99. Кўргазма устуворлиги сўралган ҳолда Қонуннинг 12-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмига мувофиқ қуйидагилар текширилади:

а) кўргазма устуворлигини тасдиқлайдиган ҳужжат мавжудлиги ва ушбу Қоидаларнинг 11-бандида кўзда тутилган талабларга мувофиқлиги;

б) кўргазма устуворлиги сўралган талабнома Патент идорасига топширилиши лозим бўлган экспонат кўргазмасида очиқ кўрсата бошланган санадан бошланадиган олти ойлик муддатга талабнома берувчи томонидан риоя қилинганлиги;

в) кўргазма устуворлигини белгилаш тўғрисидаги илтимосни Патент идорасига талабнома келиб тушган санадан икки ойдан ошмаган муддатда тақдим этилиши;

г) кўргазма устуворлигини белгилаш сўралган белги билан белгиланган товар кўргазмада намойиш қилинган бўлса, талабномада кўрсатилган белги намойиш этилган товарлардаги белгиларга мувофиқлиги.

100. Талабнома берувчи томонидан ушбу Қоидаларнинг 98 ва 99-бандларида кўрсатилган талабларнинг бирортаси бажарилмаса, товар белгисининг устуворлиги ушбу Қоидаларнинг 97-бандининг биринчи, иккинчи хат-

бошиларига мувофиқ белгиланади ва бу ҳақда талабнома берувчига билдиришнома юборилади.

101. Талабнома берувчининг худди шу белгига бошқа талабнома (дастлабки талабнома) асосида ажратилган талабнома бўйича товар белгисининг устуворлиги Патент идорасига дастлабки талабнома топширилган сана бўйича белгиланади, дастлабки талабнома бўйича аввалроқ устуворлик белгилаш ҳуқуқи мавжуд бўлганда, агар ажратилган талабнома берилган санага келиб, дастлабки талабнома чақириб олинмаган бўлса ва ажратилган талабнома дастлабки талабнома бўйича қарор қабул қилинишидан аввал топширилган бўлса, устуворлик ушбу устуворлик санаси бўйича белгиланади.

102. Ажратилган талабнома бўйича устуворлик белгилашда Қонуннинг 12-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ қуйидаги шартларга риоя қилинганлик текширилади:

а) худди ўша талабнома берувчининг товар белгисига топширилган дастлабки талабномани ажратиш тўғрисида илтимосноманинг мавжудлиги;

б) дастлабки талабнома чақириб олинмаганлиги;

в) ажратилган талабноманинг дастлабки талабнома бўйича қарор қабул қилинмай туриб амалга оширилганлиги;

г) талабнома берилаётган белгининг дастлабки талабномадаги белгига мувофиқлиги;

д) ажратилган талабномада кўрсатилган товарлар ва (ёки) хизматлар дастлабки талабномада кўрсатилганлиги.

### **5-§. Талабномада кўрсатилган белгининг муҳофазага лаёқатлилигини текшириш**

103. Талабномада кўрсатилган белги Қонуннинг 3 ва 10-моддаларида (10-модда биринчи қисмининг 14-банди бундан мустасно) ва Қоидаларнинг 4-бандида белгиланган талабларга мувофиқ текширилади.

Агар талабномада кўрсатилган белги фақат ушбу Қоидаларнинг 4-банди «а» — «з» кичик бандларида кўрсатилган белгилардан иборат бўлса ёки унинг элементлари сифатида Қоидаларнинг 4-банди «и» — «м» кичик бандларида кўрсатилган белгилардан бирини ўз ичига олса, шу белгини товар белгиси сифатида рўйхатга олиш мумкин эмаслиги ҳақида хулоса қилинади.

Агар талабномада кўрсатилган белги фақат Қоидаларнинг 4-банди «а» — «з» кичик бандларида кўзда тутилган муҳофазага лаёқатли бўлмаган белгилардан иборат бўлмаса, лекин улардан бирини ўз ичига олган бўлса, бу ҳолда:

а) Қоидаларнинг 4-банди «а» — «г» кичик бандларида кўрсатилган белгилар мавжуд бўлган ҳолда тегишли ваколатли орган ёки уларнинг эгаларининг розилиги тасдиқланган ҳужжат мавжудлиги текширилади. Бундай розиликсиз товар белгиси рўйхатдан ўтказишга йўл қўйилмайди;

б) ушбу Қоидаларнинг 4-банди «д», «е», «ж», «з» кичик бандларида кўрсатилган белгилар мавжуд бўлган ҳолда улар товар белгисига устун мавқега эгаллиги текширилади.

104. Барча элементларда белги бошқа белги билан мос тушса, айнан бир хил деб ҳисобланади.

Агар белги белгига умуман олганда ўхшаш бўлса, алоҳида фарқларига қарамасдан бошқа белги билан аралаштириб юбориш даражасида ўхшаш деб ҳисобланади.

Белгиларнинг ўхшашлигини баҳолаш белгиларнинг ҳар қандай хусусиятлари, шу жумладан сўзли ёки график элементлар, уларнинг композицион ва ранг-график ечими ва бошқалар таъсири остида шаклландиган умумий тасаввур асосида амалга оширилади.

Айнан бир хиллик ва ўхшашликни текширишда қуйидаги амаллар бажарилади:

а) айнан бир хил ва ўхшаш белгилар қидируви ўтказилади.

б) талабномада кўрсатилган ва қидирувда топилган белгиларнинг ўхшашлик даражаси аниқланади.

в) талабномада кўрсатилган товарларнинг бир хил ёки ўхшаш товар белгилари аввал аниқланиб рўйхатдан ўтказилган (талабнома берилган) товарлар белгилари билан бир хиллиги аниқланади.

105. Қонуннинг 10-моддаси ўн учинчи бандида санаб ўтилган белгилар орасида айнан бир хиллик ва аралаштириб юбориш даражасида ўхшашликка қидирув ўтказилади.

106. Сўзли белгиларнинг ўхшашлигини аниқлаш учун улар қуйидагилар билан таққосланади:

а) сўзли белгилар билан;

б) таркибига сўзли белгилар кирган жамлама белгилар билан.

Сўзли белгилар ўхшашлиги товушли (фонетик), график (кўз билан кўрадиган) ва мазмунан (семантик) бўлиши мумкин.

107. Товушли ўхшашлик қуйидаги аломатлар асосида аниқланади:

а) таққосланаётган белгиларда яқин ва мос тушадиган товушлар мавжудлиги;

б) белгиларни ташкил қилувчи товушларнинг яқинлиги;

в) яқин товушлар ва товуш бирикмаларининг бир-бирига нисбатан жойлашиши;

г) мос бўғинлар мавжудлиги ва уларнинг жойлашиши;

д) белгилардаги бўғинлар сони;

е) мос товуш бирикмаларининг белги таркибидаги ўрни;

ж) унли товушлар таркибининг яқинлиги;

з) ундош товушлар таркибининг яқинлиги;

и) белгилари бир-бирига мос қисмларининг характери;

к) бир белгининг иккинчисига кириши;

л) урғу.

108. График ўхшашлик қуйидаги аломатлар асосида аниқланади:

а) умумий кўриш таассуроти;

б) шрифт тури;

в) ҳарфлар характерини ҳисобга олган ҳолда график ёзилиши (босма ёки ёзма, бош ёки кичик ҳарф);

- г) ҳарфларнинг бир-бирига нисбатан жойлашиши;
- д) сўз ҳарфлари ёзилган алифбо;
- е) ранг ёки ранглар уйғунлиги.

109. Мазмунан ўхшашлик қуйидаги аломатлар асосида аниқланади:

а) белгиларда ифодаланган тушунчалар, ғояларнинг ўхшашлиги хусусан, белги мазмунининг турли тилларда мос келиши;

б) белгининг мантикий урғу берилган ва мустақил аҳамиятга эга бўлган бирорта элементнинг мос туриши;

в) белгида ифодаланган тушунчалар, ғоялардаги қарама-қаршилик.

110. Ушбу Қоидаларнинг 107 — 109-бандларида санаб ўтилган аломатлар ҳар бири алоҳида ва турли бирликларда ҳисобга олиниши мумкин.

111. Тасвирий ва муайян шаклдаги ҳажмли белгиларнинг ўхшашлигини аниқлаш учун улар қуйидагилар билан таққосланади:

а) тасвирий белгилар билан;

б) ҳажмли белгилар билан;

в) таркибига тасвирий ёки ҳажмли элементлар кирган жамлама белгилар билан.

112. Тасвирий ва муайян шаклдаги ҳажмли белгиларнинг ўхшашлиги қуйидаги аломатлар асосида аниқланади:

а) ташқи шакли;

б) симметрия мавжудлиги ва мавжуд эмаслиги;

в) мазмуни;

г) тасвир кўриниши ва характери (табиий, ўзига хослиги, ҳажвий ва х. к.);

д) ранглар ва туслар уйғунлиги.

Санаб ўтилган аломатлар ҳар бири алоҳида ва турли бирикмаларда ҳисобга олиниши мумкин.

113. Жамлама белгининг ўхшашлигини аниқлаш учун қуйидагилар билан таққосланади:

а) жамлама белгилар билан;

б) текширилаётган жамлама белги таркибига унинг элементи сифатида кирадиган белгилар тури билан.

Жамлама белгиларнинг ўхшашлигини аниқлашда ушбу Қоидаларнинг 106 — 112-бандларида келтирилган аломатлардан фойдаланилади ва айнан ўхшаш ёки ўхшаш элементнинг талабномада кўрсатилган белгидаги ҳолатининг аҳамияти текширилади.

114. Товарларнинг бир хил жинслилигини белгилашда истеъмолчида шу товарлар битта ишлаб чиқарувчига қарашли деган қатъий тасаввур пайдо бўлиш имконияти аниқланади.

Товарларнинг бир жинслилигини белгилашда товарларнинг тури, бажарадиган вазифаси, улар тайёрланган материал тури, товарларнинг ўзаро бири-бирини тўлдириши ёки ўзаро бир-бирининг ўрнини боса олиши, товарларни сотиш шарт, истеъмолчилар доираси ва бошқа аломатлар.

**6-§. Қўшимча материалларни сўраб олиш**

115. Агар қўшимча материалларсиз талабномада кўрсатилган белгининг экспертизасини ўтказиш мумкин бўлмаса Қонуннинг 13-моддаси учинчи қисмига мувофиқ талабнома берувчига сўровнома юборилади.

Сўровнома юбориш учун қуйидаги ҳолатлар асос бўлиши мумкин:

а) ушбу Қоидаларнинг 7 — 11 ва 27-28-бандларида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этиш зарурлиги;

б) товар ва (ёки) хизматлар таснифи ва рўйхатини, шу жумладан, ажратилган талабномада кўрсатилган товарлар ва (ёки) хизматлар рўйхати ушбу Қоидаларнинг 55-банди иккинчи қисми талабларига мос келмаган ҳолларда, аниқлаштириш зарурлиги;

в) талабномада кўрсатилган товар ва хизматлар рўйхати таснифини аниқлаштириш натижасида тўланган патент божи ТХХК синфлари сонига тўғри келмаслиги аниқланса, божнинг этишмаган қисмини тўлаш зарурлиги. Бу ҳолда талабнома берувчига агар патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилмаган ёки ўз ҳуқуқлари ҳажмини камайтириш рад этилган тақдирда талабномада кўрсатилган белги экспертизаси талабномада биринчи кўрсатилган синфларга нисбатан ўтказилади;

г) талабномада кўрсатилган белги тасвирига аниқлик киритиш зарурлиги;

д) барча товарлар ва (ёки) хизматлар ёки уларнинг бир қисми учун рўйхатдан ўтказишга аввалроқ топширилган ўхшаш товар белгилари ёки белгилар аниқланганлиги сабабли юзага келган саволларни ҳал қилиш зарурлиги.

Юқорида келтирилган асослар бўйича тузилган сўровномага талабноmani кўриб чиқишда келиб чиққан бошқа характердаги саволлар ва шунингдек, устуворликни белгилаш билан боғлиқ саволлар киритилиши мумкин.

116. Тақдим этилган ҳужжат ёки маълумотлар исталган бирорта ҳақиқийлиги (ишончли) бўйича экспертизада асосли шубҳа туғилса, экспертиза талабнома берувчидан тасдиқловчи исбот маълумотларини сўрашга ҳақли.

117. Экспертизанинг сўровномада келтирилган фикри хусусан, Қонун моддаларига, ушбу Қоида ва бошқа меъерий ҳужжатларга изоҳ берилган ҳолда асосланган бўлиши керак.

118. Талабнома берувчи томонидан экспертиза сўровномаси бўйича тақдим этилган қўшимча материаллар ушбу Қоидаларнинг 119 ва 120-бандларига мувофиқ кўриб чиқилади.

**7-§. Қўшимча материалларни текшириш**

119. Патент идорасининг сўровномаси бўйича талабнома берувчи томонидан қўшимча материал тақдим этилган ҳолда уларнинг тақдим этишга белгиланган муддатларга рия қилинганлиги текширилади.



120. Талабнома берувчи томонидан Патент идорасининг сўровномаси бўйича ёки ўз ташаббусига кўра кўшимча материаллар келиб тушган ва кўриб чиқишга қабул қилинган ҳолда, уларнинг талабнома моҳиятини ўзгартирмаслиги текширилади. Қўйдаги ҳолларда кўшимча материаллар талабнома моҳиятини ўзгартиради деб эътироф этилади, агар:

а) кўшимча материаллар талабномада кўрсатилган белгига ўзгартириш киритса;

б) кўшимча материаллар товар ва (ёки) хизматлар рўйхатига талабномада кўрсатилмаган товарлар ва хизматлардан иборат бўлса.

### **8-§. Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарор**

121. Талабномада кўрсатилган белги талабнома берувчи томонидан тақдим этилган товарлар ва (ёки) хизматлар рўйхатидаги барча товар ва (ёки) хизматлар учун Қонуннинг 3 ва 10-моддаларида (10-модда биринчи қисмининг 14-банди бундан мустасно) белгиланган талабларга жавоб бериши аниқланса, шу рўйхатда берилган товар ва (ёки) хизматлар учун товар белгисини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

122. Агар талабномада кўрсатилган белги ушбу Қоидаларнинг 121-бандида кўрсатилган талабларга товарлар ва (ёки) хизматларнинг бир қисми учун жавоб берса, товар белгисини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарор товарлар ва (ёки) хизматларнинг шу қисмига нисбатан қабул қилинади.

123. Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарорда товар белгисида муҳофаза қилинмайдиган элементлар кўрсатилади.

Агар рўйхатдан ўтказишга талабнома берилган белги рангли тасвирда берилса, товар белгисини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарорда белгидаги ранг ёки ранглар уйғунлиги кўрсатилади.

124. Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарор рўйхатдан ўтказиш санасига қадар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида аввалроқ устуворликка эга бўлган айнан ўхшаш ёки аралаштириб юбориш даражасида ўхшаш товар белгисига талабнома келиб тушиш муносабати билан қайта кўриб чиқилиши мумкин.

### **9-§. Товар белгисини рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарор**

125. Агар Қонуннинг 15-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ ўтказилган талабномада кўрсатилган белги экспертизасини ўтказиш натижасида белги товар ва (ёки) хизматлар рўйхатининг ҳаммаси учун ушбу Қоидаларнинг 4-бандида (10-модда биринчи қисмининг 14-банди бундан мустасно) келтирилган талабларга мувофиқ келмаса, талабнома берувчига товар белгисини рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарор юборилади.

**10-§. Халқаро рўйхатдан ўтказилган товар белгисига  
хукуқий муҳофаза тақдим этиш**

126. Қонуннинг 4-моддаси қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товар белгисига хукуқий муҳофаза Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида тақдим этилади.

127. Баённоманинг 3(4)-моддасига мувофиқ БИМТ ХБдан келган товар белгисини халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги хабарнома, шу жумладан халқаро рўйхатдан ўтказиш натижасида юзага келадиган муҳофазанинг Ўзбекистон Республикасига тааллуқли экани тўғрисидаги Баённоманинг 3-тег-моддасида кўзда тутилган ариза билан боғлиқ ҳолда келиб тушган БИМТ ХБнинг хабарномаси (бундан кейинги ўринларда БИМТ ХБнинг хабарномаси деб юритилади) халқаро рўйхатдан ўтказилган товар белгисини давлат экспертизасидан ўтказиш учун асос бўлади.

128. БИМТ ХБнинг хабарномаларида келтирилган халқаро рўйхатдан ўтказилган товар белгилари бўйича Қонуннинг 3-моддасининг биринчи қисми ва 10-моддаси қоидаларига (10-модда биринчи қисмининг 14-банди бундан мустасно) мувофиқлиги текширилади.

129. Агар халқаро рўйхатдан ўтказиш белгиланган қоидаларга мос келса, унга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хукуқий муҳофаза тақдим этилади.

130. Агар халқаро рўйхатдан ўтказиш белгиланган талабларни қаноатлантирмаса, бу ҳолда Баённоманинг 5-моддасига мувофиқ БИМТ ХБга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида унга хукуқий муҳофаза тақдим этиш дастлабки рад этилгани тўғрисида (бундан кейинги ўринларда дастлабки раддия деб юритилади) рад этиш сабаблари кўрсатилган хабарнома юборилади.

Хабарномада, шунингдек, халқаро рўйхатдан ўтказиш эгаси ушбу Қоидаларнинг 38-бандида белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда хабарномада кўрсатилган муддат ичида хабарномада келтирилган сабаблар бўйича ўз мулоҳазаларини тақдим этишга ҳақли экани таъкидланади.

131. Агар халқаро рўйхатдан ўтказиш эгаси дастлабки раддияда келтирилган сабаблар бўйича ўз далилларини белгиланган муддатда тақдим этмаса, бу ҳолда БИМТ ХБга дастлабки раддияни тасдиқлаш ҳақида хабарнома (узил-кесил раддия) юборилади.

132. Агар халқаро рўйхатдан ўтказиш эгаси дастлабки раддияда келтирилган сабаблар бўйича ўз далилларини белгиланган муддатда тақдим этса, бу ҳолда БИМТ ХБга уларни кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабарнома юборилади.

**11-§. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасига  
биноан аввал муҳофаза қилинган товар белгисига  
талабнома**

133. Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг шартномасига биноан аввал муҳофаза қилинган ва халқаро реестрдан чиқарил-

ган товар белгисини рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги талабнома Патент идорасига аввал ушбу белгини халқаро рўйхатдан ўтказиш эгаси бўлган шахс томонидан топширилади.

Талабнома ушбу Қоидаларнинг 37-бандида белгиланган талаблар ҳисобга олинган ҳолда топширилади.

134. Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабномани топшириш санаси ва товар белгисининг устуворлиги санаси халқаро рўйхатдан ўтказиш санаси ва халқаро рўйхатдан ўтказиш устуворлиги санаси бўйича қуйидаги шартларга риоя қилинган ҳолда белгиланади:

а) талабнома халқаро рўйхатдан ўтказиш халқаро реестрдан чиқарилган санадан бошлаб уч ой мобайнида топширилса;

б) товар белгисини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товарлар ва хизматлар рўйхати Ўзбекистон Республикасига нисбатан халқаро рўйхатдан ўтказиш амал қилган товарлар ва хизматлар рўйхатига кирган бўлса;

в) талабнома Қонуннинг 9-моддасида ва ушбу Қоидаларда кўзда тутилган талабларга биноан расмийлаштирилган бўлса.

135. Талабнома келиб тушган кундан эътиборан бир ой мобайнида унинг ушбу Қоидаларнинг 134-бандида кўрсатилган шартларга риоя қилинганлиги текширилади.

136. Кўрсатилган шартларга риоя қилинган ҳолда халқаро рўйхатдан ўтказиш санаси ёки халқаро рўйхатдан ўтказиш устуворлиги санаси бўйича талабнома берилган сана ва товар белгисининг устуворлиги белгиланади ва товар белгисини рўйхатдан ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинади.

137. Қоидаларнинг 134-бандида кўрсатилган шартларга риоя қилинмаган ҳолда талабнома берувчига сўровнома юборилиб, унда сўровнома юборилган санадан эътиборан уч ой муддат ичида етишмаган ёки тўғриланган ҳужжатларни тақдим этиш таклиф қилинади.

138. Агар талабнома берувчи белгиланган муддатда сўровномада кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этса, бу ҳолда ушбу Қоидаларнинг 136-бандига мувофиқ талабномани кўриб чиқиш давом этади.


139. Агар талабнома берувчи сўралган ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаса, бу ҳолда талабномани топшириш санаси ва товар белгисининг устуворлиги ушбу Қоидаларнинг 97-бандига мувофиқ белгиланади.

Талабномани кейинчалик кўриб чиқиш ушбу Қоидаларнинг 78 — 125-бандларига мувофиқ амалга оширилади.

Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш  
белгисини рўйхатдан ўтказиш учун  
талабнома тузиш, топшириш ва кўриб  
чикиш коидаларига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида товар белгиси  
(хизмат кўрсатиш белгиси)ни рўйхатдан ўтказиш учун  
ТАЛАБНОМА**

<p>(220) Талабнома топширилган сана</p> <p>(210) Талабноманинг кириш рақами</p> <p align="center">(ЎзР ДПИ томонидан тўлдирилади)</p>	<p>(750) Ёзишмалар учун манзилгоҳ <i>(манзилгоҳ эгасининг тўлиқ почта манзили, исми ёки номи)</i></p> <p>Телефон:      Факс:      E-mail:</p>	
<p align="center"><b>АРИЗА</b></p> <p>Талабномани ва қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиб, талабномада кўрсатилган белгини товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) сифатида талабнома берувчи номига рўйхатдан ўтказишингизни сўрайман</p>	<p align="center">Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси 100047, Тошкент шаҳри, Тўйтепа кўчаси, 2а уй Тел.: (99871) 232-00-13, 232-00-15 Факс: (99871) 233-45-56 E-mail: info@patent.uz</p>	
<p>(731) Талабнома берувчи</p> <p><i>(юридик шахснинг таъсис ҳужжати бўйича тўлиқ номи ёки жисмоний шахснинг исми, фамилияси ва отасининг исми кўрсатилади)</i></p> <p>Талабнома берувчининг почта манзили</p> <p>Телефон:                      Факс:                      E-mail:</p>	<p>КТУТ бўйича ташкилот коди <i>(агар аниқланган бўлса)</i></p> <p>БИМТ ST 3 стандарти бўйича мамлакат коди <i>(агар аниқланган бўлса)</i></p>	
<p>Товар белгиси устуворлигини қуйидаги санадан белгилашингизни сўрайман:</p> <p><input type="checkbox"/> (320) биринчи талабнома(лар) топширилган санадан</p> <p><input type="checkbox"/> (230) экспонат кўргазмада очиқ намойиш қилинган санадан</p> <p><input type="checkbox"/> (641) ушбу талабнома ажралиб чиққан дастлабки талабнома устуворлиги санасидан</p> <p><input type="checkbox"/> (151) халқаро рўйхатдан ўтказиш санасидан</p> <p><input type="checkbox"/> (646) халқаро рўйхатдан ўтказиш устуворлиги санасидан</p>		
<p><input type="checkbox"/> (310) биринчи талабнома рақами</p> <p><input type="checkbox"/> (641) дастлабки талабнома рақами</p> <p><input type="checkbox"/> (646) халқаро рўйхатдан ўтказиш рақами</p>	<p align="center">Сўралган устуворлик санаси</p>	<p align="center">(330) Талабнома топширилган мамлакатнинг БИМТ ST 3 стандарти бўйича коди <i>(конвенцион устуворлик сўралганда)</i></p>

(740) Патент вакили <i>(фамилияси, исми, отасининг исми, рўйхатдан ўтган рақами, турар жойи)</i>		
Телефон:	Факс:	E-mail:
(540) Талабнома берилётган белги тасвири		
		
<input type="checkbox"/> талабнома берилётган белги алоҳида ахборот ташувчисида тақдим этилган		
<input type="checkbox"/> ташувчининг тури:		
(550) Белги турига тааллуқли кўрсатмалар:		
<input type="checkbox"/> (511) жамоавий белги	<input type="checkbox"/> (556) товушли белги	
<input type="checkbox"/> (554) уч ўлчамли (ҳажмли) белги	<input type="checkbox"/> (557) ҳидли белги	
<input type="checkbox"/> (555) голографик белги		
(561) Белги ёки унинг қисмларининг транслитерацияси:		
(571) Талабнома берилётган белгининг тавсифи <i>(талабнома берилётган белгининг таркибий қисмлари):</i>		
(591) Ранги ёки ранглар уйғунлиги <i>(агар рангли тасвирда бажарилган белгини рўйхатдан ўтказиш сўралса)</i>		

(511) Белгиларни рўйхатдан ўтказиш учун Халқаро товарлар ва хизматлар классификацияси (ТХХК) синфлари бўйича гуруҳланган ва давлат рўйхатидан ўтказиш сўралаётган товарлар ва (ёки) хизматлар:		
Синфи	Товарлар ва (ёки) хизматлар номи	
<i>Агар рўйхат ажратилган графага сизмаса, тўлиқлигича алоҳида варақда талабномага илова кўринишида келтирилади</i>		
Илова қилинган ҳужжатлар рўйхати:	бир нусхадаги варақлар сони	нусхалар сони
<input type="checkbox"/> белгиланган миқдорда бож тўланганлиги ҳақидаги ҳужжат <input type="checkbox"/> талабномада кўрсатилган белгининг тасвири <input type="checkbox"/> товарлар ва хизматлар рўйхати, агар у илова кўринишида келтирилса <input type="checkbox"/> патент вакили ваколатини тасдиқловчи ишонч-нома <input type="checkbox"/> талабномага илова қилинаётган ҳужжатларнинг ўзбек ёки рус тилига таржимаси <input type="checkbox"/> юридик ва (ёки) жисмоний шахслар бирлаш-масининг жамоавий белгидан фойдаланишлари ҳақидаги келишуви <input type="checkbox"/> талабноманинг дастлабки талабномадан аж-ралгани тўғрисидаги илтимоснома <input type="checkbox"/> бошқа ҳужжат (кўрсатилсин) <input type="checkbox"/> илгари рўйхатдан ўтказилган товар белгиси гувоҳномасининг нусхаси		
Имзо		
Талабнома берувчи ёки патент вакилининг имзоси; имзо санаси ( <i>ҳужуқий шахс номидан имзоланганда, раҳбар имзоси муҳр билан тасдиқланади</i> )		

Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш  
белгисини рўйхатдан ўтказиш учун  
талабнома тузиш, топшириш ва кўриб  
чиқиш қоидаларига  
2-ИЛОВА

ЎР ДПИ га келиш санаси		-сонли кириш рақами	
(ЎР ДПИда тўлдирилади)			
<b>ТАЛАБНОМА БЕРУВЧИНИНГ НОМИ ВА ЁКИ МАНЗИЛИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА АРИЗА</b>		Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасига 100047, Тошкент шаҳри, Тўйтепа кўчаси, 2а уй Тел.: (99871) 232-00-13, 232-00-15 Факс: (99871) 233-45-56; E-mail: info@patent.uz	
		Ушбу аризани тақдим этиб, талабнома материалларида талабнома берувчининг номи ва (ёки) манзилига ўзгартиришлар киритишингизни сўрайман	
Талабнома рақами			
Талабнома топширилган сана			
Талабнома берувчи			
Патент вакили ( <i>тўлиқ номи, рўйхатдан ўтган рақами, турар жойи</i> )			
Ёзишмалар учун манзил ( <i>манзил эгасининг тўлиқ почта манзили, исми ёки номланиши</i> )			
Телефон:		Факс:	E-mail:
Ўзгартириш(лар)			
Ўзгартириш керак бўлган маълумотлар:			
Ўзгартирилган маълумотлар:			
<input type="checkbox"/> алоҳида варақдаги иловага қаранг			
Аризага илова(лар)		нусхалар сони	бетлар сони
<input type="checkbox"/> белгиланган миқдордаги патент божи <input type="checkbox"/> тўланганлиги ҳақида ҳужжат <input type="checkbox"/> давом эттириш учун варақлар <input type="checkbox"/> бошқа ҳужжатлар (кўрсатилсин)			
Имзо			
Талабнома берувчининг ёки патент вакилининг имзоси; имзоланиш санаси ( <i>ҳуқуқий шахс номидан имзоланганда раҳбарнинг имзоси муҳр билан тасдиқланади</i> )			

Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш  
белгисини рўйхатдан ўтказиш учун  
талабнома тузиш, топшириш ва кўриб  
чиқиш қоидаларига  
3-ИЛОВА

ЎР ДПИ га келиш санаси		-сонли кириш рақами	
(ЎР ДПИда тўлдирилади)			
<b>ХАТОНИ (ХАТОЛАРНИ) ТУЗАТИШ ҲАҚИДА АРИЗА</b>		Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасига 100047, Тошкент шаҳри, Тўйтепа кўчаси, 2а уй Тел.: (99871) 232-00-13, 232-00-15 Факс: (99871) 233-45-56; E-mail: info@patent.uz	
		Ушбу аризани тақдим этиб, талабнома материалларидаги хатога (хатоларга) тузатиш (лар) киритишингизни сўрайман.	
Талабнома рақами			
Талабнома топширилган сана			
Талабнома берувчи			
Патент вакили <i>(фамилияси, исми, отасининг исми, рўйхатдан ўтган рақами, турар жойи)</i>			
Ёзишмалар учун манзил <i>(тўлиқ почта манзили, нома олувчининг исми ёки номланиши)</i>			
Телефон:		Факс:	E-mail:
Хато(лар) ва тузатиш(лар)			
Тузатилиши керак бўлган маълумотлар  Тузатилган маълумотлар:			
<input type="checkbox"/> алоҳида варақдаги иловага қаранг			
Аризага илова(лар)		нусхалар сони	бетлар сони
<input type="checkbox"/> давом эттириш учун варақлар <input type="checkbox"/> бошқа ҳужжатлар (кўрсатилсин)			
Имзо			
Талабнома берувчининг ёки патент вакилининг имзоси; имзоланиш санаси <i>(ҳуқуқий шахс номидан имзоланганда раҳбарнинг имзоси муҳр билан тасдиқланади)</i>			



Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш  
белгисини рўйхатдан ўтказиш учун  
талабнома тузиш, топшириш ва кўриб  
чиқиш қоидаларига  
4-ИЛОВА

ЎР ДПИ га келиш санаси	-сонли кириш рақами
(ЎР ДПИда тўлдирилади)	
<b>ТАЛАБНОМА БЕРУВЧИНИ ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ЎЗУВЛАРНИ КИРИТИШ ҲАҚИДА АРИЗА</b>	Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасига 100047, Тошкент шаҳри, Тўйтепа кўчаси, 2а уй Тел.: (99871) 232-00-13, 232-00-15 Факс: (99871) 233-45-56; E-mail: info@patent.uz
Ушбу аризани тақдим этиб, талабнома материалларига талабнома берувчини ўзгартириш тўғрисидаги ўзувларни киритишингизни сўрайман.	
Талабнома рақами	
Талабнома топширилган сана	
Талабнома берувчи	
Патент вакили <i>(фамилияси, исми, отасининг исми, рўйхатга олинган рақами, турар жойи)</i>	
Ўзишмалар учун манзил <i>(тўлиқ почта манзили, хат олувчининг тўлиқ исми ёки номланиши)</i>	
Телефон:	Факс:
	E-mail:
Талабнома берувчини ўзгартириш учун асослар:	
<input type="checkbox"/> талабнома берувчини ўзгартириш контракт, шартнома имзоланганлигининг натижаси ҳисобланади; қуйидаги ҳужжатлардан бири тақдим этилади: <ul style="list-style-type: none"> <li><input type="checkbox"/> контракт, шартноманинг тасдиқланган нусхаси</li> <li><input type="checkbox"/> контракт, шартномадан тасдиқланган кўчирма</li> <li><input type="checkbox"/> ҳуқуқларни ўтказиш ҳақидаги ҳужжат</li> </ul>	
<input type="checkbox"/> талабнома берувчининг ўзгариши қайта ташкил қилиниш натижаси ҳисобланади; қайта ташкил қилишни тасдиқловчи қуйидаги ҳужжатлардан бирининг аслига асосан тасдиқланган ҳужжат нусхаси илова қилинади: <ul style="list-style-type: none"> <li><input type="checkbox"/> савдо реестридан кўчирма</li> <li><input type="checkbox"/> давлат органи томонидан берилган бошқа ҳужжат</li> </ul>	
<input type="checkbox"/> талабнома берувчининг ўзгариши контракт, шартнома имзоланганлиги ёки қайта ташкил қилиниши натижаси ҳисобланмайди <ul style="list-style-type: none"> <li><input type="checkbox"/> шундай ўзгаришни исботловчи ҳужжатнинг асл нусхаси мавжудлигини тасдиқлаб имзоланган нусхаси тақдим этилади</li> </ul>	

Янги талабнома берувчи		
Талабнома берувчининг почта манзили		
Телефон:	Факс:	E-mail:
Ёзишмалар учун манзил <i>(тўлиқ почта манзили, хат олувчининг тўлиқ исми ёки номланиши)</i>		
Телефон:	Факс:	E-mail:
Патент вакили <i>(фамилияси, исми, отасининг исми, рўйхатдан ўтган рақами, турар жойи)</i>		
Аризага илова(лар)	нусхалар сони	варақлар сони
<input type="checkbox"/> белгиланган миқдорда бож тўланганлиги ҳақидаги ҳужжат		
<input type="checkbox"/> давом эттириш учун варақлар		
<input type="checkbox"/> бошқа ҳужжатлар (кўрсатилсин)		
Имзо ва муҳр		
Дастлабки талабнома берувчи:	Имзо билан тасдиқланган сана:	
Янги талабнома берувчи:	Имзо билан тасдиқланган сана:	
Патент вакили:	Имзо билан тасдиқланган сана:	

Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш  
белгисини рўйхатдан ўтказиш учун  
талабнома тузиш, топшириш ва кўриб  
чиқиш қоидаларига  
5-ИЛОВА

ЎР ДПИ га келиш санаси	-сонли кириш рақами
(ЎР ДПИда тўлдирилади)	
<b>ТОВАР БЕЛГИСINI РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ УЧУН ТАЛАБНОМАГА ҲУҚУҚНИ ТОПШИРИШ ҲАҚИДАГИ ҲУЖЖАТ</b>	Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасига 100047, Тошкент шаҳри, Тўйтепа кўчаси, 2а уй Тел.: (99871) 232-00-13, 232-00-15 Факс: (99871) 233-45-56; E-mail: info@patent.uz
Талабнома рақами №	
Талабнома топширилган сана	
Қуйида имзо чекиб ҳуқуқ топшираётган шахс қуйида ҳуқуқни олиб имзо чеккан шахсга Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасига товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун топширилган Талабномага ҳуқуқни топширади.	
Ҳуқуқ топшираётган шахс	
Номи	
Манзили <i>(почта индекси ва мамлакат номи ҳам кўрсатилган ҳолда)</i>	
Телефон:	Факс:
E-mail:	
Ҳуқуқ олаётган шахс	
Номи	
Манзили <i>(почта индекси ва мамлакат номи ҳам кўрсатилган ҳолда)</i>	
Телефон:	Факс:
E-mail:	
Ҳуқуқ топширишга оид, лекин талабнома берувчини ўзгартирилганлиги ҳақидаги қайдни киритиш мақсадлари учун мажбурий бўлмаган қўшимча кўрсатмалар (кўрсатилсин):	
<input type="checkbox"/> давомини алоҳида варақда кўринг	
Имзолар ва муҳрлар	
Ҳуқуқ топшираётган шахс имзоси ва муҳри	Ҳуқуқ олаётган шахс имзоси ва муҳри
Сана	Сана

ЎЗБЕКИСТОН «ЎЗКОММУНХИЗМАТ» АГЕНТЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**354** Туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари ходимларининг меъёрланган сонини белгилаш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
29 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1989*

*(2009 йил 8 августдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 январдаги ПҚ–1045-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларини ободонлаштиришни яхшилаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 4-сон, 22-модда) бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 59-сон «Замонавий архитектура-шаҳарсозлик талабларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 10-11-сонлар, 112-модда) ва 2009 йил 1 апрелдаги 91-сон «Ободонлаштириш ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 14-сон 160 модда) қарорларига мувофиқ Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари ходимларининг меъёрланган сонини белгилаш тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат»  
агентлиги Бош директори**

**У. ХАЛМУХАМЕДОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 16 июнь,  
07-125-сон

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 16 июнь,  
64-сон

Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ва  
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг  
2009 йил 16 июндаги 07-125 ва  
64-сон қарорига  
ИЛОВА

## Туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари ходимларининг меъёрланган сонини белгилаш тўғрисида ЙЎРИҚНОМА

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 январдаги ПҚ–1045-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларини ободонлаштиришни яхшилаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 4-сон, 22-модда) ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 1 апрелдаги 91-сон «Ободонлаштириш ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 14-сон, 160-модда) мувофиқ ободонлаштириш соҳасида ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишда сарфланадиган вақт меъёрлари ва хизмат кўрсатиш ҳудудларидан келиб чиққан ҳолда туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари (кейинги ўринларда бошқармалар деб юригилади) ходимларининг меъёрланган сонини белгилайди.

### І. Умумий қоидалар

1. Мазкур Йўриқномада қуйидаги тушунчалар қўлланилади.

**асосий ишлаб чиқариш ходимлари** — ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этадиган ходимлар (усталар, бригадирлар ва ишчилар);

**бошқариш меъёрлари** — битта раҳбарга бевосита бўйсунадиган ходимларнинг оптимал сони;

**бошқарув ходимлари** — фармойиш бериш функцияси, ходимларга раҳбарлик қилиш, тегишли қарорларни қабул қилиш, лойиҳалаш жараёнларини назорат қилиш ва тартибга солиш ишларини бажарувчи ходимлар;

**ёрдамчи ходимлар** — техник ва хизмат кўрсатувчи (бошқарув ва асосий ишлаб чиқариш ходимлари фаолиятини таъминловчи) ходимлар;

**муҳандис-техник ходимлар** — бошқарув ходимларининг бир қисми бўлиб, муҳандислик-техник таъминот (жумладан лойиҳалаш, муҳандислик-техник ҳужжатларни тайёрлаш, технологик жараёнларни ташкил этиш, смета ҳужжатларини тайёрлаш ва бошқалар) ишларини бажарувчи ходимлар;

**намунавий штатлар** — бошқарманинг мақсадлари, вазифалари, функциялари ва ишлаб чиқариш дастурларини бажариш учун зарур бўлган доимий ходимлар лавозимларининг рўйхати. Намунавий штатлар асосида штат рўйхати белгиланади.

**техник ходимлар** — бошқарув ходимлари фаолиятини таъминлаш бўйича техник хизмат кўрсатувчи ходимлар;

**хизмат кўрсатиш ходимлари** — бино ва ҳудудларга техник ва хўжалик хизмат ҳамда бошқарув ходимларига транспорт хизматини кўрсатиш, шунингдек бошқарманинг бошқарув ва асосий (ишлаб чиқариш) ходимларига бошқа хизматларни кўрсатувчи ходимлар;

**ходимларнинг меъёрланган сони** — ҳар бир иш турини бажариш учун зарур бўлган вақт меъёрларини ҳисобга олган ҳолда бошқарманинг аниқ мақсадлари, вазифалари ва функцияларини амалга ошириш учун зарур бўлган маълум касбий-малакали ходимларнинг белгиланган сони;

**штат рўйхати** — намунавий штатлар асосида ишлаб чиқилган, бошқарма раҳбари томонидан тасдиқланадиган, доимий ходимларнинг номи бир хил лавозимлар сони ва маошларининг миқдори кўрсатилган рўйхат.

2. Бошқармалар ходимларининг умумий сони календарь йил давомида бажариладиган ишлар рўйхати ва ҳажмларига мувофиқ уларни бажариш учун сарфланадиган вақт меъёрларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

3. Ҳар бир бошқармалар бўйича ходимлар штати рўйхати қонунчиликда белгиланган тартибда молия идораларида рўйхатга олиниши шарт.

4. Бошқармалар ходимларини сақлаб туриш, белгиланган тартибда тасдиқланган харажатлар сметаси доирасида амалга оширилиб, таркибига қуйидагилар киради:

иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар ва рағбатлантириш тарзидаги тўловлар;

хизмат сафари харажатлари;

бошқа харажатлар (аниқ кўрсатилган ва асосланган).

## **II. Бошқарув ва муҳандис-техник ходимларининг меъёрланган сонини аниқлаш**

5. Бошқарув ва муҳандис-техник ходимларининг меъёрланган сонини аниқлашда қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур:

а) бошқариш меъёрлари.

Бошқаришнинг оптимал меъёрлари қуйидагилардан иборат:

бошқарма раҳбарлари учун — 3 — 5 та тузилмавий бўлинмалар;

тузилмавий бўлинмалар (мустақил бўлим ёки хизмат) раҳбарлари учун — бошқарув ходимлари ва муҳандис-техник ходимлардан иборат 4 — 9 та бўйсунадиган ходимлар;

б) бошқармаларнинг тузилмавий бўлинмаси зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларнинг сони ва мураккаблиги;

в) бошқарма фаолиятини белгилайдиган бошқа ўзига хос факторлар.

6. Бошқарув ва муҳандис-техник ходимларининг меъёрланган сони мазкур Йўриқноманинг I-иловасига мувофиқ белгиланади.

Бошқармаларда мавжуд иш ҳажмларидан келиб чиққан ҳолда бошқарув ва муҳандис-техник ходимларининг меъёрланган сони мазкур Йўриқ-

номанинг 1-иловасида кўрсатилган ходимлар сонидан ҳам камроқ этиб белгиланиши мумкин.

7. Бўлим, хизмат, участка бошлиғи лавозимлари жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланадиган бошқарманинг ташкилий тузилмасидан келиб чиққан ҳолда жорий этилади.

8. Бош мутахассислар, етакчи мутахассислар ва мутахассисларнинг аниқ лавозимлари бошқарманинг тегишли тузилмавий бўлинмаларининг ўзига хос вазифалари ва функцияларидан келиб чиқиб, бошқарма раҳбари томонидан жорий этилади.

9. Ҳар бир бошқармада «Хавфсизлик техникаси бўйича муҳандис» — мутахассис лавозими жорий этилиши шарт.

10. Ходимларнинг умумий сони 200 бирликдан кам бўлган бошқармаларда «Ходимлар бўлими бошлиғи» лавозими ўрнига мутахассислар тоифасига тенглаштирилган «Ходимлар бўйича назоратчи» лавозими жорий этилади.

11. Бошқармаларда «Моддий бухгалтер» ва «Ҳисоб-китоблар бўйича бухгалтер» лавозимлари қуйидагиларга ривож этилган ҳолда жорий этилади: ходимларнинг умумий сони (штати) 300 бирликкача бўлган бошқармаларда — 1 та бирлик;

ходимларнинг умумий сони (штати) 300 бирликдан ортиқ бўлган бошқармаларда — 2 та бирлик.

12. Ҳар бир бошқарув ва муҳандис-техник ходимлари лавозимлари учун бошқарма раҳбари томонидан, бириктирилган хизмат кўрсатиш зонасидан келиб чиққан ҳолда тегишли лавозим мажбуриятлари ва малака талаблари тасдиқланади.

### **III. Асосий ишлаб чиқариш ходимларининг меъёрланган сонини аниқлаш**

#### **1-§. Умумий қоидалар**

13. Асосий ишлаб чиқариш ходимларининг меъёрланган сони қуйидагилардан келиб чиққан ҳолда аниқланади:

базариладиган ишларнинг даврийлигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг рўйхати ва ҳажмлари;

ҳар бир иш турига сарфланадиган меҳнат (бунда, ушбу ишларга ва шахсий эҳтиёжларга сарфланадиган вақт (ишларни бажаришда меъёрий вақтнинг 3%), дам олиш вақти, шу жумладан меҳнат таътили (6%) ва вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик вақти (3%) инobatга олиниши зарур);

транспорт ва бошқа техник воситаларига хизмат кўрсатиш меъёрлари.

#### **2-§. Худудларни тозалаш ишларида банд бўлган асосий ишлаб чиқариш ходимларининг меъёрланган сонини аниқлаш**

14. Худудларни қўлда тозалайдиган 1, 2 ва 3-разрядли тозаловчилар-

нинг меъёрланган сони ишларнинг вақт меъёрлари, меҳнат операциялари ва иш вақтининг йиллик балансидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Худудлар пиёдалар ҳаракатининг интенсивлигидан келиб чиқиб қуйидагича тоифаланади:

биринчи тоифа — 1 соатда 50 кишигача;

иккинчи тоифа — 1 соатда 50 дан 100 кишигача;

учинчи тоифа — 1 соатда 100 кишидан ортиқ.

Пиёдалар ҳаракатининг интенсивлиги, кенглиги 0,75 метр бўлган пиёдалар йўлакчасида эрталаб ва кечкурун энг кўп ҳаракатланиш вақтини (пиёдаларнинг ҳар иккала томонга ҳаракатланишининг йиғиндисини инобатга олган ҳолда) ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

15. Қуйидагилар:

Худудларни супуриш учун ходимларнинг меъёрланган сони мазкур Йўриқноманинг 2-илоvasи 1-жадвалига;

Гранит ва мрамар зинапоялар ҳамда майдончаларни тозалаш учун ходимларнинг меъёрланган сони мазкур Йўриқноманинг 2-илоvasи 2-жадвалига;

Газонни тасодифий ахлатлардан тозалаш учун ходимларнинг меъёрланган сони мазкур Йўриқноманинг 2-илоvasи 3-жадвалига;

Худудларга қўлда шланг ёрдамида сув сепиш учун ходимларнинг меъёрланган сони мазкур Йўриқноманинг 2-илоvasи 4-жадвалига;

Ахлат қутиларини тозалаш ва ювиш учун ходимларнинг меъёрланган сони мазкур Йўриқноманинг 2-илоvasи 5-жадвалига;

Қорни супуриш учун ходимларнинг меъёрланган сони мазкур Йўриқноманинг 2-илоvasи 6-жадвалига;

Қиш вақтида худудларга кум сепиш учун ходимларнинг меъёрланган сони мазкур Йўриқноманинг 2-илоvasи 7-жадвалига;

Худудларни қотиб қолган қор ва муздан тозалаш учун ходимларнинг меъёрланган сони мазкур Йўриқноманинг 2-илоvasи 8-жадвалига;

Йўллар ва сунъий иншоотларни тозалаш учун ходимларнинг меъёрланган сони мазкур Йўриқноманинг 2-илоvasи 9-жадвалига мувофиқ белгиланади.

### **3-§. Санитария жиҳатидан йиғиш ишларида банд бўлган асосий ишлаб чиқариш ходимларининг меъёрланган сонини аниқлаш**

16. Санитария жиҳатидан йиғиш таркибига қуйидагилар киради: каттиқ майший чиқиндиларни вақтинчалик пунктларга йиғиш ва сараб ажратиш;

каттиқ майший чиқиндиларни кузовли ахлат машиналари (самосваллар, бортли юк автомобиллари)га юклаш ва уларни полигонда тушириш;

суяқ ахлатларни цистерналарга тортиб олиш ва уларни белгиланган жойларга тўкиш.

17. Санитария жиҳатидан йиғиш ишларида банд бўлган ходимларнинг



штат бўйича сони ихтисослаштирилган транспорт воситалари (ахлат ташиш машиналари, самосваллар, бортли юк автомобиллари, прицеп ва махсус мосламали тракторлар, автогрейдерлар ва ҳаракатланувчи составнинг бошқа турлари) сонидан келиб чиқиб белгиланади.

18. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг штат бўйича сони, транспорт воситасидан 1,5 смена давомида фойдаланиш шarti билан, ундан йилига 365 кун фойдаланиш ҳамда меҳнат таътилининг чекланган вақти ва ходимнинг вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги (9%) дан келиб чиқиб белгиланади.

Ҳайдовчиларнинг штат бўйича сонини аниқлаш учун мавжуд транспорт воситаларининг сони 1,5 га (транспорт воситасининг ўрнатилган смена иши) кўпайтирилади, ҳосил бўлган сон транспорт воситасидан йил давомида фойдаланиладиган календарь кунлар (365 кун) ва ходимнинг йил давомида нормал шароитларда ишлайдиган кунлари (256 кун) ўртасидаги нисбатини кўрсатадиган коэффициентга бўлинади, бундан ҳосил бўлган сон йиллик иш вақти фондига нисбатан меҳнат таътилида бўлган вақт ва вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик вақти йиғиндиларини (жами 9%) кўрсатадиган коэффициентга кўпайтирилади.

Ҳайдовчиларнинг штат бўйича сони санитария жихатидан йиғиш ишларида фойдаланиладиган барча транспорт воситаларига ҳисобланганда қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$N_b = N_{тс} * 1,5 * (365 : 256) * (1,09) \text{ бунда:}$$

$N_b$  — транспорт воситаларининг штат бўйича сони;

$N_{тс}$  — санитария жихатидан йиғиш ишларида фойдаланиладиган транспорт воситалари сони.

*Масалан, битта транспорт воситасининг нормал ҳолда ишини таъминлаш учун ҳайдовчиларнинг меъёрланган сони 2,29 ни ташкил этади (1 \* 1,5 \* 1,4 \* 1,09.)*

19. Қаттиқ маиший чиқиндиларни юклаш ишларида банд бўлган ходимларнинг штат бўйича сони транспорт воситаларига юклашнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб белгиланади:

контейнер типига ахлат машинасини юклаш (тушириш)да хизмат кўрсатувчи ишчиларнинг сони тегишли транспорт воситасининг ҳайдовчилари сонига тенг бўлиши;

транспорт воситасига қўлда паншаха ёки белкурак билан юклаш (тушириш) ишларини бажаришда хизмат кўрсатувчи ишчилар сонининг икки мартага ошиши (тегишли транспорт воситасининг битта ҳайдовчисига иккита хизмат кўрсатувчи ишчи тўғри келиши зарур).

**4-§. Санитария жиҳатидан тозалаш ишларида банд бўлган асосий ишлаб чиқариш ходимларининг меъёрланган сонини аниқлаш**

20. Санитария жиҳатидан тозалаш таркибига қуйидагилар киради:

а) ёзги тозалаш:

кўча ва майдонларни супуриш-тозалаш машиналари билан тозалаш;

кўча ва майдонларни сув сепиш машиналари билан ювиш ва сув сепиш.

б) қишки тозалаш:

плугли-шеткали қор кураш машиналари билан қорни супуриш ва кураш;

қорни автогрейдер ва бульдозерлар ёрдамида, қор уюмларини ташкил этган ҳолда кураш;

роторли қор тозаловчи машиналар ёрдамида қорни четга суриш, қор юкловчи машиналар ёрдамида, қорни машиналарга юклаган ҳолда чиқариб ташлаш;

йўлнинг ҳаракатланиш қисмига қум-тузли аралашма ёки хлорид сепиш; қотиб қолган қор ва музларни бартараф этиш;

лойқа тортувчи машиналар ёрдамида ёмғир сувини оқизадиган канализация қудуқларидаги тиндиргичларни тозалаш.

21. Санитария жиҳатидан тозалаш ишларида банд бўлган транспорт воситалари ҳайдовчилари (автомобиль ҳайдовчилари, тракторчилар, автогрейдер машинистлари)нинг сони мазкур Йўриқноманинг 18-бандида кўрсатилган усулда, транспорт воситалари бирлиги сонидан келиб чиқиб, ушбу транспорт воситаларидан фойдаланиш кўзда тутилган йил давомидаги чекланган кунлар сонидан келиб чиқиб аниқланади.

*Масалан, қишки йиғиш вақтида тракторли юклаш машинасидан 30 кун давомида фойдаланилса, тракторчиларнинг ҳисобланган сони (трактордан бошқа мақсадларда фойдаланилишини ҳисобга олмаган ҳолда) 0,2 ни ташкил этади  $(1 * 1,5 * (30 : 256) * 1,09)$ .*

22. Лойқа тортувчи машиналар ёрдамида ёмғир сувини оқизадиган канализация қудуқларидаги тиндиргичларни тозалаш ишларида (қудуқ копоқларини очиш-ёпиш, қудуқларни кўрикдан ўтказиш, тортувчи шлангларни қудуққа тушириш, чиқариш ва бошқа ишлар) банд бўлган ходимлар сони мазкур Йўриқноманинг 21-бандида кўрсатилган ҳисоб-китобларга мувофиқ, ихтисослашган транспорт воситалари (қолдиқ тортувчи машиналар) сонидан келиб чиқиб аниқланади.

**5-§. Ирригация ишларида банд бўлган ирригаторларнинг меъёрланган сонини аниқлаш**

23. Ирригация ишларида банд бўлган ходимларнинг меъёрланган сони мазкур Йўриқноманинг 3-илоvasи 1-жадвалида кўрсатилган тупроқ гуруҳи-

ни ҳисобга олган ҳолда, соатига қазиб чиқарилган тупроқ ҳажми ( $m^3$ ) меъёрларидан келиб чиқиб белгиланади.

Ирригация ишларида банд бўлган ходимларнинг меъёрланган сонини аниқлашда, шунингдек шахсий эҳтиёжлар (ишларни бажаришда сарфланадиган чекланган вақтнинг 3%), дам олиш, жумладан меҳнат таътилига ажратилган вақт (6%) ҳамда меҳнатга вақтинчалик лаёқатсизлик даврига (3%) мўлжалланган вақтлар ҳисобга олинади.

Ходимларнинг меъёрланган сонини, аввалги йиллардаги ўртача иш ҳажмларидан келиб чиққан ҳолда белгилаш учун жорий йилга белгиланган иш ҳажмлари режаси аниқланиши зарур. Бунда, барча турдаги ирригация ишлари ҳисобга олинади.

#### 24. Қўйидагилар:

Қопламаси бўлмаган 1 метр чуқурликдаги ариқларни чўкиндилардан тозалаш ва ўсимликларни юлиб ташлаш ишларини 2, 3 ва 4-разрядли ишчи-ирригаторлар томонидан бажариш учун ходимларнинг меъёрланган сони мазкур Йўриқноманинг 3-илоvasи 2-жадвалига;

Лотокли суғориш тизимини чўкиндилардан қўлда тозалаш ишларини 2, 3 ва 4-разрядли ишчи-ирригаторлар томонидан бажариш учун ходимларнинг меъёрланган сони мазкур Йўриқноманинг 3-илоvasи 3-жадвалига;

10 метр чуқурликдаги дюкер қудуқларини чўкиндилардан қўлда тозалаш ишларини 2, 3 ва 4-разрядли ишчи-ирригаторлар томонидан (ишлар 4 та ходимдан иборат звено томонидан бажарилади) бажариш учун ходимларнинг меъёрланган сони мазкур Йўриқноманинг 3-илоvasи 4-жадвалига;

Дюкер қувурини 2, 3 ва 4-разрядли ишчи-ирригаторлар томонидан чўкиндилардан қўлда тозалаш ишларини бажариш (ишлар 4 ходимдан иборат звено томонидан бажарилади) учун ходимларнинг меъёрланган сони мазкур Йўриқноманинг 3-илоvasи 5-жадвалига;

Узунлиги 10 метр бўлган қувурсимон кўприкчаларни 2, 3 ва 4-разрядли ишчи-ирригаторлар томонидан чўкиндилардан тозалаш ишларини бажариш учун ходимларнинг меъёрланган сони мазкур Йўриқноманинг 3-илоvasи 6-жадвалига;

Тупроқни қўлда қазиш, тупроқни юклаш ва тушириш ишларини 2, 3 ва 4-разрядли ишчи-ирригаторлар томонидан бажариш учун ходимларнинг меъёрланган сони мазкур Йўриқноманинг 3-илоvasи 7-жадвалига;

Ирригация тармоқларини майда таъмирлаш ишларини 2, 3 ва 4-разрядли ишчи-ирригаторлар томонидан бажариш учун ходимларнинг меъёрланган сони мазкур Йўриқноманинг 3-илоvasи 8-жадвалига мувофиқ белгиланади.

### **6-§. Кўкаламзорлаштириш ишларида банд бўлган кўкаламзорлаштириш хўжалиги ходимларининг меъёрланган сонини аниқлаш**

25. Кўкаламзорлаштириш ишларида банд бўлган кўкаламзорлаштириш хўжалиги ходимларининг меъёрланган сони шаҳарлар ва аҳоли яшаш пункт-

ларини кўкаламзорлаштириш ишларини бажаришда вақт (ишлаб чиқариш) меъёрларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Кўкаламзорлаштириш хўжалиги ходимларининг меъёрланган сонини аниқлашда дам олиш вақти, шу жумладан меҳнат таътили (6%) ва ҳисобланган вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик даври (3%) ҳисобга олинади.

26. Кўкаламзорлаштириш ишларида банд бўлган 2, 3 ва 4-разрядли кўкаламзорлаштирувчи (яшил хўжалик ишчи)лари томонидан ўсимликлар (кўчатлар)ни экиш ва уларни парвариш қилиш учун ходимларнинг меъёрланган сони мазкур Йўриқноманинг 4-иловасига мувофиқ белгиланади.

27. Кўкаламзорлаштириш ишларини бажаришда банд бўлган транспорт воситалари ҳайдовчилари сонини аниқлаш мазкур Йўриқноманинг 18-бандига мувофиқ амалга оширилади.

#### **IV. Асосий ишлаб чиқариш ходимларининг алоҳида лавозимларини жорий этиш шартлари**

28. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 1 апрелдаги 91-сон «Ободонлаштириш ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ асосий ишлаб чиқариш ходимларининг мазкур Йўриқноманинг 1-иловасида кўрсатиб ўтилган лавозимларидан ташқари бошқармаларда зарур ҳолларда мазкур Йўриқноманинг 5-иловасига мувофиқ асосий ишлаб чиқариш ходимларининг алоҳида лавозимлари киритилиши мумкин.

#### **V. Ёрдамчи ходимлар сонини аниқлаш**

29. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2003 йил 22 сентябрдаги «Ходимлар сонини тартибга солиш ва бошқарув таркибини таъминлаш учун харажатларни мақбуллаш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 58 ва 116-сонли қарори (рўйхат рақами 1288, 2003 йил 9 декабрь) билан тасдиқланган Қўлланмага ҳамда мазкур Йўриқноманинг 1-иловасига мувофиқ бошқарув ходимларининг меъёрланган сони 50 дан кам этиб белгиланган ҳолларда, бошқарув ва ёрдамчи ходимларнинг бир-бирига нисбати битта бирлик бошқарув ходими учун 0,39 бирлик ёрдамчи ходимга тенг бўлади.

Ёрдамчи ходимларнинг сони қуйидаги формулага мувофиқ белгиланади:

$$N_{вс} = N_{уп} * 0,39 \text{ бунда:}$$

$N_{вс}$  — ёрдамчи ходимларнинг меъёрланган сони;

$N_{уп}$  — бошқарув ходимларининг сони;

0,39 — бошқарув ва ёрдамчи ходимларнинг белгиланган меъёрланган сони нисбатини кўрсатувчи коэффициент.

30. Ёрдамчи ходимлар лавозимларининг номлари Ўзбекистон Республи-

каси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2003 йил 22 сентябрдаги «Ходимлар сонини тартибга солиш ва бошқарув таркибини таъминлаш учун харажатларни мақбуллаш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 58 ва 116-сонли қарори (рўйхат рақами 1288, 2003 йил 9 декабрь) билан тасдиқланган Қўлланманинг 1-иловасига мувофиқ белгиланади.

## VI. Яқуний қоида

31. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишилган.

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири в.б.*

**А. ХАЙТОВ**

2009 йил 15 июнь

Туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари ходимларининг меъёрланган сонини белгилаш тўғрисидаги йўриқномага  
1-ИЛОВА

### Бошқарув ва муҳандис-техник ходимларнинг меъёрланган сони

Бошқарув ходимлари ва муҳандис-техник ходимлар лавозим номлари	Бошқарма бўйича бирлик сони	
	Биринчи гуруҳ	Иккинчи гуруҳ
Тошкент шаҳри, Нукус шаҳри, вилоят марказлари ва Тошкент шаҳри туманлари ободонлаштириш бошқармалари	Тошкент шаҳри, Нукус шаҳри, вилоят марказлари ва Тошкент шаҳри туманлари ободонлаштириш бошқармалари	Шаҳарлар ва туманлар ободонлаштириш бошқармалари
Бошқарма бошлиғи	1	1
Бошқарма бошлиғининг ўринбосари	1	0
Бош муҳандис	1	1
Ихтисослаштирилган бошқарма, бўлим (кадрлар бўлиmidан ташқари), хизмат, участка бошлиғи	4-5	3-4
Бош бухгалтер	1	1
Бош иқтисодчи, бош агроном, бош механик	6	5
шу жумладан бош механик	50 дан ортиқ техника бирлиги мавжуд ҳолларда	
Етакчи мутахассислар: муҳандис (барча мутахассисликлар бўйича), агроном, иқтисодчи, бухгалтер, механик	7	6
Мутахассислар: муҳандислар ва техниклар (барча мутахассисликлар бўйича), агроном, иқтисодчи, бухгалтер, механик, диспетчер, безакчи рассом	10	8

Бошқарув ходимлари ва муҳандис-техник ходимлар лавозим номлари	Бошқарма бўйича бирлик сони	
	Биринчи гуруҳ	Иккинчи гуруҳ
	Тошкент шаҳри, Нукус шаҳри, вилоят марказлари ва Тошкент шаҳри туманлари ободонлаштириш бошқармалари	Шаҳарлар ва туманлар ободонлаштириш бошқармалари
шу жумладан агроном	10 га кўкаламзорлаштириладиган ер майдонига 1 та бирлик	
Кадрлар бўлими бошлиғи	1	1
Жами меъёрланган сони	33	27

Туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари ходимларининг меъёрланган сонини белгилаш тўғрисидаги йўриқномага  
2-ИЛОВА

### Худудларни супуриш учун ходимларнинг меъёрланган сони

1-жадвал

Худуд тоифаси ва қоплама тури	Ҳар 1000 м <sup>2</sup> майдонга нисбатан вақт меъёрлари (дақиқада)	Беш кунлик иш ҳафтаси ўрнатилганда ўртача йиллик даврийлик (баҳор, ёз, куз) (марта ҳисобда)	Ҳар 1000 м <sup>2</sup> майдонга йил давомида сарфланадиган вақт (соатда)	Ҳар 1000 м <sup>2</sup> майдонга йилига белгиланган ходимларнинг меъёрланган сони
<b>Биринчи тоифа</b>				
такомиллаштирилган қоплама	100,1	110	183,5	0,09
такомиллаштирилмаган қоплама	134,4	221	495	0,24
қопламасиз	156,8	442	1155	0,56
<b>Иккинчи тоифа</b>				
такомиллаштирилган қоплама	112	110	205,3	0,1
такомиллаштирилмаган қоплама	168	221	618,8	0,3
қопламасиз	212,8	442	1567,6	0,77
<b>Учинчи тоифа</b>				
такомиллаштирилган қоплама	168	110	308	0,15
такомиллаштирилмаган қоплама	224	221	825,1	0,40
қопламасиз	235,2	442	1732,6	0,85

Мазкур жадвалда худудларни супуришда ходимларнинг меъёрланган сони ахлатни белгиланган жойгача транспортировка қилишни ҳисобга олган ҳолда бир йилда 1000 м<sup>2</sup> майдонни супуришга сарфланадиган вақтдан келиб чиқиб ҳисобланган.

Худудни супуришда банд бўлган ходимларнинг, талаб этиладиган штат бирлигини аниқлашда, ҳақиқатда супуриладиган майдон м<sup>2</sup> да, худуд тоифалари ва қоплама турларига кўра алоҳида аниқланади.

Супуриладиган худуднинг ҳақиқий майдони 1000 га бўлинади ва ҳосил

бўлган сон супуриладиган 1000 м<sup>2</sup> майдонни супуриш учун зарур бўлган ходимларнинг меъёрланган сонига кўпайтирилади.

*Масалан, шаҳар типигаги посёлкада биринчи тоифа такомиллаштирилмаган қопламали, супуриладиган майдон 3500 м<sup>2</sup> ни ташкил этса, қопламасиз майдон 2300 м<sup>2</sup> ни ташкил этади. Бунда, бир йилда талаб этиладиган ходимларнинг сони 2,13 кишини ташкил этади (3500 : 1000 \* 0,24) + (2300 : 1000 \* 0,56).*

### Гранит ва мрамор зинапоялар ҳамда майдончаларни тозалаш учун ходимларнинг меъёрланган сони

2-жадвал

Ишлар тури	Ҳар 1000 м <sup>2</sup> майдонга нисбатан вақт меъёрлари (дақиқада)	Беш кунлик иш ҳафтаси ўрнатилганда ўртача йиллик даврийлик (марта ҳисобда)	Ҳар 1000 м <sup>2</sup> майдонга йил давомида сарфланадиган вақт (соатда)	Ҳар 1000 м <sup>2</sup> майдонга йилига белгиланган ходимларнинг меъёрланган сони
Супуриш	171,4	52	148,5	0,07
Қор қураш	926,2	30	463,1	0,23
Ювиш	1702,4	52	1475,4	0,72
Жами барча иш турларига кўра				1,02

Гранит ва мрамор зинапояларни тозалашда банд бўлган ходимларнинг штат бирлиги бўйича сонини аниқлаш учун барча уч турдаги ишлардаги меъёрланган сон йиғиндиси ҳисобланади.

Гранит ва мрамор зинапояларни тозалаш операцияларини бажариш учун зарур бўлган ходимлар сони, зинапояларнинг ҳақиқий майдони 1000 га бўлинади ва ҳосил бўлган сон белгиланган меъёрланган сонга кўпайтирилади.

*Масалан, шаҳар типигаги посёлкада мрамор зинапоялар ва майдончаларнинг майдони 1850 м<sup>2</sup>. Ҳар йили зарур бўлган ходимларнинг сони 1,90 кишини ташкил этади. (1850 : 1000 \* 1,02).*

### Газонни тасодифий ахлатлардан тозалаш учун ходимларнинг меъёрланган сони

3-жадвал

Ишлар тури	Ҳар 1000 м <sup>2</sup> майдонга нисбатан вақт меъёрлари, (дақиқада)	Беш кунлик иш ҳафтаси ўрнатилганда ўртача йиллик даврийлик, (марта ҳисобда)	Ҳар 1000 м <sup>2</sup> майдонга йил давомида сарфланадиган вақт (соатда)	Ҳар 1000 м <sup>2</sup> майдонга йилига белгиланган ходимларнинг меъёрланган сони
Газонни қўлда тозалаш	100,8	32	53,8	0,03

**Худудларга қўлда шланг ёрдамида сув сепиш учун  
ходимларнинг меъёрланган сони**

4-жадвал

Худудлар тоифаси	Ҳар 1000 м <sup>2</sup> майдонга нисбатан вақт меъёрлари (дақиқада)	Беш кунлик иш ҳафтаси ўрнатилганда ўртача йиллик даврийлик (баҳор, ёз, куз) (марта ҳисобда)	Ҳар 1000 м <sup>2</sup> майдонга йил давомида сарфланадиган вақт (соатда)	Ҳар 1000 м <sup>2</sup> майдонга йилига белгиланган ходимларнинг меъёрланган сони
Биринчи тоифа	44,8	24	17,9	0,01
Иккинчи тоифа	78,4	24	31,4	0,015
Учинчи тоифа	89,6	24	35,8	0,018

**Ахлат қутиларини тозалаш ва ювиш учун ходимларнинг  
меъёрланган сони**

5-жадвал

Ишлар тури	Ҳар 100 та қути учун ўрнатилган вақт меъёрлари (дақиқада)	Беш кунлик иш ҳафтаси ўрнатилганда ўртача йиллик даврийлик (марта ҳисобда)	Ҳар 100 та қути учун йил давомида сарфланадиган вақт (соатда)	Ҳар 100 та қути учун йилига белгиланган ходимларнинг меъёрланган сони
Қутини ахлатдан тозалаш	262,1	260	1135,7	0,55
Қутини ювиш	317	52	274,7	0,13
Жами барча турдаги ишлар бўйича				0,68

**Қорни супуриш учун ходимларнинг меъёрланган сони**

6-жадвал

Худудлар тоифаси	Ҳар 1000 м <sup>2</sup> майдонга нисбатан вақт меъёрлари (дақиқада)	Беш кунлик иш ҳафтаси ўрнатилганда ўртача йиллик даврийлик (марта ҳисобда)	Ҳар 1000 м <sup>2</sup> майдонга йил давомида сарфланадиган вақт (соатда)	Ҳар 1000 м <sup>2</sup> майдонга йилига белгиланган ходимларнинг меъёрланган сони
Биринчи тоифа	134,4	60	134,4	0,06
Иккинчи тоифа	156,8	90	235,2	0,12
Учинчи тоифа	190,4	180	571,2	0,28

Қор супуриш ишларида банд бўлган ходимларнинг штат бўйича сонини аниқлаш учун, ҳақиқатда супуриладиган майдон ҳудуд тоифаларига кўра алоҳида м<sup>2</sup> ларда аниқланади.

Бунда, ҳар бир қор супуриладиган ҳудуд тоифасининг ҳақиқий майдони 1000 га бўлинади ва ҳосил бўлган сон 1000 м<sup>2</sup> супуриладиган майдон учун зарур бўлган ходимларнинг меъёрланган сонига кўпайтирилади.



**Қиш вақтида ҳудудларга қум сепиш учун ходимларнинг  
меъёрланган сони**

7-жадвал

Ҳудудлар тоифаси	Ҳар 1000 м <sup>2</sup> майдонга нисбатан вақт меъёрлари (дақиқада)	Беш кунлик иш ҳафтаси ўрнатилганда ўртача йиллик даврийлик (марта ҳисобда)	Ҳар 1000 м <sup>2</sup> майдонга йил давомида сарфланадиган вақт (соатда)	Ҳар 1000 м <sup>2</sup> майдонга йилига белгиланган ходимларнинг меъёрланган сони
Биринчи тоифа (қум сепиш)	156,8	13	33,9	0,015
Иккинчи тоифа (қум сепиш)	179,2	13	38,8	0,02
Учинчи тоифа (қум сепиш)	201,6	13	43,7	0,022
Қум тайёрлаш (транспортировка қилиш, элаш)	125,8	13	27,3	0,015

Қум тайёрлаш учун сарфланадиган вақт ва ходимларнинг меъёрланган сони 1000 м<sup>2</sup> га тенг майдонга қум сепиш ишларига сарфланадиган вақтга қўшилади.

**Ҳудудларни қотиб қолган қор ва муздан тозалаш учун  
ходимларнинг меъёрланган сони**

8-жадвал

Ҳудудлар тоифаси	Ҳар 1000 м <sup>2</sup> майдонга нисбатан вақт меъёрлари (дақиқада)	Беш кунлик иш ҳафтаси ўрнатилганда ўртача йиллик даврийлик (марта ҳисобда)	Ҳар 1000 м <sup>2</sup> майдонга йил давомида сарфланадиган вақт (соатда)	Ҳар 1000 м <sup>2</sup> майдонга йилига белгиланган ходимларнинг меъёрланган сони
Биринчи тоифа	6809,6	10	1134,9	0,56
Иккинчи тоифа	7604,8	10	1267,5	0,62
Учинчи тоифа	8859,2	10	1476,5	0,72

**Йўллар ва сунъий иншоотларни тозалаш учун ходимларнинг  
меъёрланган сони**

9-жадвал

Ишлар тури	Ҳар 1000 м <sup>2</sup> майдонга нисбатан вақт меъёрлари (дақиқада)	Ўртача йиллик даврийлик (марта ҳисобда)	Ҳар 1000 м <sup>2</sup> майдонга йил давомида сарфланадиган вақт (соатда)	Ҳар 1000 м <sup>2</sup> майдонга йилига белгиланган ходимларнинг меъёрланган сони
Машиналар ҳаракатининг интенсивлиги қуйидагича бўлган йўллар, пидедалар йўлакчалари, йўл чеккалари, сунъий иншоотларни супуриш:				
соатига 1500 тагача	291,2	290	1407,5	0,69
соатига 1500 дан ортиқ	403,2	290	1948,8	0,95

Ишлар тури	Ҳар 1000 м <sup>2</sup> майдонга нисбатан вақт меъёрлари (дақиқада)	Ўртача йиллик даврийлик (марта ҳисобда)	Ҳар 1000 м <sup>2</sup> майдонга йил давомида сарфланадиган вақт (соатда)	Ҳар 1000 м <sup>2</sup> майдонга йилига белгиланган ходимларнинг меъёрланган сони
Пиёдалар ҳаракатланиши интенсивлиги қуйидагича бўлган, турар уйларга туташмаган пиёдалар йўлакчаларини суғуриш:				
соатига 500 кишигача	145,6	290	703,7	0,35
соатига 500 кишидан ортиқ	179,2	290	866,1	0,42
Зинапоя майдончаларини суғуриш	918,4	290	4438,9	2,17
Темир-бетон плиталар орасидаги ўсган ўтларни тозалаш	1243,2	7	145,1	0,07
Йўл чеккалари ва бордюларни чанг ва ифлосланишдан тозалаш	302,4	12	60,5	0,03
Мармар қопламани намли артиш	806,4	290	3897,6	1,91
Мармар қопламани ювувчи воситалар билан ювиш	2587,2	4	172,5	0,08
Мармар қопламаларни шланг ёрдамида ювиш	86,2	8	11,5	0,01
Бекатларни чанг ва ифлосланишдан тозалаш	1960	290	9473,3	4,6

Туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари ходимларининг меъёрланган сонини белгилаш тўғрисидаги йўриқномага  
3-ИЛОВА

### Тупроқ гуруҳи

1-жадвал

Т/р	Юмшатиш усули	Тупроқ гуруҳи
1.	Белкуракларда	I
2.	Киркалардан тез-тез фойдаланган ҳолда белкуракларда	II
3.	Киркаларда, шунингдек қисман ломлар ёки пневматик синдирувчи болгалар ёрдамида	III

**Қопламаси бўлмаган 1 метр чуқурликдаги ариқларни  
чўкиндилардан тозалаш ва ўсимликларни юлиб ташлаш  
ишларини 2, 3 ва 4-разрядли ишчи-ирригаторлар томонидан  
бажариш учун ходимларнинг меъёрланган сони**

2-жадвал

Тупроқ гуруҳи	Ҳар 1 м <sup>3</sup> учун вақт меъёри (дақиқада)	Беш кунлик иш ҳафтаси ўрнатилганда битта ходим учун бир йилга белгиланган меъёр (м <sup>3</sup> да)	Бир йилда 1000 м <sup>3</sup> тупроқ қазиш ишларини бажариш учун талаб этиладиган ходимларнинг меъёрланган сони
I	229,8	532,9	1,88
II	262,1	467,2	2,14
III	301,1	406,7	2,46

Қопламасиз ариқларнинг чуқурлиги 0,5 метрдан кам бўлган ҳолларда бир йилда 1000 м<sup>3</sup> ер қазиш ишларини бажариш учун талаб этиладиган ходимларнинг меъёрланган сонига нисбатан 0,8 миқдордаги камайтириш коэффициенти, ариқ чуқурлиги бир метрдан ортиқ бўлган ҳолларда эса 1,1 миқдордаги кўпайтириш коэффициенти қўлланилади.

**Лотокли суғориш тизимини чўкиндилардан қўлда тозалаш  
ишларини 2, 3 ва 4-разрядли ишчи-ирригаторлар томонидан  
бажариш учун ходимларнинг меъёрланган сони**

3-жадвал

Тупроқ гуруҳи	Ҳар 1 м <sup>3</sup> учун вақт меъёри (дақиқада)	Беш кунлик иш ҳафтаси ўрнатилганда битта ходим учун бир йилга белгиланган меъёр (м <sup>3</sup> да)	Бир йилда 1000 м <sup>3</sup> тупроқ қазиш ишларини бажариш учун талаб этиладиган ходимларнинг меъёрланган сони
I	114,2	1072,3	0,93
II	141,1	867,9	1,15
III	201,6	607,4	1,65

**10 метр чуқурликдаги дюкер қудуқларини чўкиндилардан  
қўлда тозалаш ишларини 2, 3 ва 4-разрядли ишчи-  
ирригаторлар томонидан (ишлар 4 та ходимдан иборат  
звено томонидан бажарилади) бажариш учун  
ходимларнинг меъёрланган сони**

4-жадвал

Чўкинди- ларнинг қалинлиги (метрда)	Ҳар 1 м <sup>3</sup> учун вақт меъёри (дақиқада)	Беш кунлик иш ҳафтаси ўрнатилганда битта ходим учун бир йилга белгиланган меъёр (м <sup>3</sup> да)	Бир йилда 1000 м <sup>3</sup> қуйқаларни чиқариб ташлаш ишларини бажариш учун талаб этиладиган ходимлар- нинг меъёрланган сони
0,5 гача	1088,6	112,5	8,9
0,5-0,8	1149,1	106,6	9,4
0,8-1,1	1276,8	95,9	10,4
1,1 – 1,4	1397,8	87,6	11,4
1,4-1,7	1518,7	80,6	12,4
1,7-2,0	1639,7	74,7	13,4

Дюкер қудуғининг чуқурлиги 10 метрдан кам бўлган ҳолларда ҳар бир метр учун ходимлар сонининг меъёри 5 % га камаюди. Қудуқ чуқурлиги 10 метрдан ортиқ ҳолларда ҳар бир метр учун ходимларнинг меъёрланган сони 20% га ошади.

*Масалан, дюкер қудуғининг чуқурлиги 12 метрни ташкил этган ҳолда 1000 м<sup>2</sup> чўкиндиларни чиқариб ташлаш учун талаб этиладиган ходимларнинг меъёрланган сони йилига 18,8 кишини ташкил этади (13,4 \* 40%).*

Ушбу меъёрларда дюкер қудуқларини тозалаш бўйича барча ишлар, жумладан асбоб-ускуналарни тайёрлаш ишлари ҳисобга олинган.

**Дюкер қувурини 2,3 ва 4-разрядли ишчи-ирригаторлар  
томонидан чўкиндилардан қўлда тозалаш ишларини бажариш  
(ишлар 4 ходимдан иборат звено томонидан бажарилади) учун  
ходимларнинг меъёрланган сони**

5-жадвал

Дюкер қувури диаметри (метрда)	Ҳар 1 м <sup>3</sup> учун вақт меъёри (дақиқада)	Беш кунлик иш ҳафтаси ўрнатилганда битта ходим учун бир йилга белгиланган меъёр (м <sup>3</sup> да)	Бир йилда 1000 м <sup>3</sup> қуйқаларни чиқариб ташлаш ишларини бажариш учун талаб этиладиган ходимлар- нинг меъёрланган сони
1,0	799,7	153,1	6,53
0,8	887,0	138,1	7,24
0,5	1014,7	120,7	8,3

10 метрдан ошган ҳар бир метр учун ходимларнинг меъёрланган сонига нисбатан 1,2 коэффициенти қўлланилади.

**Узунлиги 10 метр бўлган қувурсимон кўприкчаларни  
2, 3 ва 4-разрядли ишчи-ирригаторлар томонидан  
чўкиндилардан тозалаш ишларини бажариш учун  
ходимларнинг меъёрланган сони**

6-жадвал

Кувур диаметри (метрда)	Ҳар 1 м <sup>3</sup> учун вақт меъёри (дақиқада)	Беш кунлик иш ҳафтаси ўрнатилганда битта ходим учун бир йилга белгиланган меъёр (м <sup>3</sup> да)	Бир йилда 1000 м <sup>3</sup> қуйқаларни чиқариб ташлаш ишларини бажариш учун талаб этиладиган ходимларнинг меъёрланган сони
250	302,4	404,9	2,45
350	255,4	479,5	2,1
500	228,5	535,9	1,87

10 метрдан ошган ҳар бир метр учун ходимларнинг меъёрланган сонига нисбатан 1,2 коэффициенти қўлланилади.

**Тупроқни қўлда қазिश, тупроқни юклаш ва тушириш  
ишларини 2, 3 ва 4-разрядли ишчи-ирригаторлар томонидан  
бажариш учун ходимларнинг меъёрланган сони**

7-жадвал

Тупроқ гуруҳи, автомобиль тури	Ҳар 1 м <sup>3</sup> учун вақт меъёри (дақиқада)	Беш кунлик иш ҳафтаси ўрнатилганда битта ходим учун бир йилга белгиланган меъёр (м <sup>3</sup> да)	Бир йилда 1000 м <sup>3</sup> тупроқ қазिश ишларини бажариш учун талаб этиладиган ходимларнинг меъёрланган сони
I гуруҳ, бортли а/м	33,6	3644,6	0,27
I гуруҳ, самосвал	34,9	3508,9	0,28
II гуруҳ, бортли а/м	39,6	3092,4	0,32
II гуруҳ, самосвал	41,0	2986,8	0,33
III гуруҳ, бортли а/м	51,7	2368,7	0,42
III гуруҳ, самосвал	54,4	2251,1	0,44

Асбоб-ускуналарга ёпишқоқ тупроқни қазिश, юклаш ва тушириш ишларини бажариш ҳолларида, шунингдек қотиб кетган тупроқни қазिश ишларини бажаришда ходимларнинг меъёрланган сонига нисбатан: I гуруҳ тупроқлари учун 1,12 ва бошқа гуруҳ тупроқлари учун 1,3 коэффициенти қўлланилади.

**Ирригация тармоқларини майда таъмирлаш ишларини  
2, 3 ва 4-разрядли ишчи-ирригаторлар томонидан бажариш  
учун ходимларнинг меъёрланган сони**

8-жадвал

Ишлар тури, тупроқ гуруҳи	Ҳар 1 м <sup>3</sup> учун вақт меъёри (дақиқада)	Беш кунлик иш ҳафтаси ўрнатилганда битта ходим учун бир йилга белгиланган меъёр (м <sup>3</sup> да)	Бир йилда 1000 м <sup>3</sup> қуйқаларни тозалаш ишларини бажариш учун талаб этиладиган ходимларнинг меъёрланган сони
Музлаган тупроқни қозиш			
I гуруҳ	80,6	1519,3	0,66
II гуруҳ	120,9	1012,9	0,99
III гуруҳ	194,9	628,3	1,59
Музламаган тупроқни қозиш			
I гуруҳ	60,5	2024,1	0,49
II гуруҳ	87,4	1387,4	0,72
III гуруҳ	141,1	867,9	1,15
Музлаган тупроқни пневматик болгадан фойдаланган ҳолда қозиш			
I гуруҳ	151,2	809,9	1,23
II гуруҳ	171,4	714,5	1,40
III гуруҳ	225,1	544,0	1,84

Туман (шаҳар) ободонлаштириш  
бошқармалари ходимларининг меъёрланган  
сонини белгилаш тўғрисидаги йўриқномага  
4-ИЛОВА

**Кўкаламзорлаштириш ишларида банд бўлган 2, 3 ва  
4-разрядли кўкаламзорлаштирувчи (яшил хўжалик  
ишчи)лари томонидан ўсимликлар (кўчатлар)ни экиш ва  
уларни парвариш қилиш учун ходимларнинг  
меъёрланган сони**

Кўчатлар тури	Ўлчов бирлиги	Ҳар 100 м <sup>2</sup> майдонга (100 дона) нисбатан вақт меъёрлари, соат *	Ишлаб чиқариш меъёри (киши/соат) (1 бир/3 гр)	Ҳар 1 га (10 000 м <sup>2</sup> ) майдонга ходимлар сони (100 м <sup>2</sup> * 4 гр)	Битта ходим бир йилда хизмат кўрсатадиган меъёр (10000 м <sup>2</sup> / 5 гр)
Майсалар	100 м <sup>2</sup>	31,25	0,032	3,2	3125 м <sup>2</sup>
Бир йиллик ўсимликлар	100 м <sup>2</sup>	3,84	0,26	26	384,6 м <sup>2</sup>
Гиламсимонлар	100 м <sup>2</sup>	3,3	0,30	30	333,3 м <sup>2</sup>
Кўп йиллик ўсимликлар	100 м <sup>2</sup>	6,25	0,16	16	625,0 м <sup>2</sup>
Арчали дарахтлар	100 дона	2,9	0,345	35	286 дона
Баргли дарахтлар	100 дона	2,9	0,345	35	286 дона
Яшил тўсиқ	100 дона	20,8	0,048	5	2000 дона
Атиргуллар	100 дона	18,2	0,055	6	1666 дона
Алоҳида буталар	100 дона	12,7	0,078	8	1250 дона

\* Кўкаламзорлаштириш бўйича ишларни бажариш учун вақт меъёрлари, вақтни белгилаб кузатишлар (хронометраж) асосида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

Механизациялашган ишлар учун:

$$N_{вр} = T_{оп} - \left( 1 + \frac{T_{об} + T_{пз} + T_{отл}}{100} \right)$$

Кўлда бажариладиган ишлар учун:

$$N_{вр} = T_{оп} - \left( 1 + \frac{T_{пз} + T_{отл}}{100} \right)$$

Бунда:

$N_{вр}$  — бажариладиган ишлар (ўлчов бирлиги) учун вақт меъёри, машина-соат, ишчи-соат;

$T_{оп}$  — бажариладиган ишлар (ўлчов бирлиги) учун кузатишлар асосида топиладиган тезкор вақт, машина-соат, ишчи-соат;

$T_{об}$ ,  $T_{пз}$ ,  $T_{отл}$  — иш жойига хизмат кўрсатиш, тайёрлов-якуний опера-

цияларни бажариш, дам олиш ва ижрочиларнинг шахсий эҳтиёжлари учун мўлжалланган вақтнинг (%ларда) тезкор вақтга нисбати.

Ишлаб чиқариш меъёрлари қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\text{Нвир} = \frac{1}{\text{Нвр}}, \text{ бунда:}$$

Нвир — ишлаб чиқаришнинг соатбай меъёри, м<sup>2</sup>, тн, кг, дона ва бошқа бирликларда;

Нвр — бажариладиган ишлар (ўлчов бирлиги) учун вақт меъёри, машина-соат, ишчи-соат.

*Масалан, битта кўкаламзорлаштирувчи (яшил хўжалик ишчиси) учун майса экиш ва парвариш қилиш майдонига хизмат кўрсатиш учун белгиланган меъёрлар ҳисоб-китоби қуйидагича амалга оширилади:*

$$10\,000 / 100 * 0,032 = 1 \text{ га (10\,000 м}^2\text{) майдонга 3,2 ишчи}$$

Бунда:

0,032 — ўлчовчига вақт меъёри (ишчи-соат);

100 м<sup>2</sup> — қабул қилинган ишлаб чиқаришнинг соатбай ўлчов бирлиги.

Битта ходим томонидан бир йилда хизмат кўрсатиш майдони 3125 м<sup>2</sup>ни (10 000 м<sup>2</sup> / 3,2 ишчи) ташкил этади.

Туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари ходимларининг меъёрланган сонини белгилаш тўғрисидаги йўриқномага 5-ИЛОВА

### Асосий ишлаб чиқариш ходимларининг алоҳида лавозимларини жорий этиш шартлари

Лавозим номлари, разрядлар диапазони	Лавозимни жорий этиш шартлари	Бошқармалар учун бирликларнинг меъёрланган сони
Участка устаси	30 — 40 та ишчига 1 та бирлик	Ишчилар сонидан келиб чиқиб
Бригадир	30 — 40 та ишчига 1 та бирлик	Ишчилар сонидан келиб чиқиб
Электр-газ пайвандловчи (1 — 6-разрядли газпайвандловчи, электр пайвандловчи)	Иш сменаси давомида иш билан таъминлаш даражасини ҳисобга олган ҳолда, пайванд ишларини бажариш зарурати	2,0
2 — 6 разрядли электр асбоб-ускуналарини таъмирлайдиган ва уларга хизмат кўрсатадиган электр монтажчи	2 даражадан паст бўлмаган камидан 100 комплект электр жиҳозларининг мавжудлиги	1,0
2 — 5 разрядли электрчи	500 бирлик ёритиш ускуналари учун 1 та бирлик	Ёритиш бирликларининг сонидан келиб чиқиб



Лавозим номлари, разрядлар диапозони	Лавозимни жорий этиш шартлари	Бошқармалар учун бирликларнинг меъёрланган сони
2 — 4 разрядли электр моторлар моторчиси	100 та бирлик электр моторлари учун 1 та бирлик	Электр моторлари бирликларининг сонидан келиб чиқиб
4 — 6 разрядли созловчи-механик	Иш сменаси давомида иш билан таъминланишини ҳисобга олган ҳолда металл ва ёғочга ишлов бериш станокларининг мавжудлиги ҳолларида	1,0
2 — 6 разрядли таъмирловчи чилангар	Мунтазам равишда таъмирлаш ва соzлаш талаб этиладиган механизмлар мавжудлиги ҳолларида	2,0
2 — 5 разрядли барча номдаги чилангарлар	Таъмирланиши талаб этиладиган механизмлар, машиналар ва агрегатларнинг мавжудлиги ҳолларида	3,0
2 — 5 разрядли авточилангарлар	Ҳар 10 та бирлик автотранспорт воситалари учун 1 та бирлик	Автотранспорт воситаларининг сонидан келиб чиқиб
2 — 4 разрядли стропачилар	1 та бирлик юк кўтариш жиҳози (автокран) учун 1 та бирлик	Юк кўтариш жиҳозларининг сонидан келиб чиқиб
2 — 5 разрядли насос қурилмаси машинисти	1 та бирлик кўчма ёки турғун насос қурилмаси ёки 20 та вертикал ва кузатув қудуқлари учун 1 та бирлик	Насос қурилмалари сонидан келиб чиққан ҳолда
3-4 разрядли асфальтловчи-бетонловчи	1 та бирлик учун йилига камида 10 000 м <sup>2</sup> асфальт-бетон иш ҳажмларининг мавжудлиги	Асфальт-бетон иш ҳажмларидан келиб чиққан ҳолда
Дурадгор, ёғочга ишлов берувчи	Смена давомида иш билан таъминланганликни ҳисобга олган ҳолда, дурадгорлик ва ёғочга ишлов бериш бўйича иш ҳажмларининг мавжудлиги	2,0
Мироб (ариқ-дренаж тизимига сув беришни тартибга солувчи ишчи)	10 км ариқ тизими учун 1 та бирлик	Ариқ тизимининг узунлигидан келиб чиққан ҳолда
2-разрядли аккумуляторчи	100 та аккумулятор батареяси (автомобиллар, юклаш машиналари ва бошқалар учун) учун 1 та бирлик	Аккумуляторлар сонидан келиб чиққан ҳолда
Худудларни ташқи безатиш ишчиси	Ҳар 1000 м <sup>2</sup> ташқи хизмат кўрсатиш бўйича иш ҳажмларига 1 та бирлик	Ташқи хизмат кўрсатиш иш ҳажмларидан келиб чиққан ҳолда
Қабристон назоратчиси	Қабристонда 1 та бирлик	1,0
Қабристон қоровули	Қабристонда 3 та бирлик (ишнинг сменалигидан келиб чиққан ҳолда)	3,0
Дафн маросими хизматлари ишчиси	Бир кунда 3 та кўмиш маросими ўтказишда 1 та бирлик	Бир кунда ўтказиладиган кўмиш маросимларидан келиб чиққан ҳолда
Истироҳат боғлари ва боғларда ҳожатхоналарни тозаловчи	1 — 3 та пулсиз хизмат кўрсатиладиган ҳожатхоналар учун 1 та бирлик	Ҳожатхоналар сонидан келиб чиққан ҳолда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ  
ИЖТИМОИЙ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ  
ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**355** Ўн саккиз ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқланадиган ноқулай меҳнат шароитлари ишлари рўйхатини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
29 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1990*

*(2009 йил 8 августдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1996 й., 1-сон) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 сентябрдаги 207-сонли «Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенцияни ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисидаги Конвенцияни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 37-38-сон, 377-модда) қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Ўн саккиз ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқланадиган ноқулай меҳнат шароитлари ишлари рўйхати янги таҳрирда иловага мувофиқ тасдиқлансин.

